



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

«ШАРҚ САНЪАТИ ТАРИХИГА КИРИШ»

фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар

Таълим йўналиши: 5120300 – Тарих (Мамлакатлар ва минтақалар бўйича)

Тошкент - 2014

Ўқув-услубий мажмуа намунавий дастур ва таълим йўналишининг ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ва кафедра мажлисининг 20__йилнинг ____ойининг ____-кундаги мажлисида маъқулланган (____-сонли баённома);

факультет илмий-услубий кенгашининг 20__йилнинг ____ойининг ____кундаги мажлисида муҳокама қилинган (____-сонли баённома).

Т у з у в ч и: т.ф.д., профессор Р.Ҳ. Сулаймонов

Т а қ р и з ч и л а р:

Ички: т.ф.д., профессор М.М. Исҳоқов

Ташқи: т.ф.н. М.И. Филанович

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси Тошкент давлат шарқшунослик институти
Ўқув-услугий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган (_____ 201 йилдаги ____-
сонли баённома)

Кириш

Санъат инсоният фаолиятининг бир тури сифатида ҳар хил маданият доираларда
намоён бўлади: рассомлик, мусиқа, театр, бадиий адабиёт ва ҳ.к. У ихтисослашган
бадиий атроф ҳаёт ва муҳит воқеаларини ифодалашдир.

Шу билан бирга санъат шахснинг интеллектуал ва ҳиссий тараққиётини, маданий
меросни, абадий қадриятларни ўзлаштириш энг қудратли воситасидир. Тош асрида
пайдо бўлган санъат дастлаб кундалик ҳаёт хожатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, сўнг
турли санъат йўналишлари ва мустақил фаолият сифатида шаклланади: диний санъат,
техник (меъморчилик, дизайн), журналистика (очерк, публицистика), ташвиқот ва
тарғибот (нотиклик, реклама), спорт (бадиий гимнастика ва ҳ.к.). Бундан ташқари
техник жиҳатдан ҳам санъат асарлари фарқ қилади: ранг-тасвир санъати,
хайкалтарошлик, графика, монументал санъат, амалий санъат, миниатюра ва ҳ.к.

Санъатшунослик санъат назарияси, тарихи ва бадиий танқидлардан иборат.
Биринчи санъатшунослик назариялари Плотон ва Аристотел асарларида ўз аксини
топган. Европада уйғониш даврида санъатшунослик мавзуга доир турли рисолалар
ёзилган. Лекин асосан санъатшуносликнинг турли йўналишлари XIX-XX асрларда
шаклланади (В.Любке, А.Шпрингер, Г.Масперо, Я.Бургхардт, В.В.Стасов).

Ҳозирги замон санъатшунослик борасида рассомлик, графика, скульптура
муҳим ўрин тутган. Шу тоифа санъатлар доирасига меъморчилик ва амалий санъатни
ҳам қўша бўлади. Кино ва театр синтетик санъатлар туркумига киради.

Санъатнинг асосий хусусияти санъаткор моддий манзаралар аксини яратар экан
ўзининг ғоявий позицияси, ҳиссиёти ва фикрини шу манзара орқали ифодалашга
ҳаракат қилади.

Санъат асарлари турли жанрлардан иборат. Мисол учун рассомлик соҳасида
тарихий, кундалик ҳаёт, жанг манзаралари, портрет, пейзаж, натюрморт ва ҳ.к.лардан
иборат. Давр ўтиши билан санъат жанрлари ўзгариб боради. Мисол учун қадимда ўта
муҳим бўлган мифологик жанр ҳозир йўқолиб кетган.

Ҳар бир санъат асарининг энг муҳим тушунчаларидан бири унинг
композициясидир. Ҳар бир санъаткор маълум бир воқеани ифодалар экан, айнан унинг
композицияси орқали асарнинг ғояси ва ҳиссий дунёсини ифодалашга ҳаракат қилади.

II. НАМУНАВИЙ ДАСТУР

Кириш

Ушбу дастурда ўқув фанининг назарий-амалий масалалари ёритилади. Фаннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади ҳамда унинг асосий йўналишлари ҳақида тасаввур берилади.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

«Шарқ санъати тарихига кириш» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- «Шарқ санъати тарихига кириш» фанининг мақсад ва вазифалари, хусусан, санъат ҳақидаги асосий тушунчалар, унинг ибтидоси, шаклланиш тарихи, ибтидоий санъат намуналарининг палеолит даври магияси ва овчилик ирим-чиримлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш. Шарқда биринчи ўтроқ цивилизация марказлари ва шаҳарсозлик маданияти шаклланиши билан диний санъат анъанасини шакллантиришини тушунтириш ва улардан илмий мақсадларда фойдаланишни **билиши** керак;
- Талаба тарихий маълумотларни илмийлик, тарихийлик, холислик асосида ўрганиш. Ёзма манбалар, Шарқда биринчи цивилизация марказлари ва шаҳарсозлик маданияти шаклланиши, интернет маълумотларни, археологик манбаларни мустақил тадқиқ қилиш, ўрганиш **кўникмаларига эга бўлиши** керак;
- Шарқ санъати тарихини ўрганишда ёзма манба маълумотларидан замонавий техник воситалардан фойдаланиш **малакаларига эга бўлиши** керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

«Шарқ санъати тарихига кириш» фани 2 семестрда 2-курт бакалавр талабаларига ўқитилади. Бу фан “Қадимги дунё тарихи”, “Ўзбекистон тарихи” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир. Дастурни амалга ошириш, ўқув режасида режалаштирилган

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг Замонавий тадқиқот усуллари фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, жадваллардан фойдаланилади.

Дастурда берилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари мустақил иш сифатида талабаларга ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологиянинг “Бумеранг”, “кластер” сингари услублари орқали дарслар олиб борилади.

Асосий қисм

Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари

Қадимги маданият марказлари ҳисобланган Миср, Месопотамия, Ҳетт давлати, Урарту, Махенжадаро, Хараппа ва бошқа жойларда топилган археологик манбалар, шунингдек, антик давр ва илк урта асрларга оид ёдгорликларни урганиш натижасида тупланган маълумотлар (меъморий ёдгорликлар - саройлар, қабрлар,

мавзолейлар ва бошқа меъморчилик обидалари, амалий санъат асарлари, наккошлик, рассомлик ва бошқа санъат турлари) билан таништириш - бу курснинг асосий вазифаларидандир. Бу моддий маданият ёдгорликларининг барчаси (эрамиздан аввалги IV минг йилликдан бошлаб то ривожланган феодализм давригача (IX-XII) шарқ халқларининг бой маънавий дунёси ҳақида маълумот беради.

Кириш. Санъат ижтимоий онг шакли сифатида

Ранг-тасвир(живопись), графика (рассомлик), скульптура (ҳайкалтарошлик). Санъатнинг ушбу турлари инсоннинг кўриш қобилияти орқали ифодаланади. Меъморчилик архитектура ва амалий санъат намуналари ҳам кўриниш орқали инсон ҳиссиётига таъсир қилиши мумкин. Яъни бу турдаги санъатлар фақат маълум бир сатҳ ёки масофа орқали маълум бир ғояни ёки ҳиссиётни ифодалаши мумкин. Лекин кино, театр, видео санъат турлари маълум бир жараёнларда ҳам ифодалядилар. Бу турдаги санъатлар синтетик санъат турлари сифатида баҳоланади. Тасвирий санъат соҳасида расм (рисунок), ранг, пластика (ҳайкалтарошлик хусусиятлари) тушунчалари аҳамияти муҳим. Мисол учун ҳайкалтарошлик воситаси орқали табиат манзарасини ифодалаб бўлмайди. Лекин юқорида қайд этилган санъат турларининг асосий мақсади ва моҳияти атроф-муҳит асосий воқеалари ва ҳодисаларини ифодалашга ва улар билан боғлиқ бўлган ҳиссиётни томошабинга етказишга мўлжалланган.

Миср ва Месопотамия санъати.

Қадимги Миср цивилизацияси жаҳоннинг энг қадимий ва бой маданий мерослари билан машҳур. Ибтидоий даврлардаёқ Миср амалий санъатида тасвирий лавҳаларнинг фронтал яхлитлигига, деталларнинг реал-ҳаётий чиқишига, маълум тасвирий анъаналар (канонлар)нинг юзага келишига қарата тараққиёт чизиғи кўзга ташланади. Булар аввало ранг бўёқли энеолит даври сопол буюмларида, суякдан ясалган мўъжаз буюмларда, ҳайвон шохидан ясалган кичик ҳайкалчаларда кузатилади.

Месопотамия Кавказорти Арман тоғларидан Форс қўлтиғигача, Эроннинг Заҳрос тоғидаги Сирия чўлларигача қадимги икки дарё (Дажла ва Еофрот) оралиғидаги ерлардан иборат мамлакат бўлиб, уни юнонлар Месо – “оралик”, потам – “дарё” сўзларидан қўшма сўз ясаб атаганлар. Русча “Двуречье”, ўзбекча “Икки дарё оралиғи” атамалари ҳам юнончанинг ўзгармаларидир. Еврот (қадимги Шумер тилида Буранун, аккад тилида Пуратту) 2700 км узунликдаги дарё, Дажла (Идигна) аккадча (Идиклат) – 1900 км бўлиб, Арман тоғларидан бошланади ва қуйилиш қисмида дельталари қўшилиб кетади, суви Форс қўлтиғига қуйилади.

Хетлар, Урарту, Кичик Осиё, Мидия, Ахмонийлар, Эллинизм, Парфия ва Сосонийлар санъати

Хетлар ва Мидия мамлакатлари санъати купгина ухшашликка эга. Айниқса шаҳарлар қурилиши, қоялардаги қабрлар, наккошлик ва бошқаларда бу яқинлик анча сезиларлидир. Улар санъатига хетлар ва ассирияликларнинг таъсири кучли булган, чунки улар уртасида доимо урушлар булиб турган. Меъморчиликда етакчи урини саройлар ва ибодатхоналар қуриш эгаллаган, шунингдек, монументал рассомлик, наккошлик ҳайкалтарошлик анча тараққий этган. Ҳунармандчилик ривожига ҳарбий қуруллар яшаш ва бадий ҳунармандчилик буюмларини яратиш етакчи урин тутган. Мидия учун очик майдонларда олов ибодатхоналари қуриш характерли булиб, бу зароастризм - оташпарастликнинг ёйилиши билан боғлиқдир. Арманистондаги ёдгорликлар (Кармир-Блур, Эребуни, Аргиштихинили) Урарту маданияти билан танишишда жуда муҳим ҳисобланади. Мидия санаъти билан танишишда эса Зивиядан топилган хазина (эрамиздан аввалги IX-III асрлар) алоҳида урин тутди. Унга асосланиб "илон услуби" ҳақида тушунча олиш мумкин, бу услуб киммерийлар ва скифлар санъатида ҳам учрайди.

Эрамиздан аввалги IX-IV асрларда Кичик Осиёда бир канча кичик давлатлар (Фригия, Ликия, Пафлогония) мавжуд булиб, уларнинг санъати қушни халқлар санъатига уз таъсирини утказди. Ўрта Осиёда юнон-бактрия, қушон, эфталит, турк хоқонлиги давлатлари даврларининг санъати

Машхур шарқшунос Ричард Фрай қадимги Ўзбекистоннинг ўрталик ҳудудини ташкил қилган Сўғдиёни “Марказий Осиёнинг юраги” деган эди. Ўзининг географик ўрнига кўра Марказий Осиёнинг ўзи ҳам Евроосиё қитъасининг маркази ҳисобланади ва инсоният тарихининг барча босқичларида Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб ўртасида тарихий-маданий, мураккаб муносабатларнинг ҳал қилувчи бўғини бўлиб келган.

Осиё ва Европа тушунчаларининг ўзи қадимги цивилизациянинг икки асосий шакли ўртасида рақобатнинг мевасидир. Бу тушунчалар Грек цивилизациясининг бир томондан Шарқ цивилизацияси таъсирида, иккинчи томондан скифларнинг шимолдан жанубга йўналган цивилизацияси таъсиридан ҳимояланиши замирида пайдо бўлган. Яъни Грек (Юнон) цивилизацияси ўзининг туб моҳиятини сақлаб қолиш учун бутун Шарқ цивилизацияси анъаналарига ўз цивилизациясини қарама-қарши қўйган. Қолаверса, Шимол ва шимоли-шарқ томондан қадимги скиф цивилизациясининг ўзига хос зооморф стили Юнон цивилизациясининг шакллантирувчи асосларига тазйиқ ўтказишга интилган. Натижада қадимги ва антик давр Юнон цивилизацияси ўзининг чегараларини белгилашга ва Осиё цивилизациясидан фарқли равишда ўз моҳиятини сақлаш учун Европа тушунчасини жорий этди.

Хиндистон санъати

Қадимги Хиндистоннинг Мохенжадаро ва Хараппа маданиятлари эр.ав. 2 минг йилликда инқирозга йул тутди. Археологик тадқиқотлар бу даврда хунармандчилик шаҳарлар қурилиши ривожланганлигидан, дарак беради. Айниқса Мохенжадаро ва Хараппадан топилган кохин хайкали (Шумер хайкаллариға анча ухшайди), Хараппадан топилган раққоса хайкали ва бошқалар Хиндистоннинг қадимги хайкалтарошлигининг ажойиб намунасидир.

Эр.ав.1 минг йилликнинг урталарида хиндистон ҳудудида дастлабки кулдорлик давлати пайдо бўлди. Худди шу пайтда Буддизм дини ҳам шаклланди ва деярли барча меъморий иншоотлар ҳамда санъат асарларида бу дин билан боглик равишда юзага келди. Саройлар, уй-жойлар ёғочдан қурилган бўлиб, бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Хитой санъати

Қадимги Хитой ўлкаси узок Шарқ минтақасининг цивилизацияси ўчоғи ҳисобланади. Шань-Инь, Чжоу, Цинь ва Хань давлатлари негизида қадимги Хитой цивилизацияси давлатчилиги, шаҳарсозлиги ва санъати шаклланади. Узок Шарқ цивилизациясига хос Хитой иероглифик ёзуви, яшаш тарзи маданиятнинг иқтисодий асослари шаклланади. Археологик тадқиқотлардан шу кеча-ю кундузда кўплаб меъморчилик ёдгорликлари, мудофаа иншоотлари, шу жумладан буюк Хитой девори, бронзадан қуйилган бадий буюмлар, қурол-яроқ, Хитой тангалари, чинни асбоблар, деворий нақшлар, ипакчилик санъати ва қоғоз, ипак асосида шаклланган тасвирий санъат намуналари кўплаб топилган. Хитой цивилизациясининг неолит ва бронза даврида шаклланган хусусиятлари ва асосий аломатлари бу минтақа цивилизациясининг бутун таракқиёти мобайнида ўз анъанавий қиёфасини сақлаб келиши эътиборга сазовордир.

Амалий машғулотлар учун тавсия ва кўрсатмалар:

Амалий машғулотда талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириши, турли педагогик ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда уларни мустақил ва эркин фикрлашга, таҳлил қилишга ўргатиши зарур. Бунда улар:

- машғулот давомида ўқув материалларини чуқур ва яхлит ҳолда ўрганишлари;
- дарсдан ташқарида фойдаланган турли адабиётлар, матнлар, материалларга од фикрларни эркин баён эта олишлари;
- мустақил равишда мавзунини мустаҳкамлаш, умумлаштириш, хулоса чиқара олишлари керак бўлади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий тайёргарлик орқали янада

бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, рефератлар ёзиш, ёзма ишлари ёзиш, мавзулар бўйича архив ҳужжатларидан намуналар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Амалий машғулот учун тахминий мавзулар:

1. Санъат ижтимоий онг шакли сифатида
2. Миср ва Месопотамия санъати
3. Хетлар, Урарту, Кичик Осиё, Мидия, Ахмонийлар, Эллинизм, Парфия ва Сосонийлар санъати
4. Ўрта Осиёда юнон-бактрия, кушон, эфталит, турк хоқонлиги давлатлари даврларининг санъати
5. Мусулмон халқларининг VIII-XV асрлардаги санъати
6. Марказий Осиё ўрта аср санъати
7. Хиндистон санъати
8. Хитой санъати
9. абадий мавзулар ва кўчувчи сюжетлар

Мустақил ишларни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Мустақил иш жараёнида талабалар бевосита ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

Бунда улар янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлишлари;

-керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлашлари;

-ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланишлари;

-расмий ҳужжатлар ва илмий адабиётлари билан ишлашлари;

-электрон маълумотлар банки билан ишлашлари;

-интернет тармоқидан фойдаланишлари маълумотлар базасини таҳлил этишлари;

-ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослашлари ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилишлари керак бўлади.

Мустақил ишларнинг тахминий мавзулари:

1. Платон ва Аристотел асарларида санъатшунослик назариялари.
2. Санъатшунослик адабийотларида санъатнинг ижтимоий аҳамияти.
3. Г. Картер “Тутанхамон қабри” асари.
4. Қоҳирадаги Султон Ҳасан масжиди.
5. Ашшурбанипал кутубхонасининг Месопотамия санъатида тутган ўрни.
6. Месопотамия санъатида символлар.
7. Эрон санъати тарихи бўйича Ф. Зарре, Э.Хертсфелд, Я. Смирнов, И.А.

Орбели тадқиқотлари.

8. Хетлар ва митанлар санъат маданиятларининг қиёсий таҳлили.

9. Буддизм санъатига хос Марказий Осиё ёдгорликларининг асосий хусусиятлари.

10. Андронолла ва сруб маданиятлари.
11. Уммавийлар даври ислом санъатининг ёдгорликлари.
12. Қаср ал-Хайр ал-Ғарби қасри.
13. Туркларнинг ислом дунёсига кириб бориш даври санъати.
14. Камолиддин Беҳзод ва унинг санъат тарихидаги ўрни.
15. Буддизм даврида санъатнинг асосий хусусиятлари
16. Бобурийлар даврида Ҳиндистонда санъат.
17. “Осмон ибодатхонаси” хитой санъатининг намунаси сифатида.
18. Хитойда Тан ва Мин сулоласи даври санъатининг қиёсий таҳлили.

1. Первобытное искусство;
2. Магия, мифология и искусство;
3. Ранние цивилизации и искусство;
4. Особенности искусство Египта;
5. Искусство древнего царства Египта;
6. Пирамиды и монументальное искусство;
7. Искусство эпохи Эхнатона
8. Архаическое искусство Месопотамии (шумерийское время)
9. Искусства аккадского времени;
10. Искусство Вавилона;
11. Искусство хеттского периода;
12. Искусство империи Ахеменидов;
13. Искусство Парфян и Сасанидов;
14. Искусство Центральной Азии эпохи бронзы и раннего железного века.
15. Эллинистическое искусство Центральной Азии;
16. Скифское искусство Центральной Азии
17. Искусство Центральной Азии эпохи Кушан;
18. Раннесредневековое искусство Центральной Азии;
19. Исламское искусство Центральной Азии;
20. Древнее искусство Индии;
21. Средневековое искусство Индии;
22. Древнее искусство Китая;
23. Средневековое искусство Китая

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

1. Каримов И. А. Узбекистан, устремленный в ХХИ в. Т. 1995
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998
3. Афанасьева В., Луконин В., Померанцева И., Малая история искусств. Искусство Древнего Ближнего Востока. Искусство Древнего Ирана. Искусство Древнего Египта. М., 1976
4. Картер Г. Гробница Тутанхамона, М., 1959
5. Луконин В. Г., Искусство Древнего Ирана, М., 1977
6. Матье М. Э., Искусство Древнего Египта, М., 1970.
7. Флиттнер Н. Д., Культура и искусство Двуречья и соседних стран. М.-Л., 1958
8. История искусства зарубежных стран. Первобытное общество, Древний Восток, Античность, М., 1979.
9. История зарубежного искусства, М., 1980.
10. Шлюмберже Д., Эллинизированный Восток. М., 1985.
11. Абдуллаев И. Санъат тарихи т. II Т., 1987.
12. Алпатов М. В., Всеобщая история искусств т. 1-2. М., 1948-9.
13. Веймарн Б., Искусство арабских стран и Ирана VII-ХVIII вв. М., 1974.

Қўшимча адабиётлар

1. Искусство зодчих Узбекистана, т. 1-4, Т. 1961-3.
2. Искусство древнего Востока, М., 1978.
3. Искусство стран и народов мира. Краткая художественная энциклопедия. Т. 1-5 М., 1962-1981.
4. Пугаченкова Г. А., Искусство Бактрии эпохи Кушан. М., 1978.
5. Сарияниди В., Бастрианъс Голд. Ленинград. 1985.
6. Роаф М., Султурал атлас оф Месопотамия анд тхе Ансиент Near East, New Ёрк, 1998.
7. Государственный музей народов Востока, М., 1978.
8. Дие Акиптер унд дие Эрстен Ҳоҳкултурен , Колн. 1999.

9. Ла Бастриане, ДеЛьхеллемс ан Боуддхисме, Доссиерс дьАнчеологие
№221
10. А. Мадраимов. Ориентал Миниатурс. Т., 2001.
11. Гандхара анд Силк Род Артс, Токио, 202.
12. Ле ситеес оублиес де льИндус. Парис. 1998
13. Самашев З. и др. Треасурес фром тхе Устюрт анд Мангистау, Алматй,
2007.
14. Сулейманов Р. Х., Древний Нахшаб. Т., 2000

Интернет сайты:

www.истедод.уз
www.edu.иоффе.ру
www.рамблер.ру
www.кругосвет.ру
www.йandex.ру
www.гоогле.уз
www.йахоо.ру
www.зиё.нет
www.маил.ру
www.центрасиа.ру

ИШЧИ ДАСТУР

Не дел и	Темы занятий	Форма тип, заняти й	Ч а с ы	Предлагаемая литература	Темы внеаудит орных, самосто ятельны х работ	Фор ма конт роля	Макс имал ьные балл ы прак тиче ских заня тий	Макс имал ьные балл ы Само - образ ован ия
1	2	3	4	5	6	7	8	9
I.	Понятие искусства, виды искусства, жанры, стиль. <i>Место искусства в жизни общества, его социальная роль.</i>	Лекция	2	Алпатов М. В., Всеобщая история искусств т. 1-2. М., 1948-9 История зарубежного искусства, М., 1980.	Первобытное искусство	устна я		
II.	Искусство древнего Египта <i>Долина Нила очаг древнейшей цивилизации Северной Африки. Индивидуальный облик искусства Египта.</i>	Лекция	2	История зарубежного искусства, М., 1980. Дие Акиптер унд дие Эрстен Хохкултурен, Колн. 1999.	Ранние цивилизации и искусство	устна я		
III.	Древнее искусство Месопотамии. <i>Древнейшая цивилизация Евразии. Роль культового искусства в жизни Шумера, Аккада, Вавилона.</i>	Лекция	2	История искусства зарубежных стран. Первобытное общество, Древний Восток, Античность, М., 1979. Роаф М., Султурал атлас оф Месопотамия анд тхе Ансиент Непар Эаст, New Ёрк, 1998.	Особенности искусства Египта	устна я		3
IV.	Время и место самых ранних памятников изобразительного искусства <i>Искусство каменного</i>	Семина р	2	Алпатов М. В., Всеобщая история искусств т. 1-2. М., 1948-9 История зарубежного искусства, М., 1980.	Искусство древнего царства Египта	устна я	2	

	века.							
V.	Древнейшие очаги городских цивилизаций <i>Протогородские и раннегородские цивилизации Востока</i>	Семинар	2	История зарубежного искусства, М., 1980. Дие Акиптер унд дие Эрстен Хохкултурен, Колн. 1999.	Пирамиды и монументальное искусство	устная	2	
VI.	Искусство и религия. <i>Культовые и религиозные памятники Египта и Месопотамии</i>	Семинар	2	История искусства зарубежных стран. Первобытное общество, Древний Восток, Античность, М., 1979.	Искусство эпохи Эхнатона	устная	2	3
VII.	Искусство и религия. <i>Культовые и религиозные памятники Индии и Китая.</i>	Семинар	2	Роаф М., Султурал атлас оф Месопотамии анд тхе Ансиент Непар Эаст, New Ёрк, 1998.		устная		
VIII.	Древнее искусство Турции, Ирана, Закавказья. <i>Доисламские памятники искусства Среднего Востока.</i>	Лекция	2	История искусства зарубежных стран. Первобытное общество, Древний Восток, Античность, М., 1979. Дие Акиптер унд дие Эрстен Хохкултурен, Колн. 1999.	Архаическое искусство Месопотамии (шумерийское время)	устная		
IX.	Искусство Египта <i>Особенности эволюции стиля искусства древнего Египта.</i> 1– промежуточный рейтинг	Семинар	2	История искусства зарубежных стран. Первобытное общество, Древний Восток, Античность, М., 1979. Дие Акиптер унд дие Эрстен Хохкултурен, Колн. 1999.	Искусство акадского времени	устная	2	5
X.	Древнее искусство Центральной Азии. <i>Памятники искусства доисламской эпохи.</i>	Лекция	2	Ремпель Л. И. Цепь времен. Т., 1987. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. М. 1985. Досье дьАрхеологии №221.	Искусство Вавилона	устная		
XI.	Древнее искусство Месопотамии <i>Древнейшая цивилизация Евразии. Роль культового искусства в жизни Шумера, Аккада, Вавилона.</i>	Семинар	2	Ремпель Л. И. Цепь времен. Т., 1987. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. М. 1985. Досье дьАрхеологии №221.	Искусство империи Ахеменидов	устная	2	4
XII	Искусство Индии <i>Эволюция и особенности искусства Индии</i>	Лекция	2	История зарубежного искусства, М., 1980. Ле ситлес оублиес де льИндус. Парис. 1998	Искусство Парфян и Сасанидов	устная		
XII I	Искусство Индии <i>Эволюция и особенности искусства Индии</i>	Семинар	2	История зарубежного искусства, М., 1980. Ле ситлес оублиес де льИндус. Парис. 1998	Эллинистическое искусство Центральной Азии	устная	2	5
XI V	Искусство Китая <i>Специфика искусства Дальнего Востока и его развитие.</i>	Лекция	2	История зарубежного искусства, М., 1980. Ахмедова Э. Габидулин. Культурология. Мировая культура. Т. 2001	Скифское искусство Центральной Азии	устная		
XV	Искусство Китая <i>Специфика искусства Дальнего Востока и его развитие.</i>	Семинар	2	История зарубежного искусства, М., 1980. Ахмедова Э. Габидулин. Культурология. Мировая культура. Т. 2001	Раннесредневековое искусство Центральной Азии	устная	2	5

XV I	Средневековое искусство Ближнего Востока <i>Распространение ислама и сложение особенности исламского искусства Ближнего Востока</i>	Лекция	2	Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусства Узбекистана с древнейших времен до середины XIX в. М. 1976.	Исламское искусство Центральной Азии	устная		
XV II	Средневековое искусство Центральной Азии эпохи ислама <i>Ислам и развитие искусства Средней Азии в эпоху феодализма.</i>	Лекция		Ремпель Л. И. Искусства среднего Востока. М. 1978. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. М. 1985.		устная		
XV III	Серия практических занятий по сравнительному искусствоведению. <i>Выявление взаимодействия стилей искусства различных регионов</i>	Семинар	2	Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусства Узбекистана с древнейших времен до середины XIX в. М. 1976. Ремпель Л. И. Искусства среднего Востока. М. 1978. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. М. 1985.	Искусство Индии	устная	3	5
XI X	Вечные темы и бродячие сюжеты искусства Востока. <i>Выявление образов и сюжетов изобразительного искусства которые распространялись в различных регионах и сохранялись в различных эпох.</i> III – ПРОМЕЖУТОЧНЫЙ РЕЙТИНГ	Семинар	2	Ремпель Л. И. Цепь времен. Т., 1987	Искусство Китая	устная	3 10	 5
САМОСТОЯТЕЛЬНАЯ РАБОТА							26	
ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫЙ КОНТРОЛЬ							30	
ВСЕГО							100	

Маъруза 1. К И Р И Ш. Санъат ижтимоий онг шакли сифатида

Режа:

1. Санъат тушунчаси ва маданият соҳасида унинг аҳамияти.
2. Санъатшунослик фанининг ривожланиши.
3. Санъатнинг асосий турлари, услублари ва жанрлари.
4. Илк санъат намуналарининг пайдо бўлиши.
5. Шарқ санъатининг негизлари.

Таянч тушунча ва иборалар: санъат, тош асри санъати, реализм, расм, ранг, пластика, жанр, услуб, ҳайкалтарошлик, графика, монументал санъат, амалий санъат, миниатюра.

Дарсинг мақсади: дарсда талабаларга санъат ҳақидаги асосий тушунчалар, унинг ибтидоси, шаклланиш тарихи, ибтидоий санъат намуналарининг палеолит даври магияси ва овчилик ирим-чиримлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш. Шарқда биринчи ўтроқ цивилизация марказлари ва шаҳарсозлик маданияти шаклланиши билан диний санъат анъанасини шакллантиришини тушунтириш.

Асосий қисм:

Санъат инсоният фаолиятининг бир тури сифатида ҳар хил маданият доираларда намоён бўлади: рассомлик, мусиқа, театр, бадиий адабиёт ва ҳ.к. У ихтисослашган бадиий атроф ҳаёт ва муҳит воқеаларини ифодалашдир.

Шу билан бирга санъат шахснинг интеллектуал ва хиссий тараққиётини, маданий меросни, абадий қадриятларни ўзлаштириш энг қудратли воситасидир. Тош асрида пайдо бўлган санъат дастлаб кундалик ҳаёт ҳолатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, сўнг турли санъат йўналишлари ва мустақил фаолият сифатида шаклланади: диний санъат, техник (меъморчилик, дизайн), журналистика (очерк, публицистика), ташвиқот ва тарғибот (нотиклик, реклама), спорт (бадиий гимнастика ва ҳ.к.). Бундан ташқари техник жиҳатдан ҳам санъат асарлари фарқ қилади: ранг-тасвир санъати, ҳайкалтарошлик, графика, монументал санъат, амалий санъат, миниатюра ва ҳ.к.

Санъатшунослик санъат назарияси, тарихи ва бадиий танқидлардан иборат. Биринчи санъатшунослик назариялари Плотон ва Аристотел асарларида ўз аксини топган. Европада уйғониш даврида санъатшунослик мавзуга доир турли рисолалар ёзилган. Лекин асосан санъатшуносликнинг турли йўналишлари XIX-XX асрларда шаклланади (В.Любке, А.Шпрингер, Г.Масперо, Я.Бургхардт, В.В.Стасов).

Ҳозирги замон санъатшунослик борасида рассомлик, графика, скульптура муҳим ўрин тутган. Шу тоифа санъатлар доирасига меъморчилик ва амалий санъатни ҳам қўша бўлади. Кино ва театр синтетик санъатлар туркумига киради.

Санъатнинг асосий хусусияти санъаткор моддий манзаралар аксини яратар экан ўзининг ғоявий позицияси, хиссиёти ва фикрини шу манзара орқали ифодалашга ҳаракат қилади.

Санъат асарлари турли жанрлардан иборат. Мисол учун рассомлик соҳасида тарихий, кундалик ҳаёт, жанг манзаралари, портрет, пейзаж, натюрморт ва ҳ.к.лардан иборат. Давр ўтиши билан санъат жанрлари ўзгариб боради. Мисол учун қадимда ўта муҳим бўлган мифологик жанр ҳозир йўқолиб кетган.

Ҳар бир санъат асарининг энг муҳим тушунчаларидан бири унинг композициясидир. Ҳар бир санъаткор маълум бир воқеани ифодалар экан, айнан унинг композицияси орқали асарнинг ғояси ва хиссий дунёсини ифодалашга ҳаракат қилади.

Санъатнинг асосий турлари, услублари ва жанрлари

Ранг-тасвир(живопись), графика (рассомлик), скульптура (ҳайкалтарошлик). Санъатнинг ушбу турлари инсоннинг кўриш қобилияти орқали ифодаланади. Меъморчилик архитектура ва амалий санъат намуналари ҳам кўриниш орқали инсон хиссиётига таъсир қилиши мумкин. Яъни бу турдаги санъатлар фақат маълум бир сатҳ ёки масофа орқали маълум бир ғояни ёки хиссиётни ифодалаши мумкин. Лекин кино, театр, видео санъат турлари маълум бир жараёнларда ҳам ифодалайдилар. Бу турдаги санъатлар синтетик санъат турлари сифатида баҳоланади. Тасвирий санъат соҳасида расм (рисунок), ранг, пластика (ҳайкалтарошлик хусусиятлари) тушунчалари аҳамияти муҳим. Мисол учун ҳайкалтарошлик воситаси орқали табиат манзарасини ифодалаб бўлмайди. Лекин юқорида қайд этилган санъат турларининг асосий мақсади ва моҳияти атроф-муҳит асосий воқеалари ва ҳодисаларини ифодалашга ва улар билан боғлиқ бўлган хиссиётни томошабинга етказишга мўлжалланган.

Жанр тушунчаси бу тушунча санъатнинг маълум бир мавзулар билан чекланган йўналишини ифодалайди. Мисол учун тарихий жанр, жанговор жанр, портрет, пейзаж ва ҳоказо. Давр ўтиши билан маълум бир жанрлар йўқолиб (мисол учун мифологик жанр, ёки диний жанр) йўқолиб, уни ўрнига янги жанрлар шаклланиб боради.

Услуб (стиль) бу тушунча маълум бир давр ва ҳудуд билан чекланган бир гуруҳ санъаткорларга хос бўлган хусусиятлардан иборат. Ҳар бир услубнинг ғоявий ва методологик умумийлик ифодалайди. Баъзи бир услублар минг йиллар мобайнида ўзгармаслиги мумкин. Мисол учун қадимий Миср тасвирий санъатининг услубияти минг йиллар давомида ўз хусусиятини йўқотмаган.

Ранг-тасвир (живопись) санъатининг пайдо бўлиши ибтидоий давр полеолитдан бошлаб саналади. Антик ва ўрта асрларда ранг-тасвир асосан деворий нақшлардан

иборат бўлган. Лекин Европанинг уйғониш давридан бошлаб, унинг турли техникалари кўпайиб кетади. Матога солинган ранг-тасвирлар, акварель, гуаш, темпера ва ҳ.к. Деворий нақшлар қаторига мозаика (парчин), майолика (кошин), тош барельефлар(бўртма тасвир) қўшилиб боради.

Шулар каби рассомлик (графика) монументал санъат, декоратив амалий санъат намуналари, миниатюра санъати турлари қатор ўзларига хос аломат ва белгилари билан, бажарилиш технологиялари билан фарқ қилиб, буларнинг ҳар бир тури ўз ўрнида ва ўз даврида ишлатилиб келган.

Тасвирий санъат намуналари ва суякдан ишланган ибтидоий най асбоблари юқори палеолит давридан, 30-35 минг йил бурун ибтидоий манзилгоҳлардан топилган. Шу даврдан бошлаб санъат тарихини кузатиб келишимиз мумкин. Ушбу санъат намуналари ибтидоий одамнинг кундалик ҳаёти овчилик, термачилик иқтисодиёти технологиялари, улар билан боғлиқ бўлган ирим-чирим маросимлар, яъни меҳнат фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Мезолит, неолит давларида турли абстракт тушунчалар шаклланиши туфайли, мисол учун кунларни санаш, давр ўлчови, календарлар ярата бошланади. Бу ҳодиса деҳқончилик ва чорвачиликнинг шаклланиши билан пайдо бўла бошлайди. Чунки турли календарь фаслларга қараб экин экиш, уни суғориш, ҳосилини йиғиш юмушлари амалга оширилган. Ибтидоий қоя тошларда 30 рақамдан иборат бир қатор чизиқлар ой ҳисобини ифодалайди, доира, ўқ, одам беш панжаси ва бошқа нишонлар учрай бошлайдики, уларнинг маъноси, семантикаси рассомга маълум бўлган абстракт тушунчаларнинг ифодаси бўлиши мумкин. Шу асосда аста-секин орнамент санъати шаклланиб, неолит даврида кенг кўламда кулолчилик маҳсулоти тарқаганидан сўнг илк деҳқончилик маданияти марказларида (Египет, Месопотамия, Моханжадаро, Анао ва Яньшао маданиятларида) керамика маҳсулоти намуналарида кенг кўламда турли-туман орнаментал сюжетларининг гуллаб-яшнашини кузатамиз.

Илк давлатчилик ва шаҳарсозлик шакллангандан сўнг биринчи эҳромлар қадимги Шарқда теократик ҳокимиятининг туғилганлигидан далолат беради ва ушбу эҳром, зиккурат, пирамидалар ва бошқа диний марказларда Шарқ санъатининг илк намуналарини пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қадимги маданият марказлари ҳисобланган Миср, Месопотамия, Хетт давлати, Урарту, Махенжадаро, Хараппа ва бошқа жойларда топилган археологик манбалар, шунингдек, антик давр ва илк урта асрларга оид ёдгорликларни урганиш натижасида тупланган маълумотлар (меъморий ёдгорликлар - саройлар, қабрлар, мавзолейлар ва бошқа меъморчилик обидалари, амалий санъат асарлари, наккошлик, рассомлик ва бошқа санъат турлари) билан таништириш - бу курснинг асосий вазифаларидандир. Бу моддий маданият ёдгорликларининг барчаси (эрамиздан аввалги ИВ минг йилликдан бошлаб то ривожланган феодализм давригача (ИХ-ХИИ) шарқ халқларининг бой маънавий дунёси ҳақида маълумот беради.

ХИХ асрдаги катта археологик кашфиётлар қадимги маданиятлар тарихини тиклашга ёрдам берадиган қадимги ёзувлар, санъат асарлари ва бошқа нарсаларнинг топилишига сабаб булди. Олимлар олдида қадимги иероглифлар ва клинопис матнларни замонавий тилларга угириб ўқиш масаласи пайдо булди ва шу тариқа мисршунослик, ассирияшунослик, хеттшунослик ва фаннинг бошқа йуналишлари пайдо булди.

Шарқ санъатининг антик даврга бориб тақаладиган тарихи билан танишиш, ҳамда шу даврга таълукли юнон, рим, хитой манбаларини, шунингдек, урта асрда яшаб утган тарихчи ва географларнинг асарларида учрайдиган меъморчиликка, ҳайкалтарошликка, наккошликка ва санъатнинг бошқа турларига алоқадор маълумотларни билиш талабаларнинг асосий вазифаларидан биридир. Масалан, урта асрларда яшаган Ҳаким-бейнинг хабар беришича, Газна шаҳрида яшаган Абдул-Ҳайрнинг уйида унинг узи ва яқин аёнлари тасвирланган катта расмлар бўлган. ХИИИ-ХВ асрларга тааллуқли санъат олами; урганишда Марко Поло, Клавихо ва

бошқаларнинг Олд ва Урта Осиёдаги шаҳарларни таърифлаган асарлари жуда ҳам оскотади.

ХВИИ асрда шарққа булган кизиқиш янада кучайди. "Гарбий Оврупалик саёҳатчилар савдо алоқаларини урнатиш мақсадида шарққа кириб кела бошладилар, улар ҳозирги пайтда йуқолиб кетган купгина қадимий ёдгорликлар ҳақида ёзиб қолдирганлар. Италиялик Пётр де Лавалль аҳмонийлар давлатининг пойтахти - Персипол харобаларини тасвирлаб утган. Умуман олганда, ХВИИ асргача булган барча оврупалик сайёҳларнинг асарлари жонли тилда ёзилган бўлиб, уларда оврупаликларнинг Шарққа бўлган ҳурмати, кизиқиши сезилиб туради.

Лекин ХИИИ асрга келиб аҳвол бироз узгарди, энди оврупаликлар Шарқ санъатининг жозибасига, санъат асарларининг гузаллигига бе-писандлик билан қарай бошладилар. Уларнинг тасаввурда Шарқлик халқлар гузалликни тушуна олмайдиган ёввойи қабилалар эди, холос.

ХИХ асрдан бошлаб Шарқ санъатига, тарихига булган кизиқиш яна кучайди, санъат асарларини коллекция қилиш, уларни Оврүпадаги етакчи музейларга ташиб кетиш бошланди. Миср, Месопотамия ва Кичик Осиёдаги археологик қазилмалар, мумтоз Шарқ санъатшунослигига асос солди. Олимлар топган қадимги ёзувлар, санъат асарлари, меъморий ёдгорликлар қолдиқлари қулдорлик давридаги Шарқ санъатининг узиға хослигини, Шарқ халқларининг юксак маданиятини тан олишға мажбур этди. Шу билан бир вақтда Шарқни, Шарқ санъатини талон-тарож қилиш бошланди. Фарангистон, Англия, Олмония ва бошқа оврүпа мамлакатлари уз музейларини, коллекцияларини бойитиш учун Шарқдан санъат асарларини ташиб кета бошладилар. ХХ асрга келиб АКШ талон-тарожға қушилди ва немислар билан бирға Яқин Шарқдан, Шарқий Туркистон ва бошқа Шарқ мамлакатларидан ташиб кетиш мумкин бўлган бир қанча бойликлариға қушиб санъат асарларини ҳам олиб чиқиб кетади.

Талабалар бу махсус курс давомида рус олимларининг, археологларнинг Шарқий Туркистонда, Урта Осиёда (Б.В.Бартольд, В.А.Жуковский) олиб борган ишлариға ҳам эътибор қаратадилар. Шарқ амалий санъатини урганишда Н.А.Орбели, Б.Л.Денике, Б.В.Веймарн, А.Ю.Якубовский, Л.Д.Гузальян, И.Ю.Крачковский ва бошқаларнинг хизмати каттадир. Ҳозирги вақтда Узок Шарқ мамлакатлари маданияти ва санъати масалалари устида иш олиб борилмокда.

Хорижий Шарқ санъати билаи танишиш талабаларға Урта Осиё халқлари маданияти ва санъатининг илдиэларини, тараккиёт йулларини тушунишға ёрдам беради.

Талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш учун анча кенг куламда чоп этилаётган Шарқнинг йуқолган маданиятлари изидан туркумидаги илмий-оммабоп асарларай ўқиб бориш тавсия этилади. Ҳозирги пайтда бу сериядаги унлаб китоблар босмадан чиқди.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Санъатнинг ижтимоий ҳаётда аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Санъат ахборот воситаси сифатида фаолиятининг аҳамияти.
3. Санъатшунослик фанининг асослари қачон ва қаерда шаклланган.
4. Санъат асосий турларининг белгиларини, хусусиятларини тушунтириб беринг.
5. Жанр, услуб тушунчаларини тушунтиринг.
6. Графика, ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир, монументал ва амалий санъат асарларининг асосий хусусиятлари.

Мустақил иш топшириқлари:

- И.А. Каримов маданий мерос ҳақидаги фикрларини конспект қилиш;

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

- Липин Л., Белов А. Глиняные книги. Л., 1956.
Керам К. Боги, гробницы, ученые. Л., 1960.
Добльхофер Э. Знаки и чудеса. М., 1961.
Вулли Л. Ур Халдеев. М., 1961.
Чабб М., Здесь жила Нефертити. М., 1961.
Донини А. Люди, идолы и боги. М., 1962.
Керам К. Узкое ущелье и Черная гора. М., 1962.
Нейхартд А.А. Шишова И.А. Семь чудес света. Л., 1966.
Варшавский А. Города раскрывают тайны. М., 1967.
Замаровский В. Тайны хеттов. М., 1968.
Кондратов А.М. Погибшие цивилизации. М., 1968.
Перепелкин Ю.Я. Тайна золотого гроба. М., 1968.
Брентъес Б. От Шанидара до Аккада. М., 1976.
Ллойд Сетон. Археология Месопотамии. М., 1981.
Каримов И.А. Без исторической памяти нет будущего. Т.7. – Ташкент, 1999.
Алпатов М.В. Всеобщая история искусств. Т.1. – М., 1948.
Виппер Б.Р. Введение в историческое изучение искусства. – М., 1985.
Янсон Х.В., Янсон Э.Ф. Основы истории искусств. – СПб., 1996.

Маъруза 2. Миср ва Месопотамия санъати.

Режа:

1. Миср санъати тарихи манбалари .
2. Миср санъатининг ривожланиш босқичлари.
3. Миср санъатининг асосий мазмуни ва моҳияти.
4. Миср санъатининг асосий ёдгорликлари баёни.
5. Месопотамия санъатининг ўрганилиш тарихи.
6. Шумер санъати.
7. Аккад даври санъати.
8. Вавилон санъати.
9. Ассирия санъати.

Таянч тушунча ва иборалар: Геродот, Фива, Тутанхамон, Гизе, Птоломей, фиръавн, Тот, Жосер, мастаба, Хфрен, Хеопс, Ра, Луксор, Карнак.

Ур, Уруг, Лагаш, Хорсабад, Ашшур, Ниневия, зиггурад, китен, миххат.

Дарсинг асосий мақсади: талабаларга қадимги Миср санъатининг ўрганилиш тарихи ва манбалари ҳақида ахборот бериш. Миср давлатчилигининг шаклланиши ва илк ҳокимларининг мақбараларини маҳобатли иншоотлар сифатида қурила бошлаши. Мастаба ва Жосур пирамидаси ҳақида ахборот бериш. Машхур Гизе водийсидаги Хеопс, Хефрен, Снофру пирамидалари ҳақида ахборот бериш. Тель-а-марна санъати ва Ахетатун шаҳри, Тутанхамон мақбарасининг очилиши ва ундаги санъат ёдгорликларининг аҳамияти. Луксор эҳромлари. Ягона аёл фиръавни ҳачепсут даврига оид меъморчилик ва санъат намуналарининг хусусиятлари. Мисрнинг саис даври санъатининг хусусиятлари.

Дунёда энг қадимги шаҳар маданияти ва давлатчилик формаларини яратган шумер маданияти ҳақида ахборот бериш. Шумер тасвирий санъати ва меъморчилигининг асосий хусусиятлари. Эр.авв. учинчи минг йилликдан бошлаб яқин Шарқда семитик элатларини тарқалиши. Аккад, Вавилон, Ассирия давлатларининг санъат намуналарини ифодалаб бериш.

Асосий қисм:

Қадимги Миср цивилизацияси жаҳоннинг энг қадимий ва бой маданий мерослари билан машхур. Ибтидоий даврлардаёқ Миср амалий санъатида тасвирий лавҳаларнинг фронтал яхлитлигига, деталларнинг реал-ҳаётий чиқишига, маълум тасвирий анъаналар (канонлар)нинг юзага келишига қарата тараққиёт чизиғи кўзга ташланади. Булар аввало ранг бўёқли энеолит даври сопол буюмларида, суякдан ясалган мўъжаз буюмларда, ҳайвон шоҳидан ясалган кичик ҳайкалчаларда кузатилади.

Мисрда кулдорлик жамияти юзага келган пайтларда тасвирий санъат зодагонлар ҳукмронлигининг кучли мафкуравий воситасига айланади. Айниқса, фиръавнлар ҳокимиятини улуғлаш, мавжуд тузумнинг илоҳийлигини ва абадий барқарорлигини таъкидлашга қаратилади. Фиръавнларни тасвирлашнинг махсус доимий белгилари канон ўлчамлари пайдо бўлади. Уларда фиръавнларнинг илоҳийлиги, оддий инсонлардан фарқлиги, юз ифодаларининг қаҳрлилиги, туриш ёки ўтиришларининг ҳукмпармолилиги акс эттирилган.

Қадимги Мисрнинг монументал бинолари ва турли иншоотлари ҳам айна шу ғояга бўйсиндирилган. Қадимги илк фиръавнлик даврларидаёқ қурилиш иншоотлар улуғворлик, ўта маҳобатлилик, жиддий гунгурт қиёфаси, одамларда ҳадик туйғусини уйғотишга қаратилган. Фиръавнларнинг эҳромлари – улкан пирамидалар шулар жумласидандир. Бундай пирамидаларнинг бошланғич кўриниши **мастаблар** дейилиб, курсисимон қилиб қурилган. Шу асосда дастлабки пирамидалар зинасимон бўлиб, тепага қараб ингичкалашиб борган ва учқур бўлиб яқунланган. Классик кўринишдаги пирамидалар ушбу зинасимон бўшлиқларни тўлдириш ҳисобига юзага келган. Хусусан, ИВ сулола вакиллари Хуфу (Хеопс), Хафра, Менкаураларнинг пирамидалари шундай классик пирамидалардир. Пирамидалар яқинида мазкур фиръавнларга бағишланган ибодатхоналар қурилиб, уларнинг деворларида ўша фиръавнлар ҳаёти, ботирликлари, ғалабалари илоҳийлаштирилган шаклларда бўртма тасвирларда ишланган.

Ўртанча подшолик даври архитектураси илк фиръавнлик даври билан янги фиръавнлик сулоласи даврларини боғлаб туради. Ментухотеплар ибодатхонасининг марказий иншооти тепаликда жойлашган пирамида бўлиб, унинг атрофида мазкур ибодатхонанинг устунли айвонлари ва ярим ғор типдаги хоналари тизимидир. Бу типдаги монументал архитектурада шакл янгиланиши бошланиб, янги подшолик даврида барқарор шаклга кирди. Хусусан, подшоҳ Хатшепсутнинг Дайр ал-Бахридаги ибодатхонаси ўта улкан ўлчамлари билан ажралиб туради. Фивадаги Амон ибодатхонаси ушбу янги монументал тенденциянинг энг йирик иншоотидир. Ибодатхона Сети ва Рамсес II лар даврида қурилган улкан залининг шифтини 134 та устун кўтариб турган. Устунлар 16 қатор бўлган. Катта залдаги марказий 12 қатор устунларнинг бўйи 21 метр. Залнинг ички саҳни 5000 кв.м. бўлган.

Мисрнинг ҳайкалтарошлик санъатида етакчи хусусият образларнинг фронталлиги (яъни юзи, олди билан томошабинга қаратилгани) ўта сокин қиёфаси билан белгиланади. Илоҳий зотларни, илоҳийлаштирилган фиръавнларни, уларга яқинлаштирилган зодагонларни ҳайкалтарош адеаллаштиришга қудратли, хотиржам ва шоҳона улуғвор қиёфада тасвирлашга ҳаракат қилган. Фиръавн Хафра, зодагон Рахотепларнинг тасвирлари бунинг яққол мисолидир. Шу билан бирга (Айни пайтда) хизматкорлар, оддий одамларнинг ранг бўёқ ёки бўртма тасвирларида аниқ ифодаланган реализм, ҳаракатларнинг табиийлигини ифодалаш кўзга ташланади.

Тасвирий санъатда қадимги Миср усталари аста секин шартлилик талабларидан озод бўла бориб, динамизм усулларига ўта бошладилар. Энди тана, юз табиий ҳаракатда ифодалана бошлади. Ёзиб ўтирган котиб, қишлоқ оқсоқоли Кааперларнинг ҳайкаллари бунинг мисолидир. Мақбаралар ва ибодатхоналарнинг деворларидаги рельефлар, ранг-бўёқ тасвирларда шу хусусият кузатилади. Масалан, муштлашаётган қайиқчилар, иш устидаги ҳунармандлар, деҳқонлар, чўпонлар, балиқчилар, тобут кетидан бораётган азадор йиғловчилар (гирандалар) – Саккар ибодатхонаси (Гизадаги) тасвирлар шундай ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Янги подшолик даврининг улкан ибодатхоналари руҳи улардаги ҳайкалларнинг юксак бадиийлиги, ўта ҳаётийлиги, нозик рамзиятлилиги билан уйғунлашиб кетган.

Папирусга чизилган тасвирлар санъати, “Майитлар китоби” номли диний иероглиф матнларга ишланган папирус тасвирлар алоҳида диққатга сазовор.

ХВИИИ сулола даврида Миср санъатида ўзига хос бурилиш ясалди. Эски анъанавий тасвир канонлари аниқлик ва ифодаларнинг таъсирчанлигига ҳаракат билан қориша бошлади. Янги бадиий услуб пайдо бўлди. Бунда одам танасини тасвирдаги шахсга аниқ ўхшатишга уриниш акс этди. Ҳатто санъаткорлар одамнинг устидан кулиш, уни ҳазиломуз тарзда тасвирлаш усуллариғача дадил қадам қўйдилар. Бу усулни фиръавнлар ва уларнинг хонадони аъзолари тасвирида ҳам қўллангани ажиб бир ҳолдир. Демак, санъаткорларнинг ушбу даражада тасвирда эркин бўлишлари олий табақада ҳам ҳазилга мойиллик, уни оддий табассум билан қабул қилиш даражасидаги инсоний руҳдан далолат беради.

Тасвирий санъатда мазкур эркин реализм амарн даврида айниқса гуллаб яшнади. Бу даврда эски канонлар аста секин ҳаётий чизгиларга, бутун бошли реалистик санъатга ўрнини бўшатиб бера бошлади. Санъатдаги бу йўналишнинг энг ёрқин намунасини ХИХ династиянинг ички ҳаракат динамикаси билан бўлиб тошчан Абидос ибодатхонаси рельефларида, Мадинаат – Абу эҳромида, ажиб бир нозик ва ҳаётий тасвир топган гирандалар (йиғичилар) манзараларида кузатилади.

Юқорида айтилганидек, Миср энг қадимги маданият учоқларидан биридир. Унинг энг қадимги даври ҳақида (Геродот, Диодор Сицилийский, Страбон ва бошқалар) жуда куп маълумотлар мавжуд, шунингдек, кейинги даврларда Мисрга ташриф буюрган инглиз, фаранг, рус ва бошқа мамлакатларнинг олимлари ва саёҳатчилари томонидан ёзиб қолдирилган асарларнинг киймати ҳам катта. Ал-Амадондаги казишмалар, Фивадаги Тутанхамон қабрининг очилиши, Гиза шаҳридаги катта пирамидалардаги топилмалар ва бошқа муҳим археологик кашфиётлар Миср тарихи ва санъатини бойитадиган янги далилларни юзага чиқарди. Миср халқи дунёда биринчи бўлиб монументал тош меъморчиликни, ҳайкалтарошликни, бадиий ҳунармандчиликнинг ажойиб намуналарини яратди. Шунини таъкидлаш керакки, қадимги Миср санъатида инсон шахсига булган қизиқиш жуда катта урин тутди.

Қадимги шарқ жамиятларига хос булган турғунлик Миср санъати тараққиётига ҳам уз таъсирини курсатди, Чексиз ҳокимиятга эга булган фиръавнлар даврида инсон шахси эркинлиги ҳақидаги тушунчаларга урин йук эди. Санъат бутунлай фиръавнларни улуғлашда хизмат қилар эди.

Кулдорлик даври Миср санъатида куп ҳолларда ибтидоий давр санъатига хос бўлган белгиларни ҳам учратишимиз мумкин. Бу белгилар уша давр тасвирий санъатида айқиқса яққоя сезилади.

Миср санъатининг ривожланиш босқичлари Миср тарихининг хронологик даврларига мос келади.

1. Энг қадимги давр - эрамиздан аввалги В- ИВ минг йилликнинг охири. Уруғчилик тузумининг емирилиши ва кулдорлик муносабатларини шаклланиши даври.

2. Қадимги давр - эрашздан аввалги ИВ- ИИИ минг йилликнинг охири. Марказий ҳокимиятнинг мустақамланиши ва ўша даврга хос булган санъат шакллариининг юзага келиш даври.

3. Урта Давр - ерамиздан аввалги ИИИ минг йилликнинг охири - И минг йкликнмнг урталари. Марказий ҳокимиятнинг емирилиши.

4. Янги подшолик даври - эрамиздан аввалги ИИ минг йилликнинг 2- ярми - И минг йилликнинг бошлари.

5. Сайс даври (ёки Птолommeев) – эрамиздан аввалги ВИ асрдан бошланади.

Миср тарихининг даврларга булинишидан келиб чикиб, шунини таъкидлаш керакки, энг қадимги даврда ҳам уруғчилик тузумининг белгилари сакланиб қолган булсада, аста-секин санъатнинг деярли барча турлари пайдо була бошлади. Бу даврда пайдо булган меъморчилик санъати усуллариининг баъзилари кейинги даврлар меъморчилигида ҳам сакланиб қолган.

Фиръавн қабрлари монументал иншоотлар сарасига кириб, улар деворлари қия шаклда, пастдан тепага қараб ингичкалашиб боради, бу эса деворларнинг мустақил бўлишига ёрдам берган. Бу даврда Миср тасвирий санъатида икки йўналиш: реализм ва идеализм уртасидаги қураш ўз аксини топган. Рассомлар қўпунча Фиръавнларни идеаллаштириб тасвирлаганлар. Бунга мисол қилиб Мармер сиймосини кўрсатишимиз мумкин. Бу ерда унинг гавда ҳажми жуда ҳам катталаштириб тасвирланган. Ибтидоий реализм намунаси сифатида Иеракополдаги қабр деворидаги тасвирларни айтиб ўтишимиз мумкин. Бу давр санъатида қадимги тотемисча тасаввурлар сақланиб қолган. Масалан, баъзи бир подшолар йирик ҳукиз қурилишида, худолар бўлса, Тото қуши қурилишида тасвирланган. Умуман олганда, энг қадимги давр санъатининг асосий мавзуси подшоларни улуғлаш эди. Ҳаққоний тасвирлар туширилган, плитчалар ибтидоий давр санъати тараққиётини яқинлаб ва қулдорлик даври санъатини бошлаб беради. Қадимги подшолик даври меъморчилигида подшолар қабрларини қуриш катта урин тутган бўлиб, биз уларда нариги дунёдаги ҳаётга ишончини яққол қурамыз. Кейинчалик бундай қабрлар ёнида турли биноларга эга ҳовли қурилиб, ҳайкаллар қўйиладиган бўлди. Кейинчалик ҳам подшолар қабрини қуриш тараққий эта борди. Улар кенгайиб бутун бир иншоотлар комплексига айланди. Унга мисол қилиб, Саккардаги қўп поғонали Жосер пирамидасини айтиб ўтиш мумкин. Унинг ичида алоҳида жасад қўйиладиган хона бўлиб, пирамида атрофи улкан девор билан ўраб олинган. Бу жойда биринчи бўлиб устунлар пайдо бўлди. Умуман олганда, бу пирамидада Миср меъморчилигининг кейинги деврларига ҳос бўлган асосий белгилари акс этган.

Гиза шаҳрида қурилган пирамидалар вафот этган фиръавннинг танаси ва руҳи учун яшаш жойи бўлиб хизмат қилган. Бу ерда бутунлай янги шаклдаги пирамидалар вужудга келган. Узун, қороғи йўлак аввало фиръавн қабрига, кейин ҳовли орқали пирамидага олиб боради.

Хефрен пирамидасига алоҳида тухталиб ўтиш керак. Бу ерда фиръавн Хефреннинг ҳайкали топилган. Умуман олганда Гизада 3 та Хеопс (баландлиги 137м), Хефрен (баландлиги 136,5 м.), Микерин (баландлиги 66 м.) пирамидалари бор. Бу даврда биринчи марта Хефрен қабри ёнида катта сфинкс ҳайкали пайдо бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Кейинги даврлардаги пирамидалар унчалик улкан қилиб қурилмаган бўлсада, уларга ҳос бўлган барча белгилар сақланиб қолган. Улар билан бирга Қуёш худоси Рага аталган ибодатхоналар қурилади. Фиръавн Ниусер томонидан Абусирда қурилган Ра ибодатхонаси бунга мисол бўла олади.

Урта подшолик даврида қурилган ибодатхоналарда жасад қўйилган хона пирамидаларга бирлашиб кетган бўлиб, асосий қириш жойи алоҳида ажралиб туради. Буларнинг олдинги давр меъморчилигидан фарқи шундаки, бу биноларнинг қириш қисмида устунлар ўрнатилган.

Урта подшолик давридаги қабрларда, ибодатхоналарда қўплаб тасвирлар сақланиб қолган, улар учун нарсаларни реалистик-ҳаққоний тасвирлашга ўриниш жуда характерлидир. Бу реалистик тасвирларни биз фиръавн Аменхотеп III ва бошқа ҳайкаллар орқали яққол қурамыз. Шунингдек, санъатнинг бошқа жанрларида ҳам реализм анча қўчли бўлган.

Янги подшолик даврида қўҳинлар катта қўчга эга бўлган. Фиръавн Эхнатон диний ислохот ўтказиб, қўҳинлар таъсирини қамайтиришга интилди. У пойтахтни Фива шаҳридан Ахентатонга (Тель-эль Амарна) қўчиради. У Амон худосига сўғинишни бекор қилдириб, Атонга сўғинишни жорий этади. Лекин унинг вориси Тутанхамон даврида Амон ибодатхонаси яна қайта тикланди ва қўҳинлар учун кенг имтиёзлар яратилди. Бу даврда қурилган ибодатхоналар асосан икки вазифани бажарган, биринчидан, улар худони ва у билан бирга қўҳинларни, иккинчидан, худо ва фиръавнларни улуғлашга хизмат қилган.

Бу даврдаги подшоларнинг қабрлари ва ибодатхоналар деворлари диний ва ҳаётий қурилишдаги тасвирларга бойдир. Дайр-ал-Бахарда худоларга атаб қурилган. Ибодатхона тузилиши Ментухатеп ибодатхонасининг тузилишига ухшаб кетади.

Кейинчалик янги қурилишдаги ибодатхоналар пайдо бўла бошлади. Улар учун устунли, очик ҳовли ва қабул маросимини утказишга мулжалланган залнинг мавжудлиги ҳосилдир. Ибодатхоналар девор билан ураб олиниб, қириш жойи сфинкслар, фиръавн ёки худо Амон тасвирлари билан безатилган. (Масалан, Керкесдаги Хонсу ибодатхонаси, Корногдаги ва Лунсардаги Амонга аталган ибодатхоналар). Бу даврда горлардаги ибодатхоналарнинг (Абу-Симбелдаги Амон ибодатхонаси) мавжудлигини айтиб ўтиш керак.

Янги подшоликнинг тел-амари давридаги ҳайкалтарошлик ва наққошлик санъатининг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврдаги тасвирларда олдинги даврлардагидек сунъийлик, бир хиллик йўқ, яратилган образларда ҳаётийлик сезилиб туради.

Янги подшолик даврида рассомлик санъати анча юксалди. Урта подшолик давридаги подшоларнинг қаҳрли, шафқатсиз суратлари урнига, энди хотиржам ва чиройли қурилишдаги образлар вужудга келди. (Масалан, Эхнатон, Нефрет ва бошқалар). Шунингдек, бу даврда бадиий, амалий санъат турлари ҳам кучли ривожланди.

Саис даври юнонлар таъсири кучли бўлган давр ҳисобланиб, бундаги ибодатхоналар биносида айлана йулақлар пайдо бўлди. Уларнинг деворлари уйиб туширилган тасвирлар билан безатилган (Эдфидаги Тор ибодатхонаси), санъат асарларини мумиёлаш тикланди. Бу даврда яратилгант Фаюм расми Миср санъатининг (И-ИВ асрлар) энг юқори нуктаси эди.

Араб дунёсининг маданияти, санъати тараққиётида миср ҳам катта рол ўйнайди. Боғдод халифасининг Мисрдаги ноиб ибн Тулун 9 асрда Мисрда ўз сулоласи ҳукмронлигига асос солди. У қурдирган бинолардан машҳури ибн Тулун мачитини эсга олиш мумкин.

Бу мачит араблар қурган илк устунлик мачитларнинг энг ёрқин намунасидир. У катта ҳовлига (92) га бўлиб, унинг атрофида ёпиқ айвонлар бўлган, ёнида минора қурилган. Бу минора ал-Малвия минорасига ўхшатиб спирал шаклида қўтарилган. Ибн Тулун мачити қурилишида Миср санъатини ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлар бор.

Миср санъатининг янги босқичи фотимийлар сулоласи ҳукмронлигига (909-1171) тўғри келади. Бу сулола Африкадаги Ливия, Тунис, Алжир, Мароко, Миср ерларини, Арабистондаги Хижоз ва Ямани, Олд Осиёдаги Сурия ерларини босиб олиб, улкан давлат ташкил этади. Миср 969 йилда бу давлат таркибига киради. Шу тариқа ал Қоҳира шаҳрига асос солинди. Бу шаҳар қадимги Миср шаҳри Фустот ўрнига қад қўтарган. Қоҳира шаҳри тезда мусулмон оламининг маданий марказларидан бирига айланади. Бу ерда фан, айниқса, астрономия кучли ривожланган, мусиқа, шеърят, ҳунармандчилик анча тараққий этган. Фотимийлар ҳукмронлиги даврида Мисрда қурилган шаҳар дарвозалари Боб ал Футух, Боб ан Наср, Боб ал Зувайла ҳамда ал Асхар мачити бу давр меъморчилиги санъатининг энг ёрқин намунасидир. Булардан ташқари заргарлик, ҳунармандчилик буюмлари ҳам амалий санъатнинг юксак ривожидан дарак беради.

Кейинги даврларда Миср аюбидлар (1171-1250) ва Мамлуклар (1250-1517) ҳукмронлиги остида бўлди. Бу даврга йирик меъморий комплекслар қурилиши хос. Тўрт тарафида айвонларга эга бўлган мачитлар қўллаб қурилади. Бу анъана Сосонийлар даври меъморчилигига хос бўлган. Мисрдаги маҳобатли иншоотлар асосан тошдан қурилган.

ХИИ-ХИВ асрларда гумбазлик мавзолейлар ҳам қурила бошлади. Наққошлик ривожланади. Геометрик ва ўсимлик нусхаларида ва эпитафик орнаментлар меъморчиликда кенг қўллана бошлади. Бу даврга хос ажойиб бинолардан бири

Қоҳирадаги мачит ва касалходан иборат бўлган султон Калаун меъморий ансамблини (1284-1285) айтиб ўтишимиз мумкин.

Мамлукийлар ҳукмронлиги даврига оид яна бир ажойиб меъморий иншоот Қоҳирадаги султон Хасан мачити, мадраса в мавзолейдир. ХВ-ХВИ асрларга мансуб бўлган Қоҳира яқинидаги ҳалифалар мавзолейлари ҳам Мисрнинг ўрта аср санъати ҳақида анча маълумот беради.

Хулоса. Қадимги Миср санъати ўзининг бой ва мураккаб тараққиёт йўлида жаҳон аҳлини лол қолдирувчи улкан умумбашарий мерос яратиб қолдирган. Унда илк босқич илоҳийлаштирилган ва улкан маҳобатли ҳажм ва шакллардан ўта инсоний, реал тасвирларгача тараққиёт босқичлари кузатилади. Миср санъати услубининг таъсири кенг тарқалган. Ҳозиргача айрим унсурлари ҳаётимизда учраб туриши бунинг яққол мисолидир.

Месопотамия санъати

Месопотамия Кавказорти Арман тоғларидан Форс қўлтиғигача, Эроннинг Захрос тоғидаги Сирия чўлларигача қадимги икки дарё (Дажла ва Еофрот) оралиғидаги ерлардан иборат мамлакат бўлиб, уни юнонлар Месо – “оралиқ”, потам – “дарё” сўзларидан қўшма сўз ясаб атаганлар. Русча “Двуречье”, ўзбекча “Икки дарё оралиғи” атамалари ҳам юнончанинг ўзгармаларидир.

Еврот (қадимги Шумер тилида Буранун, аккад тилида Пуратту) 2700 км узунликдаги дарё, Дажла (Идигна) аккадча (Идиклат) – 1900 км бўлиб, Арман тоғларидан бошланади ва қуйилиш қисмида дельталари қўшилиб кетади, суви Форс қўлтиғига қуйилади.

Месопотамия ерлари мазкур икки дарё ўзи билан олиб келган минерал эритмалар билан доимий равишда озикланиб тургани учун ўта унумдор. Бу эса деҳқончилик маданиятининг эрта шаклланишига, иқтисодий барқарорликка, маданий-маърифий жараёнларнинг қадимийлигига ва ўзига хослигига хизмат қилган. Бунга қўшимча қазилма бойликлар – рух, қалай, темир конлари эрта ишга солинган.

Қишлоқ хўжалигида шода донлилар, бошоқлилар, дуккаклилар, кунжут, лён; сабзавот ва полизлардан пиёз, саримсоқ, бодринг, қовоз, бақлажон, ловия, нўхат, мош кабилар кўп ҳосил берган.

Ҳайвонот дунёси – балиқлар, қамишлар орасида сузувчи, учувчи қушлар, ўтлоқларда ёввойи буқалар, эшак, чўчка, оҳу, қуён, туяқуш – чўл қисмида; арслон, йўлбарс ва бошқалар – овчилик учун жуда унумли эди.

Месопотамиянинг илк цивилизациян тараққиёт босқичлари

Овчилик – термачилик - 10000-7000 йилларгача (Карим-шаҳар ёдгорликлари босқичи);

Натуфия маданияти – 7000 йиллар. Бу давр Натуфия, Ганж-зара, Мирейбит, Чайонйу ёдгорликларида ўрганилган.

Илк деҳқончилик маданияти – Хассуна, Жармо, Чатал –Хююк, Бейда, Халаф – 6000-5000 йиллар;

Илк шаҳар – Иерихон 5000-4000 йиллар

Илк металл – Убе йд, Шумер цивилизацияси босқичлари – 4000-3000 йиллар.

Бу манзара Олд Осиё ҳудудлари бўйлаб Иордания, Месопотамия, Захрос тоғларининг ғарбий ёнбағри, Анадолу яримороли (Кичик Осиё) учун умумий хусусиятлар мавжудлигини кўрсатади.

Месопотамия аҳолиси мил.авв. ИВ-ИИИ минг йилликларда қадимги субстратга янги этник қатламлар қўшилиши жараёни натижасидир. Қадимги семит (шомит) халқлар билан шумерларнинг аста-секин қоришуви натижасида шшур-аккад тиллари муҳитида шумерларнинг ассимиляцияси давом этди. Бироқ шумерлар билан бевосита боғлиқ маданият ва санъат алоҳида диққатга сазовор.

Бу масалага киришишдан олдин Месопотамиянинг ўрта ва юқори палеолит, мезолит, неолит даврларига бир назар ташлаш фойдадан ҳоли эмас. 70000-30000 йилларда Месопотамия неондертал типидagi овчи-термачилар макони бўлган. Мил.авв.

ХИ-ВИИИ минг йилликларда илк деҳқончилик, майда бош чорвани қўлга ўргатиш, майда (микро) тош меҳнат куруллари яшаш, хўжалик юритиш унсурлари ҳаётга кириб келган (ЗевигЧеми-Шанидар, Млефаат, Карим-шаҳар ёдгорликлари).

Шумерлар аслан семитлар (шомий) дунёга хос халқ бўлмаган. Улар Месопотамияга шарқдан, Элам орқали кириб келган. Генетик алоқалари, уларнинг этник мансублиги масаласи ҳақида турлича фаразлар бор: баъзи олимлар шумерларни прото-туркий халқларга мансуб деб ҳисоблайдилар. Уларнинг миграцион йўли Ўрта Осиёдан бошланган шимоли-шарқий Эроннинг энеолит ёдгорликлари минтақасидан ўтиб, жануби-ғарб томон давом этган. Урукк маданияти сополи билан шимоли-шарқий Эрон сополи жуда ўхшашлиги буни исботлайди. Бироқ бу масала узил-кесил исботланмаган.

Мил.авв. ВИИ-ВИ минг йилликларда Жармо маданияти маркази каби илк кўрғонлар пайдо бўлган деҳқончилик ва уй чорвачилиги тез ривожланган. Тошдан ўйилган ва лойдан сопол идишлар кўпайган. Илк давр тош, сопол ҳайкалчапар айникса аёл маъбуда тасвири бўлмиш сопол ҳайкалчапар ҳосилдорлик, унум, кўпайиш рамзи сифатида диний эътиқод даражасига чиққан. Булардан ташқари ибтидоий санъат намуналари орасида турли ҳайвонларнинг тотем (генетик “ота” ёки “аждод” рамзи маъносидagi) ҳайвонларнинг ҳайкалчапар учрайди. Ибтидоий зеб-зийнат буюмлари, ўйинларнинг тошлари - буларнинг барчаси қадимги Месопотамияда нозик дид, шунга монанд санъат йўналишлари ривож топганидан далолатдир.

Юқорида келтирилган хронологик тизим асосида Месопотамия санъати тарихини изма-из кўриб чиқилса, бу ноёб соҳа тараққиётининг илдизларини, аслий анъаналарининг қадимийдигини, келиб қўшилувчи қатламларини, келгинди этнослар маданияти ва санъати билан синкретлашувини, булар орқали Месопотамия халқларининг дунёқараши тадрижини, эстетик тамойилларини, санъатдаги ўзига хос хусусиятларини кузатиш мумкин.

Санъат дунёсини Месопотамия учун у ерда яшаган халқлар учун диний қарашлардан ажратиб тасаввур қилиш қийин. Аввало Месопотамияда политеизм – кўпхудоли динлар амал қилгани таъкидланиши лозим. Айникса, энг қадимги Месопотамия – шумер даври учун политеизм етакчи ўрин тутган ва шу билан боғлиқ ҳолда санъатда ҳам ўз аксини топган.

Шумер худоларининг онаси илоҳий уммон маъбудаси Наммудир. Бу она аввало Ан ва Ки исми икки худони дунёга келтирган экан. Ана эрлик, Ки эса аёллик ибтидоси бўлган. Уларнинг ажралмас бирлиги – (Қўшоқлиги)дан 7 нафар катта энг доно ва қудратли худо туғилган. Улар худолар кенгашини ташкил этган. Эллиль бу худоларнинг етакчиси бўлиб, осмон билан ерни бир-биридан ажратган. Худо Нуску олов ва жазирама худоси, Энки – сув маъбуди, Ан-эллил – Энки – олий мақомидаги учлик ҳисобланган. Ернинг руҳлари Аннуннакилар – кичик худолар бўлиб, уларнинг отаси Ан бўлган. Осмон руҳлари – кичик худоларнинг яна бир тоифаси ҳам Аннинг болаларидир. Кичик худолар улуғ худолар буйруғини бажаришади.

Шумерликлар табиат ҳодисаларининг барчасини худолар вазифаси қилиб тақсимлашган. Худо Аннинг набираси Наннар ой маъбуди, Уту эса – қуёш худоси ва ҳ.к. Инанна – ҳосилдорлик, муҳаббат (севги) худос бўлиб, уни Зухро юлдузи билан боғлиқ тасаввур этилган. Инаннанинг эри ёш илоҳий чўпон Дулизи бўлган. Ер маъбудаси Ки – замин узра ҳосилдорлик худоси бўлиш билан бирга, юқорида айтилганидек, барча худоларнинг онаси ҳамдир.

Шумер динида ерости дунё худолари ҳам катта ўрин тутган. Ўлим худоси Эрешкигаль, унинг эри руш худоси Нергал.

7 кичик худо ўлганларнинг мункар-накирлари бўлиб, ер ости мулкининг қўриқчилари бўлган. Ирра – ўлат худоси. Булардан ташқари ваҳший ҳайвонлар тимсолидаги ёвуз девлар Иррага ёрдамчилардир. Уруш худоси Нергалга 14 ёвуз ёрдамчи кўмаклашади. Улар орасида “ярқироқ чақмоқ”, “танани қовжиратувчи безгак”, “борлиқни йўқ қилувчи қирғин алангаси” кабилар бор. Бу тизим, кўринишидан,

одамларга ўлим келтирувчи табиий омилларни образлаштириб қабул қилишдан туғилган.

Шумер шаҳар-давлатлари ҳам ўша худолар қарамоғига тақсимланган: Инанна Урук, Энки – Эреду, Уту – Ларса, Ирр Куту, Нидаба – Умма шаҳар давлатларининг хос худолари ҳисобланган. Нижу: шаҳар давлати марказлаштириш функцияси туфайли худоларнинг барчасини улуғлаш марказига айланган.

Аккадлар, амалейлар, халдейлар ва бошқа семит халклари асосан шумер илоҳиёт тизимини қабул қилган ҳолда уларга асосан ўз тилларида от қўйганлар. Айрим ҳолларда ўз худоларини шумер худоларидан вазифаси тўғри келганлари билан алмаштиришган: Ан ўрнига Эа, Уту – Шамаш, Наннар – Сину, Инанна – Иштар ва ҳ.к. Эа – момақалдиروق худоси – рамзи Юпитер; Вавилон (Бобил) ҳомийси – Марзук - “худолар подшоси”; Ассирияда уруш худоси Ашшурга биринчи ўрин берилган. Булардан ташқари “ҳаёт дарахти”, балиқ, ит каби тотем инончлар ҳам узоқ давом этган.

Мардик ҳаёлий аждаҳо тимсолида тасвирланган, Эа – балиқ думли қилиб кўрсатилган, табобат илоҳаси Гула – ит тимсолида тушинилган.

Диний тасаввурлар орасида аждодлар руҳига сиғиниш, магик қудратга ишониш кабилар анъанавий бўлган. Месопотамия мифологиясида “олтин аср” ғояси кучли ўрин тутган. Масалан шундай мифологик ҳикоялардан бирида айтилишича “Қадим ўтган замонда илонлар, чаёнлар, қашқирлар, сиртлонлар, арслонлар, ёввойи итлар, кўрқув, дахшат, туйғуси бўлмаган. Одамзоднинг душмани ҳам бўлмаган. Борлиқдаги барча одамлар, барча халқлар ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб Эллил худонинг ягона бир тилда мактовларини қилишган...”. Бу манзарада кўп ўринлар Авестанинг “олтин асри”га ўхшаб кетади.

Шумер ёзув яратиш тарихининг қадимий ўчоқларидан биридир.

Тигр ва Ефрат дарёлари оралиғида вужудга келган энг қадимги давлат ҳақида, унинг тарихи ва санъати ҳақидаги дастлабки моддий манбалар XIX асрдаги археологик кашфиётлар билан боғлиқдир. 1842 йилда фаранг олими Ботто Ассирия подшоси Сорган 2 нинг Дур-Шаррукиндаги (ҳозирги Хорсабод) саройини, 1945 йилда эса: инглиз олими Лойярд бошқа Ассирия подшоси Ашурназирпал 2 (арамиздан аввалги 683-859) нинг Кальхудаги ҳозирги Нимруд) саройини ва Ассириянинг пойтахти Нинавияни (ҳозирги Куюнжик), Ашурбанипал (эрамиздан аввалги 666-633 йй.) саройини очади. Бу саройдан бутун бир кутубхона клинопис ёзувлар туширилган сопол жадвал топилди, улар ёрдамида асосан Месопотамиянинг қадимги тарихини тиклаш мумкин бўлади. Бу клинописларни уқишда уч тилда (қадимги Шорс, Элам, Вавилон) ёзилган беҳустун ёзуви катта ёрдам берди.

Месопотамия санъатини шартли равишда 5 та катта даврларга бўлишимиз мумкин:

И. Энг қадимги давр - эрамиздан аввалги V минг йиллик охиридан - IУ минг йиллик охирларигача.

Е. Шумер-аккад даври - эрамиздан аввал IУ минг йиллик охиридан эрамиздан аввалги III минг йиллик уртасигача.

3. Қадимги Вавилон даври - эрамиздан аввалги II минг йиллик.

4. Ассирия даври - эрамиздан аввалги 1000-600 йиллар.

5. Вавилон даври - эрамиздан аввалги 600-538 йиллар. Қадимги Месопотамия маданияти кушни мамлакатлар ва халқларга жуда катта теъсир қуратди. Икки дарё оралиғида яратилган маданиятнинг куп ютуқлари Хеттлар орқали юнонларга, улардан эса Оврупанинг бошқа халқларига тарқалди. Биз фойдаланаётган купгина маданий ютуқлар қадимги шумерликлар ва вавилонликларга маълум эди, бу ютуқлар улардан бошқа халқларга утди ва шу тариқа бошқа халқларга утиб тараққий этиб борди. Бу ерда биз ёзувни, адабиётни, математикани, астрологияни, тиббиётни, кимёни ва бошқаларни назарда тутмоқдамиз. Ушбу маълумотларни Л.Липин ва А.Беловлорнинг "Глиняные книги" (Л., 1956) китоби орқали билиб олиш мумин. Маълумки, энг қадимги даврдаёқ уругчилик тузуми емирилиб, мулкый тенгсизлик пайдо бўла бошлаган. Тел-Халад Ал-Убайдаги, Урук ва Жемдет-Насрдаги қазилмалар шуни қуратдики, бу пайтда

шумерликлар кичикрок қишлоқларда яшаганлар, кулолчилик анча тараккий қилган. Сопол идишлар турли расмларга, тасирларга бой, уларда қадимги шумерликларнинг моддий ва маънавий турмуши, уларнинг диний қарашлари ва бошқалар уз аксини топган. Бу даврда илк диний иншоотлар - толос (мавзолейлар), шунингдек, ибтидоий ёзув шакллари туширилган муҳрлар пайдо бўлди.

«Эрамиздан аввалги IУ минг йилликнинг иккинчи ярмида Урук шаҳрининг бош худоларига аталган ибодатхоналар (Қизил ибодатхона, Оқ ибодатхона) қурилиб, улар мустаҳкам девор билан ураб олинган эди. Топилган купгина муҳрлар эса ҳукмрон синфлар подшолар ва қожинлар табақаси шаклланганлигини билдиради.

Бу давр ҳайкалтарошлиги ҳақида майда пластинлардаги тасвирларга қараб фикр юритиш мумкин.

Шумер-аккад даврида шумерликлар нафақат узларининг меъморчилигини, балки кушни халқлар меъморчилигини ҳам характерлайдиган асосий принципларни ҳам яратдилар. Асосий қурилиш материали сифатида хом гишт ишлатилган, устунларни тиклашда эса пишиқ гишздан ҳам фойдаланилган. Яшаш бинолари девор билан ураб олинган бўлиб, унинг атрофида ёпиқ хоналар булган. Шумер меъморчиличилигининг характерли хусусияти шуки, бинолар сунъий лойдевор устига қурилган. Бу қадимги Месопотамия меъморчилиги учун янгилик эди.

Миср ибодатхоналаридан фарқ қилиб, Месопотамия ибодатхоналари ички майдонга эга эмас, улар куп погонали минора қурилишида (зиккурат) булган. Бунга Наппардаги Ура бош худоига аталган ибодатхона мисол қилиб айтиш "мумкин. Миср пирамидалари билан бирга Месопотамия зиккуратлари ҳам мукамаллик, оддийлик, юксаклик каби хислатларга эга булган монументал меъморчилик обидаларидир.

Месопотамия меъморчилигида, Миср меъморчилигидан фаркли равишда, асосий эътибор саройлар қуришга қаратилган (Лагашдаги Гудеа саройи), Уларга ибодатхоналар ҳам қушилган бўлиб, у ерларда худога бағишланган подшо ҳайкаллари қуйилган .

Урадаги "подшо қабридан" топилган амалий санъат буюмлари бу даврдаги бадий ҳунармандчилик тараккиёти ҳақид тушунча беради. Эрамиздан аввалги IIIУ минг йилликда Месопотамиянинг шимоли- ғарбий қисмида Мари давлати мавжуд бўлиб, у Шумер, Аккад, Ассирия шаҳарлари билан қалин иқтисодий ва маданий алоқада булган. Мари маданияти ва санъати куп жиҳатдан Месопотамияникига ухшашдир (мудофаа иншоотлари, шаҳарлар, саройлар тузилиши), лекин шу билан бирга Маридаги Имтар худосига аталган ибодатхона узига хос ҳолда қурилган. Бу ерда биз қулида идиш ушлаб турган, бошида эса шоҳли ҳайвон булган ҳосилдорлик худоси тасвирини қурамыз. Монументал ҳайкалтарошлик ҳам купгина узига хос қирраларга эга.

Қадимги вавилон даври шу билан характерланадики, бу пайтда шумер тили урнини аккад (вавилон) тили эгаллайди. Бу вақтда маҳаллий худолар урнига энди вавилон худоси - Мордукка сизиниш ёйилади. Меъморчиликда саройлар қуриш етаклигича қолади. Талабалар, шунингдек, Хаммура даври санъати билан ҳам кенг танишадилар.

Ассирия даври (Ассирия давлати гуллаб-яшнаган) эрамиздан аввалги IX асрга оид манбаларда кенг тасвирланган. Меъморчиликда саройлар қуриш етакчи рол уйнаган. Дур-Шаррукин (Хорсабод) даги Саргон III саройига зиккурат шаклидаги ибодатхона ҳам қурилган бўлиб, 10 га майдонни эгаллайди, унда 30 та ҳовли ва 200 та хона булган, деворлар уйиб туширилган ҳар хил тасвирлар ва фантастик ҳайвонларнинг улкан ҳайкаллари, қанотли ҳукизлар ҳайкаллари ва бошқалар бор.

Месопотамия санъатида символлар ҳам кенг урин тутган. Оқ, қизил, қора, қуқ, малларанг, қумуш ва олтин тусли ранглар Сатурн, Венера, Марс, Меркурий, Юпитер, Ой ва Қуёш образларини билдирган.

Буни биз ҳар бир погонаси маълум рангга буялган зиккуратларда аниқ кураимиз. Зиккуратнинг охири погонаси расадхона вазифасини утаган махсус хона билан тугаган.

Ниневиядаги саройларда биринчи марта ганч уймакорлиги пайдо бўлди. Бу соҳада Ашшурбанипал кутубхонаси алоҳида ажралиб туради, унда машҳур "шер ови хонаси" бўлиб, у ерда рассом хайвонларни шунчалик маҳорат билан ишланганки, улар ҳақиқатдан ҳам қадимги Шарк санъати дурдоналари сирасига киради.

Месопотамия санъатида Янги- Вавилон даври алоҳида урин тутади. Бу пайтда шаҳарлар қурилиши юксак тараккий этди. Айниқса Навуходоносор саройи ва Мардук худоси ибодатхонаси дунёнинг етти мужизаларидан бири ҳисобланади.

Иштар дарвозасидан бошланадиган йулга сирланган плиткалар ётқизилган. Уларда ҳукизлар, филлар ва турли фантастик хайвонлар тасвирлари бор. Бундай плиталардан сарой биноларини безашда ҳам фойдаланилган. Бу ерда биринчи марта эрамиздан аввалги У111 асрда сирланган ғишлар маъморий безак сифатида ишлатилган. орадан 2 аср утгандан кейин Аҳмонийлар даври меъморлари ҳам Сузадаги саройларни безашда шу усулдан фойдаландилар.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Қадимги Миср санъатининг асосий босқичлари.
2. Энг қадимги пирамида (Жосер пирамидаси) асосий хусусиятлари.
3. Гизе пирамидалари ҳақида ахборот беринг.
4. Луксор эҳромлари.
5. Рамзес ИИ меъморчилиги ва ҳайкалтарошлиги ёдгорликлари.
6. Хатшепсут эҳроми.
7. Птоломейлар ёки саис даври санъати.

Мустақил иш топшириқлари:

- Картер Г. Грабница Тутанхамона. М. -1959 китобини қисқа конспектини ишланг;
- Всеобщая история искусств. том 1. М. – 1956 китобида Миср ва Месопотамия санъатларига бағишланган боблари билан танишиб чиқинг;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Лукас А. Материалы по ремесленному производству Древнего Египта. М., 1958
Картер Г. Грабница Тутанхамона. М., 1959.
Павлов В.В., Ходжаш С.И. Художественное ремесло Древнего Египта. М., 1959.
Кинк Х.А. Художественное ремесло Древнего Египта сопредельных стран. М., 1976.
Всеобщая история архитектуры. Т.И., М., 1944.
Всеобщая история искусств. Т.И., М., 1956
Матее М.Э. Искусство Древнего Египта. М., 1962.
Павлов В.В. Египетский портрет IV века. М., 1967.
История зарубежного искусства. М., 1971.
Всеобщая история искусств. Т.И., М., 1956
Лосева И. Искусство древней Месопотамии. М., 1946.
Культура и искусство Вавилонии, Ассирии и соседних стран. М., 1953
Флиттнер Н.Д. Культура и искусство Двуречья и соседних стран. Л. –М., 1958.

Маъруза 3. Хетлар, Урарту, Кичик Осиё, Мидия, Ахмонийлар, Эллинизм, Парфия ва Сосонийлар санъати

Режа:

Хетт давлати ва унинг санъат.

Урарту давлати ва унинг санъати.
Кичик Осиё қадимги давлатларининг санъати.
Мидия давлати ва унинг санъати.
Ахмонийлар империяси ва унинг санъати.
Эллинизм даври санъати.
Эронда парфия ва сосонийлар санъати тарихи.

Таянч тушунча ва иборалар:

Кархемиш, Язили-қая, Кармир-Блур, Аргештихинили, Хакмадана, Зивие, Фригия, Ликия, Вафлогония, Пасаргад, Персеполис, Суз, Вавилон, Амударё дафинаси. Эллинизм, Александр, селевкийлар, птоломейлар, пахлавийлар, Пальмира, Парз, Ардашер, Токи-Бўстон.

Дарснинг асосий мақсади:

Дарс жараёнида яқин Шарқда илк темир даврдан бошлаб бир қатор давлатларнинг пайдо бўлиши ва улар санъатларининг асосий хусусиятларини талабаларга тушунтириб бериш. Дунёда биринчи империя Ахмонийлар давлатининг шаклланиши ва ахмонийлар санъатининг услубияти ва маъноси ҳақида тушунчалар бериш. Эллинизм ҳодисасининг мазмуни ва моҳияти ҳақида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш. Грек давлатларининг ўрнида мустақил пахлавийлар ва сосонийлар давлатининг шаклланиши ва бу давлатларнинг санъатлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Асосий қисм:

Хеттлар ва Мидия мамлакатлари санъати купгина ухшашликка эга. Айниқса шаҳарлар қурилиши, қоялардаги қабрлар, наққошлик ва бошқаларда бу яқинлик анча сезиларлидир. Улар санъатига хеттлар ва ассирияликларнинг таъсири кучли булган, чунки улар уртасида доимо урушлар бўлиб турган. Меъморчиликда етакчи урини саройлар ва ибодатхоналар қуриш эгаллаган, шунингдек, монументал рассомлик, наққошлик ҳайкалтарошлик анча тараққий этган. Ҳунармандчилик ривожига ҳарбий қурооллар яшаш ва бадиий ҳунармандчилик буюмларини яратиш етакчи урин тутган. Мидия учун очик майдонларда олов ибодатхоналари қуриш характерли бўлиб, бу зароастризм - оташпарастликнинг ёйилиши билан боғлиқдир. Арманистондаги ёдгорликлар (Кармир-Блур, Эребуни, Аргиштихинили) Урарту маданияти билан танишишда жуда муҳим ҳисобланади. Мидия санаъти билан танишишда эса Зивиядан топилган хазина (эрамиздан аввалги IX-III асрлар) алоҳида урин тутади. Унга асосланиб "илон услуби" ҳақида тушунча олиш мумкин, бу услуб киммерийлар ва скифлар санъатида ҳам учрайди.

КИЧИК ОСИЁ САНЪАТИ

Эрамиздан аввалги IX-I асрларда Кичик Осиёда бир қанча кичик давлатлар (Фригия, Ликия, Пафлогония) мавжуд бўлиб, уларнинг санъати қушни халқлар санъатига уз таъсирини утказди. Бу биринчи галда қоялардаги қабрлар бўлиб, уларнинг қурилиши турлича булган. Қояларни моҳирлик билан уйиб ясалган бу диний иншоотлар қадимги тошга ишлов берувчи усталарнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Умуман олганда Кичик Осиё ёдгорликлари, унинг санъати Шарқ (хеттлар, форслар, ҳиндлар) ва Ғарб (Крит-Микен, Юнонистон) маданиятлари уртасидаги алоқаларни урганишда ҳам катта аҳамиятга эга.

ХЕТТ ПОДШОЛИГИ САНЪАТИ

Хеттларда айниқса шаҳар қурилиши, муҳофаа иншоотлари қуриш кучли тараққий этган, улар, шунингдек тошга ишлов беришга ҳам анча моҳир эдилар. Тошлар қалъалар; қуришда ишлатилган, ундан хеттлар турли тасвирларни, ҳайкалларни яшашда, шунингдек, устунларни тиклашда фойдаланганлар. Хеттлар саройлар ва

ибодатхоналарни бит-хилани типиди қурганлар, бу меъморий услуб кейинчалик бошқа халқлар томонидан ҳам ўзлаштириб олинди. Масалан, Халчаёндаги сарой шу принципда қурилган). Хеттлар, шунингдек, очик майдонлардаги қояларда ҳам ибодатхоналар қурганлар (Язили зал), уларда турли тасвирилар: бош худо ва хеттлар худоси уртасидаги никоҳ маросими тасвири, хетт жангчиларининг жанговор юриши ва бошқа тасвирилар учрайди. Айланаётган Куёш дискасининг тасвири биринчи бўлиб хеттлар томонидан яратилди. Бундан кейинчалик аҳмонийлар кенг фойдаландилар. Хетт тасвирий санъати, уймакорлигига ҳам талабалар алоҳида эътибор беришлари керак. Хеттларнинг қушчилари хурритлар (Митанлар) бўлиб, уларнинг маданияти хеттлар маданиятига жуда яқин бўлган.

АХМОНИЙЛАР, ЭЛЛИНИЗМ, ПАРФИЯ, СОСОНИЙЛАР ДАВРИ САНЪАТИ

Аҳмонийлар даври санъати 3 даврга бўлинади.

1. Пасаргад даври - эрамиздан аввалги 559 - 530 йиллар.
2. Персеполь даври - эрамиздан аввалги V аср охири - IV аср охири.
3. Сузан даври - эрамиздан аввалги IV аср охири - I аср.

Кир ҳукмронлик қилган даврда меъморчиликда саройлар қуриш алоҳида урин тутган. Кирнинг саройидаги расмий қабул зали 30 та устунли бўлган, уни безашда турли рангли тошлар ишлатилган, залга кираверишда Кирнинг тасвири туширилган. Бу устунли зал бизнинг давримизгача етиб келмаган, у богда жойлашган бўлиб, унинг кириш қисми узун, тугри бурчакли бинодан бошланган. Кириш жойида канотли ҳукиз ҳайкаллари бўлган, улардан 2 тасининг юзи одамникидек бўлган. Бу сарой қурилишида Ассирия, Хеттлар, Урарту меъморчилиги таъсирини сезиш мумкин.

Насархатдаги Кир қабри-мавзолейи олти погонали иншоот устида бўлиб, Кичик Осиёга хос бўлган қабр иншоотларини эслатади.

Персеполь даврида ҳам саройлар қуриш кенг куламда олиб борилди. Бу даврга оид энг ҳашаматли сарой Доро II саройи бўлиб, у ҳақли равишда форс меъморчилигининг дурдоналаридан бири ҳисобланади. 36 устунли зал (акад) уч томондан айвонлар билан уралган бўлиб, уларга шимолий ва шарқий томондан турли тасвирилар билан безатилган зинапоялар қушилган. Бу залга қушни бўлган 100 устунли залнинг кириш қисмида ҳукиз ҳайкаллари турган. Буда даврга мансуб ёдгорликлардан бири Доро мавзолейидир. Унга Миср иншоотларидагидек, шерлар тасвири туширилган. Мавзолей деворига, бундан ташқари, меҳроб ёнида сигинаётган подшо ва унинг устида подшо дуоларини қабул қилаётган Ахурамазда ҳамда нур сочаётган қуёш тасвири туширилган.

Қадимги вавилон анъаналари бўйича саройлар қуриш Суза даври учун характерлидир. Бу давр саройлари ховли билан уралган бўлиб, уларни безашда сирланган нақшли сопол плиталардан фойдаланилган. Персеполь ва Суза шаҳарларидаги ҳашаматли саройлар баланд устунли залларга эга бўлган, уларга жуда бой нақшлар туширилган бўлиб, айниқса кириш қисмида жойлашган, ҳукизга ухшатиб ясалган ҳайкаллар бу саройларга алоҳида қурқ бағишлаган.

Бу давр амалий санъат асарлари ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. Аҳмонийлар даври санъати ва меъморчилиги Олд ва Урта Осиё мамлакатларининг кейинги давр санъати тараққиётига ҳам катта таъсир қурсатди.

ЭЛЛИНИЗМ ДАВРИ САНЪАТИ

Бу давр юнон-македон қушинларининг Шарққа ҳарбий юриши ва Олд Осиё ҳамда Урта Осиёнинг А.Македонский ҳоқонлиги таркибига кириши билан бошланади. Олд Осиё мамлакатларига юнон ва рим маданиятининг таъсири кучли бўлган. Эллинизм даврида юнонлар томонидан босиб олинган жойларда бир қанча шаҳарлар барпо этилди. Улар ичида Мисрдаги Александрия шаҳри ва Урта Осиё худудида қурилган шаҳарларни айтиб утиш мумкин. Олд Осиёдаги эллинистик шаҳарлар ҳақида аниқроқ тасаввур олиш учун Палмир шаҳрига тухталиб утиш лозим. У ердаги шаҳар

тузилиши, ибодатхоналар, театр, санъат биноси, яшаш жойлари ва мавзолейлар бизга эллинизм даври шаҳарлари ҳақида аниқ тушунча олишимизга ёрдам беради.

Бу давр учун ҳайкалтарошлик, монументал наққошлик, амалий санъат характерли бўлиб, улар Урта Осиё ва Ҳиндистон маданиятига ҳам катта таъсир курсатган.

ПАРФИЯ САНЪАТИ (ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ ИИИ – ЭРАМИЗ ИИИ АСРЛАРИ)

Эрон ҳудудидаги Парфия давлати эрамиздан аввалги ИИИ асрда Селевка давлатидан ажралиб чиққан. Ғарбий Парфия маданияти ва санъати анон ва рим маданиятининг кучли таъсири остида булган булса, шарқий Парфия ҳудудида бу таъсир унчалик кучли булмаган. Парфия санъати шартли равишда 2 даврга буланади. Биринчиси, эллинизм таъсири кучли булган давр булса, иккинчиси, эллинизм ва маданияти анча чекланган давридир.

Парфия меъморчилигида шаҳарлар қурилиши етакчи урин тутади, шаҳар икки қисмдан: шаҳардан (арно) ва унинг атрофидаги кишлоқлардан (антери) иборат булган. Яшаш жойлари ва саройлар қурилишида туғри бурчакли айвонлар пайдо бўлиб, улар бинонинг асосий қисмини ташкил этган. Бу айвонлар турли нақшлар билан безатилган". Айниқса, Ашшур, Ктесидон ва бошқа саройлар бу жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Уларга деворидаги нақшлар, уйма ганчкорлик ва бошқа меъморий безаклар узига хос салобат бағишлаган. Айвонлар ҳовлига қараб қурилган. Кресифон саройида 2 та айвон бир йуналишда қурилган бўлиб, уларнинг бирига айлана коридорли ибодатхона қушилган булган.

Шарқий Парфия ҳақида гапирганда Янги ва эски Нисо шаҳри ҳақида алоҳида тухталиб утиш керак. Бу ердаги археологлар томонидан очилган 4 устунли туртбурчак залли сарой, айлана шаклида қурилган ибодатхона ва бошқа бинолар, улардан топилган мармар ҳайкаллар, суякдан ясалган нафис буюмлар, қурол-аслаҳалар ва амалий санъат бутлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

ЭРОНИНГ СОСОНИЙЛАР ДАВРИДАГИ САНЪАТИ (ИИИ – ИВ АСРЛАР)

Кириш. Эрон санъатининг тўрт босқич эътироф этилади. Мидия, аҳмонийлар, парфений ва соснийлар даври санъати. Буларнинг ҳар бири шу қадар кўп умумийликларга эгаки, тўртала босқич ягона тараққиёт чизигини ташкил этади деб ҳисоблаш мумкин. Ягона жараённинг бошланиш прото эрон санъати деб баҳоланади. Унинг асослари бори бутунисича Қадимги Шарқнинг, айниқса Ашшур ва Элам ҳамда Урарту ва Кичик Осиё маҳаллий санъатларининг образ ва композициялари таъсирида юзага келган.

Эрон санъатининг илк босқичлардан чиқиб авж палласига кириш, юқори нуқтага эришуви аҳмонийлар даври санъатида намоён бўлади. Айни аҳмонийлар даврида санъат мазкур локал (маҳуллий) санъатлар образлари ва композицияларининг синтезига, ўзаро сингишиб кетган янги киёфасини яратди.

Эрон санъатининг кейинги босқичи “парфений оралик” номини олган бўлиб, санъатда мураккаб қаршилиқ пайдо бўладики ва бу ҳолатнинг барча ташкил қилувчи аломатлари ҳалигача яхши ўрганилмаган. Бироқ қадимий босқичнинг парфений санъатидаги излари кўплаб унсурларда мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Эрон санъатининг қадимий даврлари сўнгида (тўртинчи босқичда) соснийлар даври яна бир авж (кульминация) палласи бўлган. Соснийлар даври санъатида аҳмонийлар даври санъатининг уйғониши (ренессанс)ни ҳамда тўрт босқичли қадимий санъат тараққиёт йўлининг охирини кўриш мумкин. Зеро, соснийлардан кейин Эронда ислом даври санъати даври бошланади.

Юқорида кўрсатилган санъат босқичларининг “ифода усулини”, бошқача айтганда рамзийлари асосидаги “тил”ини таҳлил қилиш мураккаб вазифа ҳисобланади. Ҳатто ҳозиргач, Эроннинг қадимги санъати мукаммал тасниф этилмаган, айрим ёдгорликларнинг даври (санаси) аниқ эмас.

Қадимги Эрон санъатининг муаллифлари маълум эмас. Бу хусусият санъатнинг анонимлиги дейилади, яъни хусусий муаллифлик ижодий қиёфасини ажратиш қийин. Чунки, Эрон санъати каноник меъёрларга бўйсинган.

Қадимги Эрон санъатида хусусий ижоддан кўра анъанавий типологик бир хилликка риоя қилиш етакчи бўлган.

Бордию, Эронда хусусий ижод махсули сифатида баҳоланадиган ажойиб реалистик ҳамда соф индивидуал чехралар, қомат намуналари учраса, улар асосан четдан импорт қилинган бўлиб чиқади. Жумладан, Салавкийлар даврида Эронда яратилган айрим реалистик индивидуал тасвирлар одатда чет эллик санъаткор усталарнинг ишидир. Шунга қарамай Эрон шаханшоҳларининг, мансобдорларининг, коҳинлари, ҳарбийлари кабиларнинг тасвирларида табиий портрет хусусиятлар учрайди. Бунда амал қилувчи қонуният подшонинг тасвири бошқа образлардан йирик бўлиши, шоҳлик мартабасини кўрсатувчи белгилари (тож, ҳукмронлик рамзи бўлмиш ашёлар, шоҳона зебу-зийнат ва бошқалар), шоҳ тасвири композициянинг ўртасига жойлашгани кабилар бўлган.

Портретларнинг аниқлик даражасига Эрон санъати тарихида Сосонийлар даврида юксак даражада эришилган. Подшоларнинг тангалардаги тасвирлари стандартлашган. Уларнинг тожлари ва бошқа мартаба белгилари ихлос билан табиий кўринишда бўлиб, ҳар бир подшо учун шахсан хос унсурларни алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Подшоларнинг исмлари ва мансаб-мартаба (титул) лари тангаларда ёзиб қайд этилганки, бунда мутахассиснинг адашмоғи асло мумкин эмас.

Эрон санъатида узоқ асрлар давомида баъзи каноний образлар такрорланиб келган. Энг муҳими санъат асарининг материали (тош, ёғоч, металл, ...) қандай бўлишидан қатъий назар доимий (канон) белгилар анъанавийлиги давом этаверган.

Тарихий-маданий минтақалар аро ёки даврлар аро чегаралар атрофида Эрон санъатининг канонлари қоришиб кетиши ҳам кузатилади. Буни Аҳмонийлар ва Сосонийлар даврлари чегарасида кўриш мумкин. Бундан асосан прокламатив (яъни – ҳукмронликнинг қонунийлигини асослашга хизмат қилувчи ёдгорликлар) мустаснодир. Уларда анъанавий канон хусусияти етакчилиги сақланган.

Эрон санъатида цивилизациялар тўқнашган (юзма-юз келган) даврлар, масалан, эллин ва қадимги Шарқ санъатини ўрганиш, санаси аниқ материаллар камлигидан қатъий назар, ўта қизиқарли. Ҳар бир ҳолатда бундай санъат асарини баҳолашда деталлар мажмуасини шунчаки тасвирлаш етарли эмас. Зеро, уларда турли таъсирларни эътиборга олиш, тўғри баҳолаш муҳим.

Эрон санъат тарихи бўйича Ф.Зарре, Э.Хертсфелд, Я.И.Смирнов, И.А.Орбели, К.В.Тревер каби олимлар кўп иш қилганлар. Улар кўпроқ торевтика, геммалар, нумизматик материаллар устида тадқиқот олиб борганлар. Бироқ ҳозир Эрон санъатининг барча қадимий босқичлари бўйича янги материаллар кўп. Улар асосида XIX-XX аср бошлари ва ўрталаригача бажарилган тадқиқотларга нисбатан илмий билимлар янада кўпайган, тадқиқот методлари бойиган. Шу туфайли санъат турлари ва уларнинг ёдгорликлар туркумлари янги-янги тадқиқот вазифаларини қўймоқда. Айниқса, Эрон санъати обидаларининг санасини аниқлаш бўйича эришилган натижалар муҳим. Қоятош бўртма лавҳаларнинг даврлари, саналари ёзма ёдгорликларга қиёслаб 10, ҳатто 5 йилгача (+ -) ораликдаги аниқ саналарга эга.

Ўз навбатида бу имконият рельефлардаги тарихий воқеаларни реконструкция қилишга хизмат қилади.

Тадқиқотчиларнинг ҳозирги ваифалари Эрон санъатининг турларини мажмуалари бўйича ўрганиш билан бирга турли обидаларнинг ғоявий асосларини, мафкуравий илдизларини, рамзий тизимларининг таҳлили ва талқинига қаратилган.

Эрон санъатининг энг қадимги қатламига мансуб Зивие ёдгорликлари мил.авв. ВИИ асрга оид ҳисобланади. Зивие ҳазинасида олтин, қумуш бронзадан ясалган бўлган.

Эроннинг 3-4 асрлардаги санъати кулдорлик жамияти санъати бўлиб, бу жамиятнинг инкирози санъатга ҳам таъсирини курсатди. Лекин феодад муносабатларнинг ривожланиб бориши билан маданият ва санъат ҳам тараккий эта

бошлади. Антик даврдаги йирик шаҳарлар ривожланишда давом этди, янги-янги саройлар, касрлар (Ферузаобод, Ктесифон ва бошқалар) қад кутарди. Улар Парфия касрларига уз тузилиши билан анча ухшаб кетади, лекин сосонийлар меъморчилигида гумбазсимон килиб ёпилган расмий қабул заллари пайдо бўлди. Умуман олганда гумбазли бинолар сосонийлар даври меъмор-чилигининг энг характерли хусусиятидир. Зороастризм дини билан боғлиқ ибадатхоналар ҳам гумбазли бўлиб, уларда мукаддас олов сақланган ва диний маросимлар утказилган.

Сосонийлар санъатининг яна бир характерли хусусияти бу бадиий ҳунармандчиликнинг юксак тараққий этганлигидир. Турли шаклдаги кумуш идишларга туширилган ҳар хил тасвирлар - ов манзаралари, базмлар, уйинлар, афсонавий ҳайвонлар, қоҳинлар, қанотли аждаҳо, унинг устида най чалиб турган севги ҳудоси Анахита ва бошқа тасвирлардан бу девордаги нафис тасвирий санъат, наққошлик ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин.

Сосонийлар даврида қимматбаҳо тошларга уйиб расм чизиш ҳам юксак тараққий этган. Бу санъат турли-туман мавзуда бўлиб, улар ичида подшо ва маликалар, сарой аёнлари, амалдорлар ва қоҳинлар расмлари, афсонавий махлуклар, ҳайвонларни овлаш, ҳаёт дарахти, ёввойи ҳайвонлар ва утхур ҳайвонлар уртасидаги қураш ва бошқа тасвирларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Сосонийлар даври санъатида подшо ва унинг ҳокимиятини, унинг галабаларини улуғлаш катта урин тутади. Баъзи тасвирлар ҳаётий бўлиб, ёвуларга ҳам эга. Бу типдаги санъат ёдгорликлари муҳим тарихий манба саналади. Тангалардаги тасвирлар ҳам тарихий манба сифатида катта аҳамиятга эга.

Сосонийлар санъати Эроннинг қадимги санъатининг энг яхши ютуқларини узига мужассамлаштирди, уни янада бойитди. Ушбу давр санъати ҳақли равишда Эроннинг йиллаб тараққий этган санъатининг энг юқори босқичи деб тан олинди.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Хетт санъатининг энг асосий хусусиятлари.
2. Урарту санъатига хос хусусиятлар.
3. Мидия давлатида сақланган санъат намуналари.
4. Ахмонийлар империясининг санъатига хос асосий моҳият ва маъно.
5. Ахмонийлар санъатининг услубий хусусиятлари.
6. Эллинизм иборасининг маъноси.
7. Эллинизм даври асосий меъморчилик ва тасвирий санъат ёдгорликлари.
8. Пахлавийлар ва соснийлар санъатларининг асосий хусусиятлари.

Мустақил иш топшириқлари:

- Всеобщая история искусств. том 1 . М – 1956. китобидан мавзуга оид боблари билан танишиб чиқиш.
- Ахмонийлар, эллинизм санъатларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг фарқларини тушунтириб беринг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

- История искусство зарубежных стран. М., 1962.
- Гиоргадзе Г.Г. Хетты и хурриты по древнехеттским источникам. ВДИ, 1969, № 1.
- Зоморовский В. Тайны хеттов. М., 1968.
- Керам К. Узкое ущелье и Черная гора. М., 1962.
- Маккуин Д.Г. Хетты и их современники в Малой Азии. М., 1983.
- Миличишвили Т.А. Наири-Урарту. Тбилиси., 1954.
- Дьяконов И.М. История Мидии. М. –Л., 1956.

- Алиев И. История Мидии. Баку, 1960.
 Пиотровский Б.Б. Кармер-Блур. Л., 1970.
 Рубинштейн Р.И. У стен Тейшебани. М., 1975.
 Ходжас С.И., Трухтанова М.С., Огонян К.Л. Эребуни. Памятник Урартского зодчества ВИИИ-ВИ вв. до н.э. М., 1979.
 Дандамаев М. Иран при первых Ахеменидах. М., 1963.
 Уилбер Д. Персеполь. Археологические раскопки резиденций персидских царей. М., 1977.
 Зеймаль Е.В. Амударьинский клад. Каталог выставки. Л., 1979.
 Шмитд Е. Персеполь. Чикаго. т.1., 1953; т.П, 1957; т.Ш, 1970 (на англ. яз.)
 Михайловский К. Пальмира. Варшава, 1968.
 Шлюмберже Д. Эллинизированный Восток. М., 1985.
 Левек Пьер. Эллинистический мир. М., 1989.
 Массон М.Е., Пугаченко Г.А. Парфянские ритоны Нисы. Труды ЮТАКЭ. т.ИВ., Ашхабад, 1959.
 Кошеленко Г.А. Городской строй греческих полисов Западной Парфии. ВДИ. 1960, №4.
 Фрай Р. Наследие Ирана. М., 1972.
 Кошеленко Г.А. Родина парфян. М., 1977.
 Пугаченко Г.А. Искусство Туркменистана. М., 1967.

Маъруза 4. Ўрта Осиёда юнон-бактрия, кушон, эфталит, турк хоқонлиги давлатлари даврларининг санъати

Режа:

1. Юнон-Бактрия давлатининг тарихи ва унинг санъати.
2. Кушонлар давлати ва кушонлар санъати.
3. Қадимги Суғд, Хоразм санъатлари.
4. Эфталитлар санъати.
5. Турк хоқонлиги даври Ўрта Осиёда меъморчилик ва монументал санъат ёдгорликлари

Таянч сўз ва иборалар:

Дахлар, саклар, юэчжилар, кушонлар, кангуйлар, хунлар, эфталитлар, турклар. Тупроққалъа, Самарқанд, Ерқўрғон, Куёвқўрғон, Бодадиктепа, Варахша, Шахристон, Панжикент, Қўйқирилган қалъа, Мансурдепе, Қалъалиқир ИИ.

Дарсининг асосий мақсади:

Дарсда Марказий Осиёнинг кенг ҳудудларида турли давлатлар ва ҳокимиятлар негизида меъморчилик, монументал санъат, деворий нақш, ҳайкалтарошлик юксак даражага ривожланганлигини тушунтириб бериш. Санъат ёдгорликларини Авеста ёки буддизм таълимотлари образлари билан узвий боғлиқ тарзда ривожланишини тушунтириб бериш.

Асосий қисм

Машҳур шарқшунос Ричард Фрай қадимги Ўзбекистоннинг ўрталик ҳудудини ташкил қилган Сўғдиёна "Марказий Осиёнинг юраги" деган эди. Ўзининг географик ўрнига кўра Марказий Осиёнинг ўзи ҳам Евроосиё қитъасининг маркази ҳисобланади ва инсоният тарихининг барча босқичларида Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб ўртасида тарихий-маданий, мураккаб муносабатларнинг ҳал қилувчи бўғини бўлиб келган.

Осиё ва Европа тушунчаларининг ўзи қадимги цивилизациянинг икки асосий шакли ўртасида рақобатнинг мевасидир. Бу тушунчалар Грек цивилизациясининг бир томондан Шарқ цивилизацияси таъсирида, иккинчи томондан скифларнинг шимолдан жанубга йўналган цивилизацияси таъсиридан ҳимояланиши замирида пайдо бўлган. Яъни Грек (Юнон) цивилизацияси ўзининг туб моҳиятини сақлаб қолиш учун бутун Шарқ цивилизацияси анъаналарига ўз цивилизациясини қарама-қарши қўйган. Қолаверса, Шимол ва шимоли-шарқ томондан қадимги скиф цивилизациясининг ўзига

хос зооморф стили Юнон цивилизациясининг шакллантирувчи асосларига тазйик ўтказишга интилган. Натижада қадимги ва антик давр Юнон цивилизацияси ўзининг чегараларини белгилашга ва Осиё цивилизациясидан фарқли равишда ўз моҳиятини сақлаш учун Европа тушунчасини жорий этди.

Шундай қилиб Европа ва Осиё цивилизациялари ўртасидаги рақобат кейинчалик ўрта асрларга келганда Христиан дунёси билан Ислом дунёси ўртасидаги рақобат шаклига кирди. Бироқ Европа Осиё цивилизациясининг моҳиятини ва қадимий илдишларини узоқ вақт етарли баҳоламади. Натижада Редьярд Кипплиннинг “Моугли” ва америка ёзувчисининг “Тарзан” сингари асарлари пайдо бўлдики, булар Осиё ва Африка цивилизациясини “Ёввойилар дунёси” сифатида талкин қилишга уринди. Шарқнинг тарихий, географик, илмий анъанасида эса инсоният цивилизациясини Осиё ва Европа цивилизацияси деб ажратиш анъанаси бўлмаган. Евроосиё континенти маданий жараёнлар учун яхлит бир бутун деб ҳисобланган. Шу сабабли Ислом уйғониш даври олимлари антик давр Европа Юнон ва Рим илмий анъаналарига кенг кўламда мурожаат этишган ва уларни шарқона фан ютуқлари билан бойитишган. Масалан, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқалар Юнон олимларининг асарларини ўз тилида ўқишдан ташқари уларни таржима қилиш ва янги илмий шарҳлар билан таъминлаш даражасида тадқиқотлар олиб борган.

Марказий Осиё географиясининг ўзига хос хусусияти жаҳонда энг катта Марказий Осиё ороген (тектоник тоғ ҳосил бўлиш) зонасининг мавжудлигидадир. Бунинг натижасида мазкур тоғ массивининг жойлашган ўрни Евроосиёнинг шундай геологик платформасини ташкил қилдики, улардан Ғарб томонга Амударё ва Сирдарё, Шарқ томонга Янцзи ва Хуанхе дарёлари, жануби-шарқ йўналишида Ганг ва Брахмапутра дарёлари, жануби-ғарб йўналишида Ҳинд дарёси каби улкан водийлар ҳосил қилувчи дарёлар тизими пайдо бўлди. Бу водийлар эса ўз навбатида Ўрта Осиё, Ҳинд ва Хитой цивилизацияларининг табиий, ижтимоий ва иқтисодий асосларига хизмат қилди. Марказий Осиёнинг мазкур тоғ платформасидан Шимолга қараб очилувчи кенгликларида бу минтақанинг қуруқ чўл ва ўта совуқ иқлим шароитлари туфайли цивилизация таракқиётда биров кечикиш аломатлари кузатилади. Чўл минтақасининг цивилизацияси асос эътибори билан кўчманчи чорва ҳўжалигининг ривожланиш босқичида ўзининг авж палласига кирди. Марказий Осиё ирқларининг ва маданиятларининг генетик жараёнларига хос бўлган бош хусусият шунда эдики, айна мана шу марказий бўғинда майда ва йирик ўрта баландликдаги тоғ воҳалари ва водийларида қадимий буюк цивилизацияларнинг савдо ва ўзаро алмашув йўллари кесишган эди. Баъзи оралиқ муддатларда ушбу алоқалар жараёнига Европа ва олд Осиё (Яқин Шарқ) цивилизациялари ҳам кириб келар эдилар. Айниқса, бундай “ташриф” арийлар миграцияси эллинизм маданиятининг ҳамда Ислом дунёси маданиятининг кириб келишида кузатилади. Марказий Осиё минтақаси қадимги гуллар ва турк мўғул халқларининг миграцион ва ҳарбий-сиёсий ҳаракатлари даврида яна бир цивилизация таракқиётини ўзлаштирди. Юқлрида айтилган цивилизация чоррахалик хусусияти маданий жараёнларнинг ўзига хос ривожиди ва айниқса, Марказий Осиё халқлари санъатида ўз аксини топди ва муштараклик касб этди. Ушбу маданий, тарихий минтақанинг цивилизация жараёнлари асос эътибори билан Бактрия, Суғд, Хоразм, Чоч, Фарғона сингари маҳаллий цивилизация ўчоқларини ҳам вужудга келтирди. Шу борада қадимги трансконтинентал (қитъалар аро) Евроосиё йўллари айна Ўзбекистон ҳудудларида кесишиб ўтгани ушбу цивилизация жараёнларнинг асосий ҳосиласи шу ўлкада мужассам бўлишига олиб келди.

Қадимият ва илк ўрта асрларда эстетик дунёлари ҳар хил бўлган туркийзабон ва эронийзабон этно-маданий алоқаларнинг ўзаро адаптация жараёни асосларини охир-оқибатда шаклланган турку-суғд ва ўзбек-тожик маданий симбиоз ҳолатларида кўриш мумкин.

Қадимият ва ўрта асрларда эстетик дунёси турлича ва ўзига хос бўлган туркий тилли ва эронийзабон халқларнинг этномаданий алоқалари асосини ўзаро адаптация жараёни ташкил этади. Маданиятларнинг бу каби симбиози ва синтези (ўзаро

уйғунлашувчи ҳамда қоришуви) учун муштарак экологик шарт-шароитлар билан боғлиқ эди. Чунки ўтроқ деҳқончилик билан боғлиқ катта ва кичик воҳалар ўзаро кўчманчи чорвадорлик ривожланган улкан камсув чўллардан иборат кенгликлар билан ажраб турган. Ҳаракатчан ва жангавор чорвадор халқлар турли сабаблар туфайли вақт-вақти билан ўз яйловларини ўзгартириб, Марказий Осиё минтақаларининг этно-маданий ва тил муҳитининг рангбаранглигига хизмат қилганлар. Кўп ҳолларда чўлдан келган кўчманчи этнослар ўтроқ деҳқончилик воҳаларида ҳарбий-сиёсий ҳокимиятни қўлга киритар эдилар. Лекин амалда савдо, ҳунармандчилик фаолиятида етакчи мавқе ўтроқ аҳоли қўлида қолар эди. Ўз даврининг мафкуравий ҳаётида ҳам ўтроқ аҳоли хал қилувчи ўрин тутган.

Кўчманчи ва чўпон-чўлиқли чорвачилик минтақаси билан ёнма-ёнлик бронза давридан бошлаб Евросиёнинг ўрталиқ кенгликлари билан ўтроқ деҳқончилик воҳаларининг қўшничилиги давлатчиликнинг, маданиятнинг ва аҳоли менталитети ва маданиятининг асосий хусусияти бўлиб келган. Қолаверса, шарқ ва ғарбни бирлаштирган Буюк ипак йўли ҳам кўчманчи чорвадорлар яшаган ва доимий ҳаракатда бўлган трассалар бўйлаб шаклланган. Бу йўл устида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Тошкент сингари йирик шаҳарларнинг мавжудлиги айнан Ўзбекистон ҳудудларининг маданият ва бадиий жараёнлардаги етакчи мавқеидан далолатдир.

Бу шаҳарлар ўз ўрнида бутун минтақа санъати ва маданияти ютуқларини таъминлоқчи ижодий ғояларнинг ҳам бешиги бўлган. Буюк ипак йўлида бу ва бошқа кўплаб шаҳарлар маданият ютуқларининг ретрансляторлари бўлган. Бронза даври, илк темир даври, илк ҳудудий давлатчилик жараёнлари, дастлабки йирик салтанатлар даври (аҳмонийлар, чет эл босқинчилиги (юнон-македон босқини)), эллинизм, Кушанлар салтанати, Хоразмнинг қадимий давлатчилик босқичлари, милодий В-ВИ асрлардаги хион, кидар, эортал давлатлар даври, илк ўрта аср ҳудудий давлатлар даври, ислом даври ва ўрта асрлар – мазкур кетма-кетликдаги барча босқичларда Марказий Осиё цивилизация жараёнлари тараққиёти, санъат соҳаларининг ички динамикасида узлуксизлик, моҳият ягоналиги, ифода усуллари ва воситаларининг хилма-хиллиги баробарида моҳият ягоналиги кузатилади. Бу ўринда ислом даври санъатининг мазмун ва шакли орқали кириб келган санъат соҳалари ўзига хос кўриниш олганини ҳисобга олган ҳолда, шу санъатнинг ички мазмуни маҳаллий исломгача давр санъатининг трансформациялашган унсурлари билан бойитилгани алоҳида диққатга сазовор. Биргина мусиқа санъатида буни яққол кузатиш мумкин. Мазмунда исломий давр акс этгани билан ундаги шакл ижро йўллари, усуллар қадимий асосларини сақлаган ҳолда давом этмоқда.

Марказий Осиё зардуштийлик, буддизм каби энг қадимги жаҳон динларининг бешиги бўлгани ҳам муҳим омилдир. Юнон-рим мифологиясига, Христиан динининг шарқий мазҳабиغا, монийчиликка эътиқод масалалари Марказий Осиёда қадимдан ижтимоий, маънавий бағрикенглик муҳити бўлганидан далолатдир. Бу эса ҳар бир дунёқараш тизимига хос санъат ижодкорлиги учун маънавий асос бўлиб хизмат қилган. Чунки қадимий ва ўрта асрлар санъати асосан диний тасаввурлардан озиқланган.

Бугунги кунда бир неча авлод тарихчилар, археологлар, санъатшунослар, архитекторлар меҳнати самараси туфайли Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон халқлари санъати тарихи бўйича етарли даражада маълумотларга эга бўлдик.

Милоддан авв. В-IV минг йилликлардан бошлаб Марказий Осиё ҳамда Олд Осиёнинг илғор тараққиёт минтақаларида сунъий суғориш технологиясига асосланган деҳқончилик, мустақил чорвачилик хўжалиги ташкил топа бошлаган. Шу асосдаги илк шаҳарсозлик (протошаҳар) пайдо бўлди. Энг йирик протошаҳар марказлари урбанистик қиёфа касб эта бошладилар. Уларнинг эгаллаган майдони ўнлаб гектарларга етди.

Мил.авв. VII-IV асрларга оид илк деҳқончилик маданияти санъатига хос хусусиятлардан бири юксак даражада сифатли сопол буюмлар бўлиб, уларнинг сирти геометрик услубда ранг бўёқ нақшлар билан безатилганлигидир.

Бу каби сопол буюмлар Миср, Месопотамия, Ҳиндистон (Хараппа), Хитой (Яньшао) ва Ўрта Осиёда Анау, Сараз каби маданият обидаларида кузатилган.

Милоддан авв. ИИИ-ИИ минг йилликларнинг бошларида Олд Осиё минтақасидаги айниқса Сирия (Хетт) ҳудудларидаги асрлаб давом этган курғоқчилик туфайли аҳоли миграцияси бошланиб, йирик кўчкинчилик тўлкинлари рўй берди. Кўчкин аҳоли Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари, Афғонистон, Ҳинд дарёси водийси каби ерларга тарқалди. Натижада Марказий Осиё санъатида ҳам муҳим инновацион жараён юз берди.

Сарой-ибодатхона типидagi ривожланган монументал архитектура билан бирга монументал ва амалий санъатнинг Бобил ва Ассирия санъати намуналаридан қолишмайдиган ажойиб обидалари пайдо бўла бошлади. Шу жумладан, деворларга ишланган ранг-бўёқ тасвирлар, тошдан йўнилган ҳайкаллар каби ёдгорликлар ХХИ аср бошида Мурғоб дарёсининг этагида жойлашган ҳозирда Қорақум барҳанлари орасида кўздан ғойиб бўлган Маргуш давлатининг пойтахти харобаларида топилди. Ушбу илк шаҳар маданияти ёдгорлиги мил.авв. ИИИ-ИИ минг йилликлар билан белгиланади. Шундай ёдгорликлардан бири Туркменистоннинг мазкур ҳудудидаги Гонурдепедир. Ўзбекистон ҳудудларида Гонурдепе билан бир даврга Сополлитепа ва Жарқўтон (Сурхондарё) ёдгорлик мажмуалари тўғри келади. Афғонистоннинг шимолида эса Гонурдепе ва Сополли маданиятлари билан тенгдош Дашли археологик мажмуининг учинчи босқичи мавжуд. Фанда ушбу уч минтақа маданияти Бақтрия-Марғиёна мажмуи номини олган. Шу даврнинг кўрғонлари ва шаҳарларида археологик жиҳатдан олов култи ҳамда зардуштийликдаги муқаддас ичимлик *хаома* билан боғлиқ. Эътиқод излари ҳам топилган. Бу даврда (мил.авв. ИИИ-ИИ минг йилликлар) муҳр тайёрлаш билан боғлиқ ўзига хос санъат йўналиши шаклланган. Муҳрлар бронзадан қуйма, қумушдан ясалган тош ва суякдан ишланган шаклларда учрайди. Металга ишлов бериш, айниқса бронза қотишмасининг сифатли даражасини таъминлаган ҳолда ясалган пиёла, коса, қадах каби буюмлар, қимматбаҳо металдан заргарлик усуллари билан ясалган зебу-зийнат буюмлари – булар ҳаммаси турли барельеф (бўртма) тасвирлар билан безалган бўлиб, ўша даврнинг эътиқодий, мифологик тасаввурларини ўзида акс эттирган.

Бу даврнинг кулолчилик санъати чарх ёрдамида ясалган юпка, нафис рўзгор асбобу-анжомларидан иборат бўлиб, уларнинг хиллари турли туман. Бу эса идиш-товокка юкланган вазифаларнинг турли туманлигини, бошқача қилиб айтганда, хўжалик такомилининг юксак даражасини кўрсатади.

Мил.авв. ИИ минг йиллик охири И минг йиллик бошларида Марказий Осиёнинг этно-маданий манзараси тубдан ўзгара бошлади. Бунга сабаб шу даврда рўй берган асрий курғоқчилик бўлиб, қадимги деҳқончилик марказлари инқирозий ҳолатга келди. Чорвадор чўл минтақасидаги вазият оғирлашиб, чорвадор аҳоли жанубга томон силжий бошлади. Бу аҳоли хўжалик усулига кўра чўпон-чўлик чорвадорлар бўлиб, уларнинг моддий маданият мажмуи фанда *андронолла* ва *сруб* маданиятлари деб аталади. Бу қабилаларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши илк темир асрида маданий жараёнларнинг ўзига хос янги инновациясини юзага келтирди. Бу давр бронза асридаги Гонурдепе, Жарқўтон каби катта қўламли илк шаҳар урбанистик марказларининг ўрнига ихчам, кичкина, лекин кучли истехком қилинган мудофаа иншоотлари мустаҳкам қалъалар пайдо бўлиши билан белгилidir. Бундай кўрғонлар одатда махсус яратилган сунъий тепаликлар (стилобат)лар устига қурилган. Бундан мақсад душман учун уларни эгаллашни қийинлаштириш эди. Кўрғонларнинг ички таркибида яшаш учун мосланган хоналар, ёрдамчи хўжалик бўлимлари, ибодатхона (одатда оташкада) қабилар мавжуд бўлган. Ўз-ўзидан кўринадик, бундай мустаҳкам кўрғонлар ҳудуд аҳолисини сиғдира олмас эди. Демак, кўрғонлар жамиятда жиддий ижтимоий табақалашувни акс эттиради. Оддий аҳоли эса кўрғонлар атрофидаги ҳудудларда яшаган ва меҳнат қилган. Бу даврда бронза асрида пайдо бўлган буюмлардаги сюжетли тасвирий санъат обидалари деярли учрамайди. Сопол буюмлар чархда эмас, қўлда ясаладиган ҳолатга келади ва қўл сопол буюмлари сиртида геометрик нақш безаклар пайдо бўлади.

Мил.авв. И минг йилликка оид, аввало Авеста ва Ригведа, кейин эса грек ва рим манбалари Ўрта Осиёда яшаган қабилаларнинг ҳамда турли жой номларининг

атамалари бизга етиб келишига восита бўлган. Шу даврдан бошлаб минтақа маданияти ва санъатининг тарихий-маданий ўлкаларга хос кўринишлари барқарор ва илдамлаб боровчи тараққиёт йўлига кира бошлаган. Бу тарихий-маданий ўлкалар Бактрия, Суғд, Хоразм, Фарғона, Чоч, шарқий Туркистон, Ҳинд дарёси водийси ва бошқалар эди. Мазкур манбалар қадимги Бактрия подшолиги, хорасмийлар, саклар, турлар каби ижтимоий-этник ҳамда сиёсий бирликлар ҳақида хабар берадилар. Мил.авв. II минг йиллик ўрталарида юқорида саналган ўлкаларнинг асосий кўпчилиги жаҳоннинг энг биринчи империяси ҳисобланмиш Аҳмонийлар салтанатига қўшиб олинган. Бу давр санъатига қадимги Шарқ ҳамда скиф санъатлари унсурларининг бир вақтда амал қилиши ва айрим унсурларнинг қоришуви хосдир. Скиф санъати деб аталадиган улкан санъат обидалари мажмуи фанда анималистик ёки ҳайвон тасвири стили деб аталади. Турмуш анжомлари, заргарлик буюмларининг турли деталлари мифологик ёки реал ҳайвонлар шаклини акс эттиргани скиф санъатининг асосий белгиси ҳисобланади. 1877 йилда Тожикистон ҳудудларидан топилиб, савдо қарвони қўлида Ҳиндистонга етиб борган ва у ерда антиквар буюмлар савдоси орқали Буюк Британия қироллиги музейига тушган Амударё хазинаси таркибига кирувчи қимматбаҳо буюмлар ана шу скиф анималистик санъатининг ноёб намуналаридир.

Мил.авв. 330 йилда македониялик Александр томонидан минтақанинг босиб олиниши маданий манзарада чуқур ўзгаришларга олиб келди. Санъат соҳасида бу давр эллинизм деб аталади (Эллада ва эллинлар маданияти – Грециядаги маданий вилоят номидан олинган). Зардуштийлик ўлкада етакчи мақомда бўлиши билан баробар Юнон худолари, юнонча фалсафа ва санъат Шарқ ўлкаларида кенг ёйила бошлади. Афғонистондаги Кўкча дарёнинг Амударёга қуйилиш жойи яқинида жойлашган Айханум харобаларида олиб борилган археологик қазилмалар бу шаҳарнинг ўз даврида чин маънода Юнон типигаги шаҳарча эканини кўрсатди. Мил.авв. III-II асрларда бу шаҳар ўзининг театри, гимназияси, стадиони кабилан билан машҳур бўлган. Француз археологик экспедицияси Айханумда ажойиб юнон архитектураси ва тасвирий санъати намуналарини топган. Эллинистик санъатнинг Ўрта Осиёдаги намуналари кўпроқ жанубий районлардан топилган. юнон-бактрия даврида медальер санъати жуда ривожланган. Буни биз юнон-бактрия тангаларида кўришимиз мумкин. Уларда ўта аниқ даражадаги портрет санъати намоён бўлган. Кушан ва Парфия подшоҳликлари даврида давлатчиликнинг этник етакчи қатлами алмашгани билан лекин санъат соҳасида эстетик идеаллар эллинистик таъсирларни асосан сақлаб қолди. Бироқ кушанлар салтанатининг сўнгги босқичларида санъат соҳасига Ҳиндистон санъатининг таъсир элементлари кириб келгани маълум. Айни шу кушанлар ва Парфия подшоҳликлари даврида эллинистик таъсир камая бориб, санъатда шарқона тасвир услубий меъёрлари қайта тиклана бошлади. Бу даврга хос хусусият санъат буюмларида статик ҳолат, идеаллаштириш рамзий ифодалар ва шаклилик аломатларининг етакчи ўринга кўтарилишидир. Парфия тасвирий санъатига хос бўлган фронтал хусусият тарқала бошлади. Тасвирларда ҳаракат динамикаси эмас, руҳиятни акс эттиришга алоҳида эътибор берилган. Шунга ўхшаш руҳий-хиссий тасвир усули илк босқич Христиан дини анъанасида ҳам мавжуд.

Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар маданияти ва санъати бир қатор ёдгорликлардаги деворий суъратларда ёғоч ва сопол ҳайкалчилик намуналарида кўринади. Булар Афросиёб, Панжкент, Варахша, Болаликтепа, Шахристон, Куёвқўрғон, Ажнатепа каби археологик ёдгорликларда ўрганилган. Ушбу деворий суъратларнинг мазмун турли туман. Баъзан улар реал тарихий воқеаларни тасвирласа, баъзан Авестага хос, баъзан эса Будда динининг мативларини ифодалайди. Жумладан, Афросиёб деворий суъратларининг каттагина қисми милодий 654-655 йилларда Самарқанд тахтига чиққан Вархуманни шарафлаш учун турли мамлакатлардан келган элчилик миссиялари ва уларни қабул қилиш маросимини – реал тарихий воқеани тасвирлайди. Варахша деворидаги суърат мажмуи эса шарққа хос бўлган ов манзарасини ифода этган. Болаликтепа ёдгорлигидаги деворий суърат қандайдир реал зифат манзарасини акс эттирган. Панжкент шаҳри харобаларидан топилган суъратлар эса сюжет

жиҳатидан турлича: уларда зардуштийликка хос манзаралар, кундалик турмуш кўринишлари, қандайдир мифологик ёки тарихий жанг манзаралари, эпик асарларнинг сюжетларидан олинган воқеалар тасвири кабилардир. Буларнинг ранг-бўёқ тасвир усули асосан текис юза услубига хос. Яъни тасвирдаги узоқлашувчи масофа нисбатини ифодалаш усули етишмайди. Тасвирлар орасида Шахристон харобаларидан топилган деворий суъратдаги гўдак болани эмизиб турган она бўри тасвири алоҳида ўринга эга. Буни айрим олимлар Рим каптоли бўрисининг таъсири деб баҳолашган. Бошқача ёндашилса, она бўри ва уни эмиб турган гўдак тасвири машҳур қадимги туркий ашина уруғининг келиб чиқиши билан боғлиқ ривоятга алоқадор бўлиши ҳам мумкин.

Суғд тасвирий санъатининг намуналари, мусиқа асбоблари, рақс услублари ва мусикий асарлар буюк ипак йўли орқали Хитой ва Япония саройлари ва маданият марказларига қадар етиб боради. Ғарб ёки ғарбий йўналишда суғд савдогарлари факториялари Константинопольга қадар тарқайди. Илк ислом даврида ҳам суғд санъатининг кўпгина нақшларининг намуналари торефтика (қимматбаҳо заргарлик), кумиш буюмлар намуналари орқали ғарбий Европага қадар тарқалиб Европа тасвирий санъатига ҳам таъсирини ўтказди. Бунинг боисини буюк ипак йўллари бўйлаб суғд савдогарларининг юксак мавқеи туфайли тушунишимиз мумкин. Суғд савдогарлари қадимий турклар империясида нафақат халқаро савдо-сотик жараёнларини бошқарганлар, балки буюк хоқонларнинг сиёсий маслаҳатчилари вазифаларини ҳам бажариб келганлар.

Урта Осиёнинг жануби ва ҳозирги Афғонистон ҳудудларида ташкил топган бу подшолик, эрамиздан аввалги 111 асрнинг урталаридан Парфия давлати билан бир вақтда Селевка давлатидан ажралиб чиққан. Юнон-Бактрия маданиятида эллинизм маданиятининг таъсири жуда кучли. Бу давлатда зарб этилган тангалар, юнон тангалари услубида булиб, тангашунослик санъат даражасига кутарилган. Юнон-Бактрия шаҳарлари ичида, ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган, Ойхоним шаҳри алоҳида ажралиб туради. Шаҳар харобалари фаранг археологлари томонидан очиб урганилган. Бу даврда наққошлик, ҳайкалтарошлик, заргарлик ва бошқалар кучли ривожланган булиб, уларда юнон маданияти таъсири яққол сезилиб туради.

Эрамиздан аввалги II асрнинг охирида Юнон-Бактрия давлати урнини Кушон подшолиги агаллайди. Буддизм дини кириб кела бошлайди. Буддизм дини тарқалиши билан, бу динга хос меъморий услублар ва санъатнинг бошқа турлари пайдо булди. Мисол қилиб, айниқса Гандахор санъат мактаби услубида қурилган улкан ҳайкаллар ва бошқа будда ёдгорликларини алоҳида тилга олиб ўтиш мумкин. Кушонлар даврида зарб этилган тангалар ҳам Кушонлар даври санъатининг энг ёрқин ёдгорликларидир.

Афғонистон ҳудудидаги бадиий маданият тараққиётини эрамизнинг бошларига таълуқли булган ёдгорлик - Беграмдан топилган археологик манбалар орқали ҳам қуришиз мумкин. Қобул яқинида жойлашган бу ёдгорликдан топилган шиша идишлар, албастрдан килинган буюмлар, фил суягидан ясалган буюмлар ва бсшқалар Кушонлар даври санъати ҳақида қадимий маълумот беради.

Бу давр ҳайкалтарошлигида ҳинд-юнон-рим маданияти уйғунлашиб кўшилиб кетган. Гандахор санъати мактабининг таъсири ҳам кучли бўлиб, ўзига хос йўналишлар яратилган. Бу нарсалар будда иншоотларида ва уларни безаб турган нақшларда яққол қуринади

БУДДИЗМ САНЪАТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Афғонистондаги илк урта асрлар даври санъати буддизм даври санъати таъсирида ривожланди. Қояни уйиб ясалган горга жойлашган Бомиян монастири Афғонистондаги будда динига оид энг йирик ёдгорликдир. Ундаги хоналар бир неча қаватли булиб, горга қираверишда баландлиги 37 ва 53 метрли улкан будда ҳайкали турган. Бу монастирнинг асосий хоналари будда дини билан боғлиқ булган турли тасвирлар, нақшлар ва ҳайкаллар билан безатилган. Бу жиҳатдан у Панжикентдаги, Болаликтепадаги шу турдаги ёдгор-ликларга ухшаб кетади.

Фундикистондаги ёдгорликлар Бомиан типигаги ёдгорликларнинг давомидир. Бу ердаги монастирларда лойдан ясалган ҳайкаллар куп учрайди. Қиз ва усмир образигаги ҳайкаллар 7-8 асрлардаги Варахша ва Панжикентдаги топилмаларга анча ўхшайди. 6-7 асрларга келиб буддизмнинг санъатга булган таъсири анча камайди. Санъатда янги образлар, қахрамонлик эпослари ва ислом даврида айникса кенг тарқалган бой нақшлар катта урин тута бошлади. Хиндистон ҳайкалтарошлиги ва наққошлиги Афронистоннинг ислом давригача булган тасвирий санъати тараққиётининг охириги боскичига тугри келди.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Афросиёб харобасидан топилган деворий нақшлар ҳақида ахборот беринг.
2. Варахша санъати асосий хусусиятлари.
3. Панжикент шаҳри деворий нақшлари ҳақида ахборот беринг.
4. Қадимги Хоразм ҳайкалтарошлиги ва рассомчилиги.
5. Шахристон деворий нақшлари.
6. Болаликтепа деворий нақшлари.
7. Гандхара санъати.
8. Термиз, буддизм санъати ёдгорликлари.

Мустақил иш топшириқлари:

- Грек-бактрия санъатининг асосий хусусиятларини ифодалаб беринг;
- Буддизм санъатига хос Марказий Осиёнинг асосий ёдгорликларининг асосий хусусиятларини ўрганиб чиқинг;
- Суғд ва қадимги Хоразм монументал санъат ёдгорликларининг асосий хусусиятлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пугаченко Г.А. Искусство Афганистана. М., 1963.
2. Кругликова И.Т. Дильберджин. т.1., М., 1974; т.П, М., 1977; т.Ш., М., 1986.
3. Сарианиди В.И. Афганистан: сокровища безымянных царей. М., 1983.
4. Прокофьев О. Искусство Индии. М., 1964.
5. Короцкая А.А. Архитектура Индии раннего средневековья. М., 1964
6. Пугаченко Г.А. Искусство Гандхары. М., 1982.
7. Тюляев С.И. Искусство Индии. М., 1988.
8. Кинжалов Р.В., Луконин В.Г. Памятники культуры Сасанидского Ирана. Л., 1960.
9. Луконин В.Г. Иран в эпоху первых сасанидов. Очерки по истории культуры. Л., 1961.
10. Луконин В.Г. Культура сасанидского Ирана. М., 1969.
11. Фрай Р. Наследие Ирана. М., 1972.
12. Луконин В.Г. Иран в ИИИ в. М., 1979.
13. Луконин В.Г. Древний и раннесредневековый Иран. М., 1987.
14. Кузнецов В.С. Последний правитель Ираншахра. Новосибирск, 1991.
15. Денике Б.П. Искусство Востока. Казань. 1923.
16. Орбели И.А. Мусульманские изразцы. 1923.
17. Кубе А.Н. История фаянса. Берлин., 1923.
18. Кверфельдт Э.К. Керамика Ближнего Востока. Руководство к распознаванию керамических изделий. Л., 1947.
19. Кубе А.Н. Испано-мавританская керамика. М. –Л., 1940.
20. Веймарн Б., Кантерева Т., Подольский ... Искусство арабских народов. (средневековый период). М., 1960.
21. Миллер Ю.А. Искусство Турции. М. –Л., 1965.

22. Ходжаш С. Каир. Города и музеи мира. М., 1967
23. История зарубежного искусства. М., 1971
24. Уотт. У.М., Какиа П. Мусульманская Испания. М., 1976.
25. Сидирова Н.А., Стародуб Т.Х. Города Сирии. М., 1979
26. Каптерева Т.П., Виноградова Н.А. Искусство средневекового Востока. М., 1989

Маъруза 5. Мусулмон халқларининг VIII-XV асрлардаги санъати

Режа:

1. Араб халифалигининг ташкил топиши.
2. Сурия-Миср санъати.
3. Испан ва Мавритан санъатлари.
4. Туркия санъати.
5. Эрон санъати.

Таянч сўз ва иборалар: халифат, расулуллох, мавалиён, Ажам, мачит, қибла, уммавийлар сулоласи, аббосийлар сулоласи, Дамашқ, Бағдод, фотимийлар сулоласи, Кўрдўва халифати, салжукийлар, усмонлилар сулоласи, Истанбул, Исфакон, Шероз, Нишопур, Ғазна.

Дарсининг асосий мақсади: Араб халифалиги тузилиб, ислом дини субтропик ва ўртақенглик иқлимларига Испаниядан бошлаб, Житсугача тарқалиши натижасида диний дунёқараш ва у билан боғлиқ бўлган санъатнинг тубдан ўзгариб кетиш сабабларини тушунтириш. Сурия-Миср, Испания ва Мавритания, Туркия яримороллиги, Эронда сақланган меъморчилик ва санъат ёдгорликларининг тавсифи.

Асосий қисм:

Атлантика қирғоқларидан Индонезиягача, Ўрта ер денгизидан Нил дарёсининг юқори оқимларигача бўлган катта ҳудудда яшаган халқларнинг ўрта асрлардаги маданияти ва санъати дунё маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу юксак маданиятнинг асосий ўчоғи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Шимолий Африка ва жанубий Испания бўлиб, улар араблар асос солган улкан феодал давлат халифалигига бириккан эдилар. Бу халқларнинг энг катта хизмати шу бўлдики, улар антик даврдаги фан ва санъатнинг энг яхши ютуқларини сақлаб, бойитиб, кейинги авлодга етказиб бердилар.

Арабларнинг 15 аср бошларидаги сиёсий иттифоқи янги дин -ислом дини таъсирида эди ва бу дин тезда жаҳон динларининг бирига айланди. Мазкур диннинг асосчиси Муҳаммад пайғамбер вв унинг ворислари - халифаларнинг дастлабки фаолият курсатган ерлари Мадина ва Макка шаҳарлари эди. Муҳаммад пайғамбар асос солган мусулмонлар жамоаси тузилажак мусулмонлар давлатининг асоси бўлиб, Арабистонни бирлаштиришнинг диний ве сиёсий маркази бўлиб майдонга чиқди. Лекин Муҳаммад пайғамбар фаолият кўрсатган дастлабки даврларда у тараққий қилаётган янги дин жоҳил, қабилавий динларга сиғинувчи кўпгина араблар томонидан қабул қилинмади. Шунинг учун Муҳаммад пайғамбар ва унинг тарафдорлари 622 йилда Маккадан Мадинага кетишга мажбур булдилар. Бу кўчиш (ҳижр-арабча бўлиб кўчиш деган маънони билдиради) мусулмон йил ҳисобига асос қилиб олинди. Кўпчилик мусулмон мамлакатларида ҳозирги пайтда ҳам бу хижрий йил ҳисобидан кенг фойдаланадилар. 630 йилда мусулмонлар бутун Арабистон ярим оролини бўйсундирдилар. Каъба шаҳри (мусулмонларнинг муқаддас шаҳри) давлат марказига айланди. Муҳаммаднинг ворислари - халифалар давлатининг диний ва дунёвий бошлиқлари эдилар. Дастлабки тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва ундан кейин халифаликни бошқарган. Уммавийлар сулоласи (661-750) ҳукмронлиги даврида араблар Осиё, Африка ва Жанубий-Ғарбий Оврўпада катта ҳудудларни босиб олдилар. Арабларнинг ҳарбий қудратига Византия ва Эрон каби қудратли ҳоқонликлар ҳам дош бера олмадилар.

Араблар 640 йилда Византияга қарашли булган Сурия ва Фаластинни, 642 йилда Мисрни ва кейинги йилларда Шимолий Африкани босиб олдилар. Буддан ташқари 633-651 йилларда Сосоний сулоласи бошқарган Эрон давлатига тегишли бўлган барча худудларни қўлга киритдилар. Араб қўшинлари шимолий Африкалик барбарлар билан бирга Прений ярим оролига ҳужум бошлайдилар. Араблар томонидан Ал-Андалус деб аталган Испанияни ишғол қилиш бошланди ва унинг каттагина қисми босиб олинди.

Бу пайтда араб қўшинлари 8 асрнинг ўрталарида бутун Ўрта Осиёни ишғол этиб, Хитой чегараларигача етиб бордилар. Шу тариқа қиса вақт ичида улкан феодал давлат - халифалик ташкил топди. Араблар ва халифалик таркибига кирган бошқа халқлар фан ва маданиятнинг, бадий санъатнинг кўпгина соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Араблар жаҳон адабиёти ва шеърлятига, фалсафа ва тиббиётга, математика ва астрономияга, география ва тарихга ва бошқа фанлар тараққётига катта ҳисса қўшдилар, ажойиб ва ўзига хос санъат асарлари яратдилар.

Мусулмон халқлари маданияти дунёнинг турли халқлари маданиятига катта таъсир кўрсатди. Ғарбий Еврўпа антик давр маданияти билан танишишда ҳам мусулмон халқларининг роли катта бўлди.

651 йилда ҳокимият Аббосийлар сулоласи қўлига ўтди ва пойтахт Дамашқдан Боғдодга кўчилди. Лекин бу улкан давлат тезда бир неча мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда тезда мустақил давлатлар ташкил топди. Халифалик таркибига кирган турли халқлар ўзига хос маданият ва санъат яратдилар. Улар маданияти маҳаллий ўзига хосликка эга, лекин шу билан бирга, феодал жамият тараққёти шакллариининг ўхшашлиги, доимий савдо ва маданий алоқаларнинг мавжудлиги, ягона дин ва ёзув тизими, ягона ҳуқуқий ва ижтимоий қонунлар ҳамда бошқа белгилар туфайли санъатда бутун ислом оламига хос бўлган умумийлик кучлидир.

Араб халқлари маданиятининг тараққётида уларнинг Эрон, Ўрта Осиё, Кавказорти мамлакатлари билан бўлган ўзаро алоқалари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Араб тили фақат муқаддас Куръон тили бўлиб қолмасдан, ундан улкан халифаликнинг турли бурчакларида яшаган, турли тилларда ижод қилган олимлар, шоирлар ва бошқалар ҳам фойдаланганлар.

Ҳозирги пайтда араб халқлари дунёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта рол ўйнамоқдалар. Мустақил Ўзбекистоннинг араб давлатлари билан алоқалари ҳам борган сари кенгайиб бормоқда. Республикамиз Олий Уқув юртларида араб мамлакатларидан келган кўп сонли талабалар таълим олаётган бўлса, ўзбекистонлик талабалар ҳам турли мусулмон мамлакатларида ўқиб келмоқдалар. Шу туфайли ҳам араб халқларининг маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш матлакатлармиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мусулмон мамлакатлари меъморчилигида ўхшашликлар анчагинадир, бу айниқса диний иншоотлар қурилишида яққол сезилади. Бундай иншоотлардан айниқса мачитларни эслатиб ўтиш кифоя. Ўз тузилишига кўра унчалик мураккаб бўлмаган барча мачитлардаги меҳроблар Маккага Қибла тарафга қаратилган. Мачитлар ёнидаги миноралар азон айтишга хизмат қилган ва қилмоқда.

Мусулмон оламида олий мактаб - мадрасалар тузилишида ҳам кўпгина ўхшашликлар мавжуд. Уларнинг барчаси ўқиш зали, толиблар яшайдиган хоналарга эга. Тўғри бурчакли қилиб қурилган бу мадрасаларда махсус мачит - номоз ўқиш жойи ҳам бўлган.

Дунёвий типдаги меъморчилик иншоотлари : саройлар, савдо расталари, ҳаммомлар, карвонсаройлар ва бошқа иншоотларда ҳам кўпгина ўхшашликлар бор. Мусулмон даври санъатида ҳаттотлик ҳам юксак тараққий этди ва бу санъатдан, наққошликнинг бир тури сифатида, биноларни безашда кенг фойдаланилган.

СУРИЯ-МИСР САНЪАТИ

Бу санъат мактабида Араб маданияти қирралари энг кучлидир. бу ерда меъморчилик, диний ва дунёвий иншоотлар қуриш етакчи ўрин тутган. Мадинадаги дастлабки мачит турт томони» девор билан ўралган очик майдон кўринишида бўлиб,

Иерусалим қараган томонда шимолда) ёғоч устунлари айвон бўлган. Бу айвон асосий сиғиниш жойи бўлиб, бу ерда меҳроб жойлашган. Меҳроб кейинчалик мусулмонларнинг муқаддас шаҳри - Макка томонга қараб қурилган ва доимо шунга риоя қилинган. Бу мачитда мусулон меъморчилигида. кейинчалик кенг қўлланилган устунли мачит услуби пайдо бўлди.

Уммавийлар даврида мачитлар христиан черковларини бузиш ёки қайта қуриш орқали ҳам барпо этилган. Уларга мисол қилиб Иерусалимда 687-691 йилларда қурилган Қуббат ас-Сахра мачитини, халифа Волид И буйруғи билан 705-715 йилларда Дамашқда қурилган катта мачитни мисол қилишимиз мумкин. Иерусалимдаги мачит римликлар томонидан бузиб ташланган подшо Соломон ибодатхонаси ўрнига қурилган бўлса, Дамашқдаги мачит Ионна Креститель черковини қайта қуриш орқали барпо этилди. Дамашқда қурилган бу катта мачит деворлари мармар билан безатилган, плиталарга турли нақшлар туширилган. Мачитни безашда 30 га яқин ранглардан фойдаланилган, айниқса, яшил, кўк, олтин тусли ранглар кўп ишлатилган. 641 йилда араб лашкарбошиси Амир ал-Ас томонидан Қоҳира шаҳрида барпо этилган мачит ҳам шулар жумласига киради.

Уммавийлар даврида шаҳарларда қурилган саройлар, қасрларнинг деярли барчаси бизнинг давримизгача етиб келмаган. Фақатгина ҳозирги пайтда сувсиз саҳрога айланган жойлардаги "саҳро қасрлари" сўнгги рим ва византия кишлок, қўрғонларига анча ўхшаб кетади. Уларга мисол қилиб, 1936 йилда археологлар томонидан очилган Қаср ал-Хайр ал-Ғарби (8 аср) қасрини кўрсатишимиз мумкин. Бу "саҳро қасрлари" асосан амалдорларга ва феодалларга тегишли бўлиб, улар қисмангина сақланиб қолган холос. Уммавийлар давридаги наққошлик ва тасвирий санъат ҳақида ҳозирги Иордания ҳудудида жойлашган Кусир-Амира қасридаги топилмалар ҳам катта маълумот беради. Бу ерда фақатгина битта залнинг харобалари ва ҳаммом девори сақланиб қолган бўлиб, уларга турли хил тасвирлар туширилган. Улар ичида ўсмир, ўрта ёшли киши ва қария расми антик давр санъати руҳида бўлиб, лавҳалар инсон ҳаёти босқичларини акс эттиради. Бу қасрда, шунингдек, мусикачилар, уйинчилар, чўмилаётган аёл, турли ҳайвон ва қушлар расмлари ҳам учрайди. Расмлар деворларга, шифтга моҳирлик билан чизилган.

Уммавийлар даврига мансуб "саҳро қасрлари" қуришда халифаликнинг турли жойларидан келтирилган моҳир усталар қатнашган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мамлакатининг бадиий услубларидан, санъатидан, безакларидан унумли фойдаланганлар. Уммавийлар даврига мансуб барча санъат турларида бўлгани каби бу ерда антик даврга ва мусулмон даврига хос бўлган белгилар ўзаро аралашиб кетган. Бу нарса айниқса 1935-1943 йилларда археологлар томонидан очиб ўрганилган Хирбет ал-Мафжар қасрида яққол сезилади. Ҳозирги Иордания ҳудудида жойлашган бу қаср Уммавийлар давридаги бошқа қасрлардан ўз тузилиши билан биров фарқ қилади. Унда саройдан ташқари мачит, катта ҳашом ва ҳовлисида ҳовуз ҳам бўлган. Қаср поллари рангли плиталар билан безатилган.

Уммавийлар даврига мансуб имшоотлар ичида Мшатта қасри (8 аср) алоҳида ўрин тутаяди. Бу қаср ҳозирги Иордания ҳудудида бўлиб, 1840 йилда олмон археологлари томонидан очилган. Қасрнинг тузилиши ислом давригача бўлган Сурия ҳукмронлигининг харбий ишоотларини эслатади. Мустаҳкамланган тўрт бурчакли ҳовли атрофида хоналар жойлашган. Асосий кириш жойи тўғрисида жойлашган айвонли зал расмий қабул жойи бўлган. Бу қасрни машҳур қилган нарса асосий кириш жойининг икки томонидаги деворнинг пастги қисмида тошга ўйиб ишланган нақшли плита бўлиб, у 5 метр баландликда, зигзаг шаклидадир. Зигзаглар улкан учбурчакларни ташкил этган, учбурчаклар ичига эса турли лавҳалар туширилган, улар ичидан шерлар, ҳўкизлар, қушлар ва бошқа тасвирларни айтиб ўтиш мумкин. Бу нақшли плиталар турк султони 1903 йилда Олмонияга совға қилган. У Берлиндаги мусулмон мамлакатлари санъати музейида сақланмоқда.

Уммавийлар даврига мансуб қасрларда сақланиб қолган ҳайкаллар сўнгги антик давр анъаналари руҳида ишланган. Тасвирий санъатда инсонни ва ҳайвонларни

тасвирлаш ҳам учрайди. Бу нарса тирик жонзотларни тасвирлаш Қуръонга кейинчалик ХИ-ХИ1 асрларда киритилганлигини, шунда ҳам бу таъқиқ диний бинолар (мачит ва мавзолейлар) қурилишига тегишли эканлигини билдириб турибди.

Сурия ва Месопотамияда УИ-УШ асрларда амалий санъатнинг турли соҳалари ривожланди. Улар ичида кулолчилик, тўқимачилик, шиша буямлар яшаш ва бошқаларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Уммавийлар сулоласи Ироқ ва Эронда бўлган кучли сиёсий ва диний чиқишлар натижасида ВИИИ асрнинг ўрталарида уз ҳукмронлигини тугатди. Халифаликдаги ҳокимият Муҳаммад пайғамбарнинг тоғаси Аббоснинг авлодлари кўлига ўтади. Мусулмон мамлакатларидаги санъат тарихи Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиққир. Бу сулола ҳукмронлиги ВИИИ-Х асрларда айниқса ўз тараққиётининг энг юқори босқичларига кутарилди. Халифанинг хазинасига келиб тушаётган чексиз бойликлар мисли қурилмаган ҳамда меъморчилик, шаҳарлар қурилишининг авж олишига сабаб бўлди.

Халифа ал-Мансур 762 йилда Тигр дарёсининг ўнг соҳилида янги шаҳар қурдиради, пойтахт Дамашқдан бу шаҳарга кўчирилади. Унинг расмий номи Мадинат ас-Салом (Дунё шаҳри) бўлиб, у ҳужжатларда, зарб қилинган тангаларда учрайди. Лекин бу шаҳар тарихига Боғдод номи билан кирди. Мадинат ас-Салом бизнинг давримизгача етиб келмаган, у фақат ёзма манбалар орқалигина бизга танишдир. Бу шаҳар айлана шаклида бўлиб, унинг диаметри 2,5 км ни ташкил этган, уни пишиқ ғиштлардан қурилган мудофаа девори ўраб турган. Шаҳар марказида халифанинг саройи - "Кўк гумбаз" бўлган, унинг ёнидан катта мачит ва бошқа бинолар қурилган.

Аббосийлар сулоласининг пойтахти Боғдод тезда халифаликнинг маданий марказига айланди. Бу ерга бутун халифаликдан олимлар, шоирлар, мусиқачилар, рассомлар ва бошқа ижод аҳллари йиғиб келтирилди. Шаҳарда қурилган кутубхона, "донишмандлик уйи" IX аср бошларида антик даврга мансуб асарларни араб тилига таржима қилинадиган асосий жой бўлиб қолди. Боғдодда Х-ХИ асрларда машҳур "Минг бир кеча" эртаклари тўплами пайдо бўлди. "Дунё шаҳри" 1836 йилда пойтахт вақтинча Самарра шаҳрига кўчирилганда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

Олмон археологлари асримиз бошларида Самара харобаларидан мачитлар, саройлар, уйлар, ёғоч ва тошга ўйилган нақшларни, девордаги тасвирларни топдилар. Бу шаҳарда 847 йилда халифа ал-Мутавакил даврида қурилиши бошланган мачит мусулмон оламида энг йирик мачит ҳисобланади. У 38000 кв.м жойни эгаллаган бўлиб, катта ҳовли, номоз ўқишга мўлжалланган катта зал ва минорага эга бўлган. Бу мачит Дамашқда Уммавийлар даврида қурилган масчитдан ҳам каттадир. Унинг ёнида тепага қараб спирал шаклида ингичкалашиб борган минора қурилган бўлиб, у ал-Малвия номи билан машҳурдир. Миноранинг меъморлари қадимги вавилон зиккуратлари таъсирда ўтмиш билан ўзига хос алоқа ўрнатганлар. Миноранинг баландлиги 50 м.га. яқин. Ироқдаги мачит ва миноралар ҳам пишиқ ғишдан қурилган.

Самарадаги Жаусак ва Балкувар саройлари ҳам ўз ҳажми ва тузилиши билан кишида катта таъсурот қолдиради.

Жаусак деворидаги овчилар, ўйнаётган аёллар, чавондозлар, ҳйвонлар ва бошқа турли тасвирлар бу давр тасвирий санъати ҳақида катта маълумот беради. Балкувар саройи Мшатт қасрига ўхшаш, лекин ундан 15 марта каттадир. Бу сарой деворлари ҳам турли тасвирлар билан безатилган. Улар ичида одамлар ва ҳайвонлар расми, геометрик ва ўсимликларнинг нақшлари катта ўрин тутади. Самара шаҳрининг гуллаб яшнаш даври узоққа бормади, 892 йилда халифаликнинг пойтахти яна Боғдодга кўчирилди. Натижада Самара шаҳри йиллар ўтиши билан эътибор сусайганлиги туфайли, харобага айланди.

Испан-Мавритан санъати

Мисрнинг ғарбида жойлашган шимолий Африка ерлари Тунис, Алжир, Марокаш арабча Мағриб, яъни ғарб номи билан юритилган.

Шимолий Африка ва Испания тезда араб халифалигидан ажралиб чиқди. Ҳозирги Тунис худудида 800-йилда ташкил топган Аллабидлар давлатида

деҳқончилик, хунармандчилик ривожланган, денгиз ва куруклик орқали савдо алоқалари ўрнатилган, меъморчилик тараққий этган. Тунис худудида бутун денгиз қирғоқлари бўйлаб қўрғонлар қурилган.

Араб лашкарбошиси Сиди Окба 670 йилда асос солган мачит бутун Мағриб мусулмонлари орасида машҳур бўлган.

Испаниядаги Кордова халифалиги 929 йилда мустақил давлатга айланди. Бу ерда Оврупаликларга номаълум бўлган гуруч, ипакчилкда фойдаланиш учун тут дарахти етиштирилган. Бу давлат шаҳар хунармандлари ипак, жун матолар тўқишда моҳир бўлганлар. Бронза ва шиша идишлар, турли нақшларга бой сопол идишлар яшаш санъати анча равожланган бўлган, Фил суягидан ясалган маҳсулотларни, шунингдек, турли-туман қурол-яроғларни ясовчи усталар бу ерда кўплаб бўлган.

Бошқа Орупа халқларидан фарли равишда, Испаниянинг мусулмон аҳли саводли булиб, бу давлатда илм-фан ҳам кенг тараққия этган. Испаниялик мусулмонлар орқали Европага араб олимларининг асарлари ва антик даврнинг буюк донишмандлари асарлари кириб келган.

Кордова шаҳри мусулмон оламининг машҳур шаҳарлари Дамашқ, Боғдод, Қоҳира шаҳарлари билан бирга, ислом оламининг энг йирик шаҳарларидан бўлган, унинг кучаларига тош ётқизилган, кўприклар, сув тармоқлари, турли- туман бинолар ва боғлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турган. Бу давр меъморчилигида Кордовада қурилган 785 йилдаги катта мачит муҳим аҳамиятга эгадир, у тошдан қурилган ва бу мачит кейинги даврларда биров кенгайтирилган. Улкан ҳажмли (200 x 144) бу мачитнинг асосий қисмини номоз ўқишга ажратилган катта зал эгаллаган. Бу зал 800 дан ортиқ тош устунларга эга. Мачит шунчалик чиройли ва салобатли қурилган эдики, ҳатто 1296 йилда шаҳарни эгаллаган христиан испанлар ҳам бу мачитни бузишга журъат этмаганлар. Мачитнинг 3 та меҳроби бўлган. Марказий меҳроб Мавритон меъморчилигида кенг тарқалган арксимон шаклида қурилган.

Кордова шаҳридан 8 км узоқликда 936-976 йилларда "Мадат аз-Захро" номи билан машҳур бир қаср бўлган. 120 га ерни эгаллаган бу шаҳар 1010 йилда бутунлай бузиб ташланган. Бу шаҳар ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда ва археологик қазилмалар-да топилган топилмалар орқали тўпланган. Археологлар бу ердан шаҳар тузилишини аниқлашга муваффақ бўлдилар, сарой деворларини безаб турган нақшлар, поллардаги турли нақшлар туширилган тош плиталар ва юксак дид билан ишланган бошқа топилмаларни топдилар.

Мавритон санъатининг юксалиши Кордова халифалигининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бутун Мағриб жанубий Испанияни ягона давлатга бирлаштирган. Альморавидлар (1061-1146) ва Аль-моҳадлар (1121-1269) сулоласи ҳукмронлиги даврида Мавритон-Испания санъати янада гуллаб яшнади. Бу даврда кўплаб ажойиб қасрлар, шаҳарлар, мачитлар, мадаасалар ва бошқа бинолар қурилган. Уларни испан-араб санъат мактабига хос булган ажойиб нақшлар безаб турган. Бу даврга оид машҳур мачитлардан Марокашдаги Қутибия мачитини, Севильедаги Хиральда минорасини айтиб ўтиш мумкин. Қутубия мачити ёнидаги минора XII асрдаги араб миноралари ичида энг машҳури бўлган. Унинг баландлиги 67,5 м, нақшлари Мавритон санъатининг энг яхши анъаналарини ўзида акс эттирган.

ТУРКИЯ САНЪАТИ

Яқин Шарқ мамлакатларининг ўрта асрлардаги маданияти ва тараққиётида Кичик Осиё, яъни ҳозирги Туркия худудидаги Салжукийлар (XI-XIII асрлар) ва Усмонли турклар (XIV асрда>* бошлаб) ҳукмронлири даврида яратилган маданият ҳам катта аҳамиятга эга. Бу даврдаги Туркия санъати улуғвор меъморий иншоотлар - мачитлар, «екбаралар, мадрасалар ва саройлар, шунингдек, бадий хунарманд-чилик маҳсулсэъяари - мамхур гиламлар, нафис матолаа, сэиол идиш-лар, қурод-аслаҳалар на амалий сакъитнинг бош!;а турлари билан

Ўзига хос йўлдан ривожланган Туркия санъатида бошқа мусулмон халқлари санъатига хос бўлган кўпгина хусусиятлар мавжуддир. Туркияда Қадимги Византия таъсири яққол сезилиб турсада, унда араб ва эрон меъморчилигига хос бўлган белгилар ҳам бор. Туркия санъати асосан 2 даврга: Салжукийлар (XI-XIII асрлар) ва Усмонли турклар (XIV асрдан кейин) санъати даврларига бўлинади. Биринчи давр учун Султон Оловиддин мачитини, 2 хил кўринишдаги ҳовлили (Сарчили) ва гумбазли (Қора-той) мядрасаларни, XIII асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган Инжес минораси, Султонхоннинг Кони яқинидаги карвонсаройини ва бошқа бир қанча меъморий иншоотларни айтиб ўтиш мумкин. Биноларни безашда турк меъморлари ўйма ганчкорлик усулидан, шунингдек, эпиграфик (ёзувлардан), геометрик, ўсимликсимон нақшлардан ва бошқа безаклардан кенг фойдаланганлар.

Туркия ХI асрнинг ўрталарига келиб сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг юқори босқичларига эришди ва бу вақтда маданият, санъат ҳам юксалди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Туркия меъморлари ижодига Византия даври меъморий ёдгорликлари катта туртки берди. Хусусан, машҳур София ибодатхонасининг тузилиши Усмонли турклар даврида қурилган кўпгина мачитлар тузилишини белгилашда муҳим роль ўйнаган. Унга мисол тариқасида меъмор Хўжа Синон тамонидан Адрианополда барпо этилган Салимия мачитини, Истамбулдаги Сулаймон мачитини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу биноларнинг ички томони рангли ва қорамтир тусдаги мармарлар, Қуръон ва Ҳадислардан олинган, яшил тусли ранг билан бинолар деворларига ёзилган ҳикматли сўзлар ва бошқа турли нақшлар билан безаб чиқилган. Шу туфайли ҳам Туркиядаги биноларнинг ички қурилиши жозибали ва салобатлидир. Усмонли турклар даврида шаҳар қурилиши ҳам юксак даражада ривожланди. Бу даврда қурилган ва туркларнинг фаҳри ҳисобланган Константинополдаги Чиниликкешк саройини алоҳида таъкидлаш жоиз. Туркия шҳарларини безаб турган кўплаб ёпиқ бозорлар, савдо расталари, лабиринт шаклда кўчалар, ҳаммомлар ва бошқа бинолар бу даврда меъморчилик ва у билан боғлиқ бўлган санъат турлари кучли ривожланганлигидан далолат беради. Туркия кучаларига айчикса чиройли панжаралар билан ўралган гумбазли павильонларга эга фавворалар алоҳида қурк бағишлаган.

Туркияда ўрта асрларда амалий-бадий санъатнинг кўпгина турлари - кулолчилик, тўқимачилик, ёғоч ва тош ўймакорлиги, металлга ишлов бериш ва бадий ҳунарманчиликнинг бошқа кўпгина турлари ҳам ривожланган, бадий ҳунаремандчиликда катта роль ўйнаган. Туркия кулолчилигининг ажойиб намуналари Лондон, Севр (Франция), Берлин, Нью-Йорк, Киев, Москва музейларида, Санкт Петербургдаги машҳур давлат Эрмитажида сақланади. Истамбулдаги турк ва мусулмон санъати музейи ва Топ-Капу са-ройи музейи фондида ҳам Туркиянинг ўрта асрлардаги кулолчилигининг ажойиб намуналари сақланади.

XIII ва XIII асрнинг биринчи ярмида юксак сифатли бадий сопол буюмлар ишлаб чиқариш билан бирга меъморий нақшлар тайёрлаш ҳам ривожланган бўлиб, улар Эрон ва Ўрта Осиёдаги нақшларга анча ўхшайди.

Туркиянинг пойтахти ХVII-ХV асрлар чегарасида Истамбул шаҳрига кўчади, бу пайтдан бошлаб Изник (Никея) шаҳри Туркиядаги кулолчилик санъатининг марказига айланади. Бу ердаги оқ тупроқдан ясалган турли туман сопол идишлар ўз сифати, нақшларининг гузаллиги билан машҳур бўлган. Сопол идишларда шунингдек, Хитойдан келтирилган чинни идишлардаги нақшларга тақлид қилиб нақшлар бериш ҳам кенг тарқалган. Туркия кулолчилигининг ривожланган даври 16 асрнинг 2 ярмида бошланди. Бу ривожланишни сопол идишлар ва меъморий безаклар тайёрлашда кўрамиз Туркия ҳоқонлиги таркибидаги Дамашқ шаҳри ҳам ҳам кулолчилик марказларидан бири бўлган.

Бу давр кулолчилигида Салжукийлар давридагидек нақшларга, услубларга қайтилади, Дамашқ кулолчилигида қизил ранг умуман ишлатилмаган бўлиб, асосан яшил, кўк, оқ ва қора ранглардан фойдаланилган. ХVIII-XIX аср бошларида кулолчилик маркази Истамбул шаҳридан жануби-шарқроқда жойлашган Кютаке

шаҳрига кўчади, бу ерда купроқ меъморчиликда ишлатиладиган турли нақшлар тайёрланган. Истамбул шаҳрида XIX аср охирида сарой эҳтиёжлари ва элчиларга совғалар учун мўлжалланган маҳсулотлар чиқарувчи устахона очилган. Бу ерда тайёрланган нафис чинни идишлар, вазалар Осиё ва Европадаги кўпгина мамлакатларда машҳур бўлган. Туркия санъатида 18-19 асрлардан бошлаб Оврупа санъати таъсири ҳам сезила бошланди.

ЭРОН ЎРТА АСРЛАР САНЪАТИ

Ўз илдизлари билан ўтмишга бориб тақаладиган Эрон маданияти ва санъати ислом дини бу жойларга ёйилиши билан янги хусусиятлар йўналишларга эга бўлди. IX асрда халифалик таркибидан ажралиб чиққан Эрон санъати араб ва бошқа мусулмон халқлари санъти билан яқин аълоқада ривожланди. Шуни таъкидлаш керакки, Эрон санъати мактаби дейилганда, Эрон-Афғонистон ва Эрон-Озарбайжон ҳудудларида яратилган санъат тушунилади.

Эроннинг мўғуллар истилосигача бўлган даврдаги санъати ўз тараккиётида катта ютуқларни қўлга киритди. Маданий марказлари бўлган Исфохон, Шероз, Нишопур ва бошқа шаҳарларда ажойиб санъат дурдоналари яратилди. Афғонистон ҳукудида эса Ғазна, Ҳирот, Қобул, Балх каби шаҳарлар маданият ва санъат марказлари сифатида шуҳрат топдилар.

Бу ҳудуддаги дастлабки иншоотлар диний бинолар эди. Улар ичида Сузадаги 7-8 аа), Дамгондаги (IX а) ва Наиндаги (X а) мачитларини эсга олишимиз мумкин. Бу мачитлар ёпиқ айвон билан ўралган бўлиб, айвонларнинг устунлари чиройли ўйма нақшлар билан безатилганлиги жиҳатидан улар араб устунли мачитларига (Қоҳирадаги ибн Тулун мачити) ухшаб кетади. Биноларни безашда нақшлардан ташқари ёзувлардан ҳам фойдаланилган. Шу билан бирга, Эрон меъморлари тезда маҳаллий, исломгача бўлган даврдаги ибодатхоналар -чортоқ услубидаги мачитлар барпо эта бошлайдилар. Мачитлар ва бинолар айвонли бўлиб, Ўрта Шарқ меъморчилиги учун характерли бўлган тўрт айвонли бинолар пайдо бўлди. Бундай бинолар купинча тўғри бурчакли, бино ўртасида эса катта ховли, унинг 4 томонида ҳашаматли, безалган кириш жойи портал бўлган. Асосий кириш қисми айниқса баланд ва чиройли, ҳашаматли қилиб безатилган. Биноларни безашда асосий қурилиш материлини бўлган ғиштлардан ҳам усталик билан фойдаланилган. Бу даврга мансуб мачитлар ичида Исфохондаги Дума мачити (XI-XII асрлар) эсга олиб ўтиш мумкин.

Эроннинг Ўрта асрлардаги меъморчилигида мавзолейлар қуриш ҳам катта аҳамият касб этган. Мавзолейлар ўз тузилишига кўра турлича бўлган. Минорали мавзолейлар исломгача бўлган даврда Эрон меъморчилиги услубида қурилган бўлиб, уларга Горчан водийсидаги Кобус минораси деб аталадиган мавзолейни мисол қилиб келтириш мумкин. 91 метр баландликдаги бу минорали мавзолей ғишдан қурилган. Эрон мавзолейлари аста-секин йирик гумбазли мураккаб бинолар шаклини ола бошлаган. Бундай биноларга мисол қилиб муғуллар давридаги Солитандаги Олжайту-Худойбанди мавзолейини (1305-1313 й) айтиб ўтишимиз мумкин. Табризлик меъмор Алишоҳ томонидан қурилган бу мавзолей 8 бурчаклидир. Мавзолей бурчакларида гумбазли 8 та минора бўлган. Миноралар қуриш ҳам Эрон меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Агар дастлаб миноралар мачитларнинг ёрдамчи қисми бўлиб майдонга чиққан бўлса, кейинчалик миноралар мустақил меъморий иншоот сифатида барпо этила бошланган. Афғонистон ҳудудидаги миноралар бу типдаги иншоотларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Уларнинг қурилиши Ғазнавийлар сулоласи (977-1186) билан боғлиқдир. Бу миноралар Ғазнавийларнинг ғалабалари шарафига қурилган. Ғазна шаҳрида XI-XII асрларга тегишли 2 та минора сақланиб қоялган. Уларнинг асосини 8 бурчакли юлдуз шакли ташкил этади. Улар Ғазнадаги Маъсуд (1098-99 йиллардан 1114-15 йилгача) ва Баҳромшоҳ (1117-1153) минораларидир. Улардан ташқари, Давлатободдаги алоҳида турган минорани (1108-1109), Жом қишлоғидаги XII аср охири XIIII аср бошида қурилган минорани ва бошқаларни эслаш мумкин.

Саройлар. Эрон санъатининг энг яхши удумлари саройлар қурилишида ўз ифодасини топган бўлиб, афсуски буларнинг кўпчилиги бизнинг давримизгача етиб келмаган. Ўрта асрлар саройлари ҳақидаги тўлиқ тушунчани бизга Қандаҳор вилояти Лашкарбазар қишлоғи яқинида сақланиб қолган Маъсуд ИИИ нинг саройи харобалари беради, бу сарой Сосонийлар даври саройлари каби мухташам қилиб безатилган. Бунинг учун турли безаклардан ва нақшлардан кенг фойдаланилган. Сарой деворларига турли лавҳалар, уйнаётган аёллар, ов манзаралари, сарой аёнларининг расмлари туширилган.

XIII асрнинг 1-ярмида Эрон ва Афғонистон муғуллар томонидан босиб олинди ва Хулагидлар сулоласи 1256 йилдан ХИВ аср ўрталаригача бу ҳудудда ҳукмронлик қилдилар. Муғуллар аста-секин маҳаллий шароитга мослашиб кетдилар ва бу даврда маъморчиликда баъзи бир ажойиб иншоотлар барпо этилди. Уларга мисол қилиб, юқорида эсга олинган, Олжайту-Худойбанди (1305-1315 йй) мавзолейини, Бардадаги мавзолейини (1322 й) ва бошқа биноларни айтиб ўтиш мумкин.

ХИВ асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиё Темур томонидан тузилган улкан империянинг марказига айланди. Эрон ва Афғонистон ҳам унинг таркибига кирди. Бу жойлардаги кўпгина шаҳарлар ва вилоятлар темурий шахзодалар томонидан бошқарилад эди.

ХИВ асрда Самарқанд шаҳри темурийлар давлатининг сиёсий ва маданий марказига айланди. Шохруҳ ҳукмронлиги даврида Афғонистондаги Ҳирот шаҳри ҳам темурийлар давлатининг йирик сиёсий ва маданий марказларидан эди. Бу шаҳарлар адабиёт ва шеърият, амалий-бадий санъатнинг турли жанрлари, наққошлик ва ҳаттотлик ҳамда санъатнинг бошқа турлари юксак ривожланди. Бу пайтда юксак дид билан қурилган ажойиб меъморий иншоотлар Ҳирот шаҳри кўркини оламга ёйди. Бу шаҳарда XV асрнинг 2- ярмида буюк шоир Алишер Навоий, шунингдек, бу ерда буюк рассом Камолiddин Беҳзодлар ҳам ижод қилган.

Эрон тарихи ва санътидаги кейинги давр ХИИ-ХИИИ асрларга - Сафавийлар давлатининг гуллаб-яшнаган вақтига тўғри келади. Бу даврда Сафавийлар давлати таркибига Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Шарқий Арманистон ва шарқий Гуржистон (Грузия ҳудудлари кириб, давлатнинг дастлабки пойтахти Табриз шаҳри эди. 1598 йилда шох Аббос II Исфохон шаҳрига пойтахтни кўчирди.

Бу даврга мансуб саройлар Чехел-Сатун-Қирқ устун (1509) ва Али-Капу деворлари ҳам турли тасвирлар ва нақшлар билан, сирланган плиталар (кафеллар) билан безалган. Исфохондаги Масжиди-шоҳ мачити ва Табриздаги яшил мачит ҳам ўз салобати ва чиройи билан кишини ҳайратда қолдиради.

Эроннинг ўрта асрлардаги бадий-амалий санъати натижаси чирой ва катта дид билан барпо этилган гиламлар, турли матолар, сирланган сопол идишлар, металл, ёғоч, шиша ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тенги йўқ буюмларда ўз аксини топган. Гилам тўқиш санъатининг энг қадимги ва йирик марказларидан бири ҳисобланган Эронда тўқилган гиламлар ўз нақшлари, ранглариининг гўзаллиги билан XVI асрдан бошлаб хатто Оврупада ҳам катта шуҳрат қозонган.

Хулоса қилиб айтганда, Эроннинг ўрта асрлардаги бадий-амалий санъати жаҳон маданияги хазинасига кўшилган катта ҳиссадир.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Илк халифат тузилиши тарихи.
2. Уммавийлар сулоласи даврида халифат ҳудудларининг кенгайиб бориши.
3. Аббосийлар сулоласининг халифатда ҳокимият устига келиши.
4. Сурия-Миср асосий санъат ёдгорликлари.
5. Мавритания асосий санъат ёдгорликлари.
6. Испаниядаги ислом даврига оид санъат ёдгорликлари.
7. Туркия ўрта аср даврига оид санъат ёдгорликлари.
8. Эрон ўрта аср ёки ислом даври санъат ёдгорликлари.

Мустақил иш топшириқлари:

халифат тарихи ҳақида ёзма иш тайёрлаш;
уммавийлар даври ислом санъатининг ёдгорликлари;
аббосийлар даври ислом санъатининг ёдгорликлари;

Фойдаланилган адабиётлар:

- Денике Б.П. Искусство Востока. Казань. 1923.
Орбели И.А. Мусульманские изразцы. 1923.
Кубе А.Н. История фаянса. Берлин., 1923.
Кверфельдт Э.К. Керамика Ближнего Востока. Руководство к распознаванию керамических изделий. Л., 1947.
Кубо А.Н. Испано-мавританская керамика. М. –Л., 1940.
Веймарн Б., Кантерева Т., Подольский ... Искусство арабских народов. (средневековый период). М., 1960.
Миллер Ю.А. Искусство Турции. М. –Л., 1965.
Ходжаш С. Каир. Города и музеи мира. М., 1967
История зарубежного искусства. М., 1971
Уотт. У.М., Какиа П. Мусульманская Испания. М., 1976.
Сидирова Н.А., Стародуб Т.Х. Города Сирии. М., 1979
Каптерева Т.П., Виноградова Н.А. Искусство средневекового Востока. М., 1989

Мавзу 6. Марказий Осиё ўрта аср санъати

Режа:

1. Марказий Осиёда ислом даври маданиятининг шаклланиши.
2. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва сомонийлар санъати.
3. Хоразмшоҳлар давлати ва унинг санъати.
4. Ғазнавийлар давлати ва унинг санъати.
5. Қорахонийлар давлати ва унинг санъати.
6. Темурийлар давлати ва уларнинг санъати.
7. Шайбонийлар давлати ва уларнинг санъати.

Таянч сўз ва иборалар: Абу Муслим, Муқанна, Бухоро, Термиз, Марв, Самарқанд, Чоч, Кат, Урганч, масжид, мадраса, мақбара, ислими, гирих, шарафа, кошин, парчин, Шохи-Зинда, Оқсарой.

Дарснинг асосий мақсади: талабаларда Марказий Осиёнинг ислом даврига оид меъморчилик ва санъат соҳаларидаги жараёнларни тушунтириб бериш. Бу минтақада сақланган асосий санъат ёдгорликларини тавсифлаб бериш.

Асосий қисм:

ВИИИ аср Ўрта Осиё ҳудудларини араб халифалиги доирасига қўшилиши жангу-жадал, талофат ва қирғинбарот натижасида ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида кечиб ўтади. Натижада юксак антик ва илк ўрта аср маданий мероси, диний таълимотлар яқсон бўлиб йўқотилади. Берунийнинг хабар беришича араб амири Қутайба Хоразмда ибодатхоналарни вайрон қилиб, Хоразм ёзувидаги китобларни гулҳан қилиб куйдирган, Хоразм тили ва динидан хабардор бўлган кўна маданият вакиллари сурункасига йиллар мобайнида қирган. Қутайбанинг бу қилмишларини Ўрта Осиёнинг бошқа маданий марказларида ҳам кузатишимиз мумкин. Хуллас, ВИИИ аср охирига бутун Ўрта Осиё ҳудудлари халифат таркибига кириб, маҳаллий аҳоли ичида тез суръатлар билан ислом дини тарқай бошлайди ва Ўрта Осиё заминида ҳам ислом санъати шакллана бошлайди. Янги этно-маданий муҳит шароитида янги санъат

асослари, ғоялари, этолонлари шаклланиб боради. Лекин қадимий исломга қадар бўлган санъат анъаналари бирдан йўқолиб кетмайди. Аксинча, илк ислом санъатига ўзининг кучли таъсирини ўтказади. Буни биз IX асрдан бошлаб кенг кўламда тарқаган кулолчилик санъатининг маҳсулотида, сирланган, нақшдор, турли-туман идишларда кузитишимиз мумкин. Марв, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Фарғона кулоллар устахоналарида арзон, оммабоп, лекин бадиий жиҳатидан юксак идиш-товоқ ишлаб чиқарила бошлайди. Бу маҳсулотга хос хусусият кенг кўламда тарқаган араб каллиграфик безаклар билан биргаликда турли-туман исломдан аввал ишлатилиб келган орнаментал нақшларнинг уйғунлашганлигидадир.

Испания ҳудудларидан бошлаб Хитой чегарасигача ёйилган халифат ҳудудларида ягона қонун-қоида, ягона пул системаси ислом дини ва араб тили асосида янги ижтимоий бирлик ислом жамияти ва унинг маданияти бутун яқин Шарқ ва Марказий Осиё шаҳарларининг қиёфасини ўзгартиришга олиб келади. Кенг шаҳар кўчалари, масжид, мадраса, ҳаммомлар билан безатилган майдонлар гавжум бозор ва карвонсаройлар ўрта аср ислом шаҳарларини қиёфасини ифодалайди. Мусулмон савдогарларининг карвонсаройлари Пекиндан бошлаб Ҳиндистон ва Константинополга қадар тарқайди. Ўрта асрда шаклланган ислом санъатига хос хусусият асосан орнаментал нақш ҳар бир миллат, ҳар бир элат, турли-туман маданиятлар вакилларига тушунарли безак орқали парвардигор яратган дунёнинг гўзаллиги ва чексизлигини ифодалашга мослашиб боради. Бу санъат бирор миллий ёки қабилавий илоҳиётларга ёки сиғиниш объектларига алоқаси йўқдир. Яъни бу ислом санъатида Аллоҳ ҳақидаги абстракт тушунчалар ва ислом фалсафаси ушбу янги санъат принциплари асосида ифодалай бошланади. Бу санъат намуналарини тушуниш учун ҳеч қандай таржимага ҳожат бўлмаган. Ушбу тасвирий санъат намуналари, унинг принцип ва эталонлари бутун ислом дунёсига тарқабгина қолмай, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўзига хос гўзаллик намунаси сифатида обрў қозона бошлайди.

Ислом санъати принципларининг тарқашида усталар, ҳунармандлар, хаттотлар, рассомларнинг шаҳардан-шаҳарга бир маданият марказидан бошқа маданият марказларига кўчишлари катта таъсир қилади. Саройлар қошидаги китобхоналарда хаттотлар ўрта аср миниатюраси рассомлари, китобот санъатининг усталари хизмат қилиб, ҳар бир шаҳарда китоб бозорлари гавжум бўлиб келган.

Аниконизм принципи араблар туфайли эмас, ислом таълимоти туфайли ҳукмрон бўлиб қолади. Лекин ислом санъатида каллиграфия, хаттотлик санъати алоҳида ўрин тутати. Турли меъморчилик ва амалий санъат намуналарида ўрта аср тангаларида қисқагина ёзилган оятлар парчалари, ҳикматлар, мақоллар юксак хаттотлик даражасида бажарилиб, ислом дини ислом таълимоти билан биргаликда жамоани бирлаштирувчи эстетик воситага айланиб боради. Араблар Ўрта Осиёда юз йилдан кўпроқ ҳукмрон бўлсаларда, ислом дини ва унинг санъати XX асрга қадар сақланиб келади.

Самарқанд ва Бухоро, Марв ва Термиз ҳамда бошқа шаҳарларда сақланган IX-XIII аср меъморий ёдгорликлари, кулолчилик, шишасозлик ва мисгарлик маҳсулотлари, ислом даврининг маданиятини ва санъатини нақадар гуллаганликларидан гувоҳ берадилар.

Араблар ҳокимияти йўқолгандан сўнги давр ислом цивилизацияси форс-ислом синтези сифатида фанда баҳоланади. Чунки, ислом маданиятининг асосий марказлари Эрон ва Ўрта Осиё шаҳарларида ривожлана бошлайди. Лекин, XII-XIII асрлар турк сулолалари ва давлатлари даври эканлиги ҳам фанда тан олинган. К.Босворт бу даврни туркларнинг ислом дунёсига кириб бориш даври деб атайди. Яқин-яқингача турк халқларининг маданият ва санъатга қўшган хиссалари аниқ эмас эди. Аммо туркона тасвирий анъаналар сақланиб, ривожланишини турли-туман орнаментларда, амалий санъат намуналарида, айниқса тўқимачилик маҳсулотларида кузатишимиз мумкин. Скифлар санъати анъанасига хос динамика, ҳаракатни ифодалаш хусусиятлари Ўрта Осиё тасвирий санъатида ўз ўрнини топади. Турли-туман тамғалар, сопол ва металл идишларининг формаси ва қиёфаси негизларини исломга қадар бўлган туркий элатлар маданиятида кузитишимиз мумкин. Туркий халқлар санъатида ҳам геометрик орнамент

хос бўлган. Айниқса, бу хусусиятни биз тўқилган шолча ва тақир гиламлар гулида кузатишимиз мумкин. Ушбу санъат намуналари ҳозирга қадар ҳам дашт халқлари маҳсулотларида сақланиб келган.

Ушбу туркий халқларнинг геометрик орнаменти ислом орнаментининг бир тури – гирих асосида ётганлиги аниқ. Ислом санъатининг ўсимлик дунёсига хос нақшлари бир нечта турдан иборатдир: ислимий, хатаий, абр, вақ-вақ, спираль, банди-руми. Буларнинг келиб чиқиши Византиядан Хитойгача ҳудудларни ўз ичига олади. Бу борада айнан туркий қабилалар воситачи вазифаларини бажарадилар. Мисол учун вақ-вақ дарахти (дарахтларида барглари ўсиб, шохларида турли хил жонзотларнинг бош қисми ўсадиган, агар уларнинг ёнларига келинса, улар турли хил тилларда сўзлаша оладилар). Вақ-вақ Ҳиндистон мифологияси ва тасвирий санъатига хос бўлган санъатига хос бўлган образ. Вақ-вақ тасвирлари Термизда сақланган архитектура орнаментида маълум. Банди-рум ва спираль Византия санъатига хос бўлган элементлар. Турли ҳудудлар санъатининг таъсири ислом дунёси санъатига асосан импорт маҳсулотлари орқали кириб келади.

Турк элининг санъатига хос бўлган соддалик, ранг-баранглик ва динамизми билан эронзабон халқлар шаҳар аҳли эстетикасидан фарқ қилади. Дашт ва шаҳар аҳлининг этник қиёфалари, кийим-кечагидаги фарқлари китоб миниатюрасида ҳам ўз аксини топади. Туркий халқлар миниатюрасида табиат манзаралари кенг ўрин эгаллайди.

Афсус, ХИИИ асрда юз берган Чингизхон юришларидан сўнг Ўрта Осиё маданияти ва илму-фани ҳамда санъати мусулмон реннесанси ютуқлари даражасига иккинчи кўтарила олмайди. Лекин, Амир Темур ва темурийлар давридан бошлаб давлатчилик, шаҳарсозлик ва маданият қайта тикланиб гуллаб бошлайди. Лекин, бу даврда бу жараёнларни ҳаракатга солувчи куч ислом дини эмас, балки Амир Темурнинг сиёсий программаси ва марказлашган йирик давлат қурилиши ҳаракати бўлиб қолади. Бу даврда ягона иқтисодий ва маданий доира ҳамда темурийлар давлатининг кенг ҳудудларига хос ягона санъат услубияти шаклланади. Тасвирий санъатга хос хусусият илк ислом даврига хос аскетизм ва диний ғоядан бир қадар чекиниб, дунёвий мавзуларнинг кенгайиб бориши бу жараёнда меъморчилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларида кузатишимиз мумкин. Турли мачит ва мадрасалар билан биргаликда саройлар, боғлар, обсерватория меъморий ансамбллари ва обсерватория қурилиши темурийлар даври меъморчилигининг хусусиятидир. Саройлар интерьерлари табиат манзаралари, пейзаж, портрет намуналаридан иборат деворий нақшлар билан безатилади. Айниқса, тасвирий санъатга хос бўлган давр хусусиятлари Камолитдин Бехзод ижодида, унинг миниатюраларида ўз аксини тўлиқ топади. Бехзод ижодида Европа реннесанс даври санъатига хос бўлган индивидуализм ҳиссиётини кузатишимиз мумкин. Бехзод санъатининг асосий мавзуи дунёвий мазмунга эга. Нафақат архитектура ва меъморчилик, мисгарлик, сангтарошлик ёғоч ва ганч ўймакорлиги, зардўзлик ва заргарлик санъатини юксак даражада ривожланганлигини кузатишимиз мумкин. Темурийлар даври шаҳарларида йирик ҳунармандчилик марказлари шаклланади. Айниқса, Византияга хос бўлган мрамор сангтарошлиги Туркия давлатида ислом маданиятига мослаштирилиб, ғўристонларга қабр тошларининг қўйиш одати Амир Темур даврида дастлаб Кеш ва Самарқанд, сўнгра Ўрта Осиё бошқа шаҳарларига тарқай бошлайди. XV-XVI асрга оид Ўрта Осиё қабр тошлари жуда юксак бадиий санъат намуналари сифатида турли альбом ва нашрларда чоп этилган.

Темур ва темурийлар ва шайбонийлар давридан қолган меъморчилик ёдгорликлари ҳозир ҳам Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз шаҳарларининг чиройини очиб, бу шаҳарларнинг шахсий қиёфасини белгиловчи асосий маданият ёдгорликларидир. Кулолчилик соҳасида мўғуллар ва темурийлар давридан бошлаб Ўрта Осиёда Хитой чинниси кулолчиликнинг энг юксак маҳсулоти сифатида обрў қозонади. Темурийлар ва шайбонийлар даври кулолчилик маҳсулотлари уларнинг нақши ва безатилиш услубига хос хусусият оқ фон устидан кўк, ҳаворанг турли табиат манзараларини ифодалаш ўз хусусиятлари жиҳатидан қадимги ислимий услубига яқин

туради. Айниқса, темурийлар давридан бошлаб осмондаги булутлар (Абр) ифодаси хатай (хитойча) деб аталади. Хитой услубидаги булутлар тасвирини монументал санъат манзараларида, бадиий-текстиль ҳамда китоб миниатюраларида кузйтишимиз мумкин. Хитой санъатига хос аждар, хумо тасвирларини бадиий сопол маҳсулотларида ва ипак матоларида учратишимиз мумкин.

ХВИ-ХВИИ асрларда бобурийлар даврида Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан савдо-сотик ва маданий алоқалари кучайиб боради. Натижада, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон миниатюраси санъатида умумийлик ўхшаш хусусиятлари кучаяди.

Назорат саволлар ва топшириқ:

1. Марказий Осиё халифат ҳокимияти даври санъати хусусиятларини ифодалаб беринг.
2. Сомонийлар даври асосий меъморчилик ёдгорликлари.
3. Афросиёб кулолчилик санъати сомонийлар ва қорахонийлар даврида.
4. Хоразмшоҳлар меъморчилик ёдгорликлари.
5. Термиз шаҳри илк ислом даври меъморчилик ёдгорликлари.
6. Бухоро шаҳрининг ислом даври ёдгорликлари.
7. Самарқанд шаҳрининг ислом даври ёдгорликлари.
8. Кўҳна Урганч ислом даври ёдгорликлари.
9. Тошкент ислом даври ёдгорликлари.
10. Марв ислом даври ёдгорликлари.

Мустақил иш топшириқлари:

Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. М.: 1965 китоби билан танишиб чиқинг.

Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и средневековье. Т.: 2005. китоби билан танишиб чиқинг.

Файдаланилган адабиётлар рўйхати:

Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. М.: 1965

Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Очерки искусств Средней Азии. М.:1992.

Пугаченкова Г.А. Искусство Туркменистана. М.:1996.

Гюль Э.Ф. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и средневековье. Т.: 2005.

Гюль Э.Ф. Проблема этнокультурных взаимодействий в античном и средневековом искусстве Узбекистана. Автореферат докторской диссертации. Т.: 2002.

Манковская, Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. Т.: 1987.

Мец А. Мусулбманский реннесанс. М.: 1966.

Пугаченкова Г., Галеркова О. Миниатюра Средней Азии в избранных образцах. М.: 1979.

Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. Т.: 1961.

Ташхаджаев Ш. Художественная поливная керамика Самарканда. IX начала ХИИИ вв. Т.: 1967.

Маъруза 7

ХИНДИСТОН САНЪАТИ

Режа:

1. Мохенджо-даро ва Хараппа цивилизацияси ва санъатининг хусусиятлари.
2. Аррийлар қабилаларининг Ҳиндистонга кириб келиши.
3. Ҳиндистон илк давлатлари ва буддизм динининг шаклланиши.
4. Буддизм санъати.

5. Гандхара ёдгорликлари.
6. Индуизм анъанасининг меъморчилиги ва санъати.
7. Ҳиндистонга ислом таълимотининг кириб келиши.
8. Ҳиндистоннинг Бобурийлар сулоласи даври санъати.

Таянч сўз ва иборалар: Мохенджо-даро, Хараппа, Калибанган, аррийлар, Джухукар маданияти, Сидхарха Готама Будда Шакъя Муни ва унинг таълимоти, Санчи, ступа, стамбха, чайтия, брахманизм-индуизм, Дехли, Алохабад, Тожмахал.

Дарсинг асосий мақсади: талабаларда Ҳиндистон санъатининг асосий босқичлари: хараппа даври, буддизм даври, индуизм даври ва ислом даври санъатларининг асосий хусусиятлари ҳақида тасаввур ва тушунчалар пайдо қилиш.

Асосий қисм:

Қадимги Ҳиндистоннинг Мохенжадаро ва Хараппа маданиятлари эр.ав. 2 минг йилликда инқирозга йўл тутди. Археологик тадқиқотлар бу даврда хунармандчилик шаҳарлар қурилиши ривожланганлигидан, дарак беради. Айниқса Мохенжадаро ва Хараппадан топилган қохин хайкали (Шумер хайкалларига анча ухшайди), Хараппадан топилган раққоса хайкали ва бошқалар Ҳиндистоннинг қадимги хайкалтарошлигининг ажойиб намунасидир.

Эр.ав.1 минг йилликнинг урталарида Ҳиндистон ҳудудида дастлабки қулдорлик давлати пайдо бўлди. Худди шу пайтда Буддизм дини ҳам шаклланди ва деярли барча меъморий иншоотлар ҳамда санъат асарларида бу дин билан боғлиқ равишда юзага келди. Саройлар, уй-жойлар ёғочдан қурилган бўлиб, бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Буддизм билан боғлиқ ёдгорликлардан Сарнатхедаги тошдан қурилган меъмориал устунлар айниқса ажойиб. Буддизмга хос ёдгорликлардан унча баланд бўлмаган пойдевор барабан устига қурилган ярим айлана шаклидаги иншоотлар шулар жумласидандир. Уларда Будда релик вазирлари ва муқаддас китоблар сақланган. Бундай ёдгорликларнинг мумтоз намунаси Саичидаги (эрамиздан аввалги III аср) релик вазир ҳисобланади.

Ҳиндистон меъморчилик санъати ёдгорликларининг яна бир тури - ибодатхоналар, черковлардир. Улар қўпинча сунъий ғорлар қазилар йўли билан қурилган. Ажаирда 24 та черков ва 5 та ибодатхона бўлган. Барча черковлар бир хил тузилишда бўлиб, улар турт томондан айвон билан уралган туртбурчакли заллар шаклида бўлган. Ибодатхоналар одатда тугри бурчакли бўлиб, охири ярим айлана шаклида тугаган, у ерда Будда реликварияси сақланадиган жой бўлган. Бундай ибодатхонага мисол қилиб Қарлидаги эрамиздан аввалги II аср) ибодатхонани келтириш мумкин.

Ҳиндистон монументал санъатида наққошлик ва хайкалтарошлик ажойиб равишда уйғунлашиб кетган. Бу услуб Ҳиндистондан Авгонистон орқали Урта Осиёга ҳам кириб келган. Дастлаб Будда тасвирини қилиш, яшаш одат бўлмаган. Аста-секин Будда ғилдирагини (қўш) нур белгисини тасвирлаш бошланган. Будданинг дастлабки тасвири эрамиздан аввалги II асрга оид бўлиб, унинг асоси сифатида юнонлар орқали бу ерга кириб келган антик образи- Аполлон тасвири олинган. Шу тариқа Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида ва Покистоннинг ҳудудида Гандахор санъат мактаби шаклланди. Бу мактабда Ҳинд ва юнон- рим санъати узаро аралашиб кетган бўлиб, у Ҳиндистон маданияти ва санъатининг ёрқин бир қурилишидир. Мутахассислар Гандахор санъатини 3 босқичга бўладилар.

1. Илк давр - эрамиздан аввалги II аср - эрамизнинг I асри.
2. Урта даври - эрамизнинг I-II асрлари.
3. Сўнгги давр – эрамизнинг III-V асрлари.

Булар уртасида кескин чегара йуқ, лекин таракқиёти туфайли санъат асарларининг шакли ва моҳияти бироз бир-бировидан фаркланади. Мазкур даврларда Буддизм дини санъатга энг куп таъсир курсатганлигини таъкидлаш лозим.

Гандаҳор санъати антик дунёнинг бошқа жойлари - Юнон-Бактрия, Парфия, Шарқий Эрон ҳудуди, Ҳиндистоннинг бошқа ҳудудлари ва бошқа антик давлатлар билан яқин алоқада шаклланади.

Ўзбекистонлик олимларнинг Сурхондарё ва Туркменистондаги тадқиқотларига асосланиб, Г.А. Пугаченкова Гандаҳор санъат мактабининг шаклланишида Бактрияга Парфияликларнинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаб утган. Булар Гандаҳор мактабининг географик чегараларини ва даврини аниқлашда катта ёрдам беради.

Феодал муносабатларининг пайдо булиш давридаги Ҳиндистон санъати ислом динининг тарқалиши билан боғлиқ равишда ривожланиди. Буддизм узининг санъатга булган таъсирини бироз йуқотди. Янги брахманлик даври деб аталган бу вақтда Ҳиндистоннинг турли жойларида қадимги ҳудодларга сиғиниш яна пайдо булади, куплаб диний иншоотлар барпо этилди. Бу даврдаги ибодатхоналар икки турга: шимолий-нагара-шикхара ва жанубий-дравида-шикхарага булинади.

Бу даврдаги меъморий иншоотлар ғорларга уйиб эмас, балки очик жойларда қурилган. Уларга мисол килиб Эллоридаги Қайласанатка (8 аср) ибодатхонасини айтиб утишимиз мумкин.

Х асрда янги шаклдаги ибодатхоналар пайдо булди. Бҳубанесваридаги (Х-ХII асрлар) ибодатхона шулардан биридир. Бундан ташқари, монументал меъморчилигида халқ эпослари, оғзаки ижодидан олинган сюжетлар тасвири ва ҳайкаллардан кенг фойдаланилган.

Узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтган Ҳиндистон ва Хитойнинг ўзига хос санъати мусулмон Шарқ оламига хос бўлган санъатдан ўз моҳияти, шакли ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ердаги санъат турлари, айниқса ҳайкалтарошлик тасвирий санъат, бадиий хунармандчилик. Меъморчилик, нақошшлик ва санъатнинг бошқа турлари бу мамлакатларда ҳукмрон бўлган диний таълимотлар-буддизм, индуизм (брахманизм), конфуциянизм, даоизм ва бошқа турли диний таълимотлар таъсирида ривожланган. Бошқа Шарқ мамлакатлари санъати билан яқин алоқаларда бўлган Ҳиндистон ва Хитойнинг ўрта асрдаги маданияти, санъати жаҳон маданияти хазинасини янада бойитиб, унинг юксалишига катта ёрдам берди.

Ҳиндистоннинг урта асрлардаги санъати қадимги Ҳиндистон санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттирди ва шу билан бирга тарихий узгаришлар натижасида, санъатда янги йўналишлар ҳам пайдо булди. Ҳиндистоннинг бу даврдаги санъати кўпгина ўзига хос хусусиятларга эга булиб, уни иккита даврга, яъни ВИИ-ХIII асрлар санъати ва ХУ-ХУII асрлар санъатига булиш мумкин.

1 ВИИ-ХIII асрлар Ҳиндистон санъати

Ҳиндистонда Гуптлар давлати УI асрга келиб кучманчи гунлар-эфталитлар хужуми натижасида тарқалиб кетди ва эфталитларнинг қисқа вақтлик ҳукмронлиги даарида бу ерда бир қанча майда давлатлар пайдо булди. Худди шу даврда Ҳиндистондаги купгина қадимий меъморчилик ва санъат ёдгорликлари вайрон булиб, мад-нияг, санъат инкирозга юз тутди. Ҳиндистоннинг урта асрлар даврига қадам қуйиши ҳам худд шу даврга туғри келди. Ҳиндистоннинг ВИИ-ХIII асрлардаги санъатида будда динини урнини эгаллаган янги таълимот - брахманизм (индуизм) дини таъсири кучли булди. Бу янги диний таълимотнинг асосий ҳудодлари - тинчлик худоси Вишна табиатдаги ҳаёт ҳаракатини, унинг барпо этиш ва вайрон қилиш қобилятини ўзига мужассам этган Шива худоси булиб, асосий ибодатхоналар уларга атаб барпо этилган. Диний соҳадаги бу янгиликлар санъатнинг ҳайкалтарошлик ва меъморчилик каби турларида айниқса узининг ёрқин ифодасини топди. Бу даврдаги саройлар ва уйлар ёғочдан, ибодатхоналар эса тошдан қурилган бўлиб, тошларда гўёки брахманизмнинг ғояларини ва сиймоларини акс этган. Тошдан бундай ибодатхоналар қуришнинг янги даври ВИИ асрда бошланди. Бу айниқса Декон вилоятида ва

Ҳиндистоннинг жанубий қисмларида кучли ривожланди. Бу вақтда буддизм дини ва у билан боғлиқ бўлган меъморчилик, наққошлик ўз тараққиётининг охиригача босқичини ўтаётганди.

Ҳиндистондаги ғорларда ибодатхоналар қуришнинг иккинчи даври ВИИ-ВИИИ асрларга дегўри келади. Уларга мисол қилиб Эллорадаги ибодатхоналар комплексини кўрсатишимиз мумкин. Бу ибодатхоналар мураккаб тузилишга эга бўлиб, улар ички ховлиларининг кенглиги билан ажралиб туради. Қояларга 40 метргача ўйиб ясалган 2-3 қаватли заллар, узун, кўп устунли айвонлар турли тасвирлар, нақшлар ва ҳайкаллар билан безатилган. Эллорадаги ибодатхонага қўйилган ҳайкаллар ичида рақсга тушаётган улкан Шива тош ҳайкали ўз салобати билан кишида катта таассурот уйғотади.

Элефанта оролидаги қояларга ўйиб қурилган ибодатхоналар ҳам Ҳиндистоннинг бу даврдаги маданияти ва санъати ҳақида кўпгина маълумотлар беради. Элефанта (ёки Гхарапури) Бомбей шаҳридан 8 чакирим масофада араб денгизи бағрида жойлашган орол бўлиб, ундан қоя тошлар ичига ўйиб кирган ҳолда қурилган ибодатхонада худо Шиванинг энг улкан ҳайкали ўрнатилган. Бу ҳайкал одам ўртача танасига нисбатан 3 баравар катта кўринишда, бошининг баландлиги 6 метр бўлган маҳобатли бир қиёфада тасвирланган ва янги диннинг, уни улуғлашнинг тимсолидир. У ўзида парбо этиш, вайрон қилиш ва шу билан бирга, тинчлик, барқарорлик кучларини ўзида акс эттирган. Бу даврда ғорларда ибодатхоналар қуриш билан бир қаторда, жанубий Ҳиндистонда очик жойларда ибодатхоналар қуриш ҳам ривожланган. Уларга мисол қилиб Палловлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Махабалапуром шаҳрида барпо этилган 5 та обида – Ратх (ибодатхона)ларни айтиб ўтиш мумкин. Бу ибодатхоналар нафақат меъморий бино сифатида, балки ўта аниқлик билан ясалган улкан ҳайкаллар тўпланган ажойиб санъат обидаси сифатида ҳам машҳурдир. Бу ратх (ибодатхона)ларнинг ҳар бири “Маҳобҳорат” эпосидаги худолар ва қаҳрамонлар номи билан аталган.

Махабалипурам шаҳри яқинидаги қояга ўйиб ишланган “Ганганинг қайтиши” композицияси ҳам табиатнинг бирлиги ғоясини ўзида акс эттирган нодир санъат асари сифатида машҳурдир. Қаҳрли худо Шиванинг одамлар илтижосини инobatга олиб, Ганга сувини ерга қайтаргани ҳақидаги афсона композицияга асос қилиб олинган. Бу ердаги тасвирлар баланд қоянинг 9 метр баландликдаги ва 27 метр узунликдаги майдонини эгаллаган.

Ҳиндистондаги бу даврга тегишли яна бир меъморий ёдгорлик Эллорадаги Кайласанатха ибодатхонаси бўлиб, ўз тузилишига кўра бу иншоот Махабалипурам ибодатхоналарига анча ўхшаб кетади. Бу ердаги ибодатхона 3 та қисмга ва кўпгина қўшимча биноларга эга бўлиб, улар Шива худосига ва у билан боғлиқ бўлган образларга бағишлаб барпо этилган. Ибодатхонанинг деворларига турли нақшлар туширилган, ундаги тасвирлар, ҳайкаллар шунчалик маҳорат билан ишланганки, улар худди тирикдек ва девор бўйлаб ҳаракат қилаётгандек туюлади. Ибодатхонанинг ички қисми ҳам турли ҳайкаллар билан безатилган бўлиб, улар ичида муқаддас Кайлос тоғи устида дам олаётган худо Шива ва унинг хотини Парвати ҳайкали ҳамда бу тоғни вайрон этишга интилаётган ер ости қора кучларининг тимсоли бўладиган кўп бошли ва кўп қўлли Раван ҳайкали айниқса катта маҳорат билан ясалган.

Ҳиндистон ривожланган феодализм даврига X-XII асрларда кадам қўйди. Бу давр санъати кўпгина ўзига хосликлар билан ажралиб туради. Меъморчилик санъатида ибодатхоналар қуриш давом этди, улар ўз тузилишига кўра бир қанча қисмларга бўлинган бўлиб, уларнинг барчаси чиройли қилиб ясалган ҳайкаллар, турли тасвирлар билан безатилган.

Ҳиндистоннинг бу даврдаги меъморчилиги 2-шимолий ва жанубий меъморчилик мактабларига бўлинади. Шимолий Ҳиндистондаги ибодатхоналар бу даврга келиб энди қояларга ўйиб эмас, балки силлиқ қилиб кесилган тошлардан қурилган. Уларга мисол қилиб Декан вилоятининг шарқида жойлашган Орисс ибодатхоналарини (8-9 асрлар) Марказий Ҳиндистондаги Чанделлар подшолиги пойтахти бўлган Кхаджураҳодаги ибодатхоналарни айтиб ўтиш мумкин.

Кхаджураходаги ибодатхоналар ичида Кондаря Махадева ибодатхонаси ўз меъморий тузилиши, безаклари ва ҳайкаллари билан кишида катта таассурот қолдиради. Бу ердаги худолар ҳайкаллари, аёллар, ўсмирлар ҳайкаллари, рақс тушаётган аёл тасвири ва бошқалар Ҳиндистон табиати ва унинг гўзаллигининг меъморий услублар билан ажойиб равишда уйғунлашиб кетганлигини, шунингдек, бу даврда ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади.

Ҳиндистоннинг шимолий районларига хос бўлган ҳайкалтарошлик санъатининг тараққиётини Конаракида қуёш худоси Суряга атаб қурилган ибодатхона мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Бу улкан ибодатхона Ҳиндистоннинг ўрта асрлардаги меъморчилиги санъатининг бутун қудратини, маҳоратини ўзида акс эттирган дейишимиз мумкин. Ўз ҳажмига кўра Ҳиндистондаги ибодатхоналар ичида энг йириги бўлган бу иншоотдан бизнинг давримизгача фақат биттагина кўп устунли зал сақланиб қолган. Ибодатхонанинг 40 метр баландликдаги ҳашаматли пирамидаси улкан пойдевор устига қурилган бўлиб, унинг икки томонидаги деворга 3 метрлик 24 та ғилдирақлар ва чопаётган отлар тасвирлари ўйиб туширилган.

Жанубий Ҳиндистон санъати ҳам бу давр меъморчилиги ва ҳайкалтарошлигида ўзининг энг ёрқин ифодасини топди. Бу даврдаги Ҳиндистоннинг жанубидаги энг ажойиб меъморий иншоот сифатида Танжурдаги Брихадешвара (“Катта ибодатхона”) ибодатхонасини айтиб ўтиш мумкин. У бу ердаги бошқа ибодатхоналар сингари бош худо – Шивага атаб қурилган бўлиб, 13 қаватли ва 63 метр баландликка эгадир. Ибодатхонани безаб турган турли ҳайкаллар бу давр ҳайкалтарошлик санъати ҳақида, унинг юксак даражада ривожланганлиги ҳақида маълумот беради.

Ҳиндистоннинг ВИИИ-ХИВ асрлардаги меъморчилиги тошдан бинолар қуриш жуда юксалган бир даврга тўғри келиб, бу даврда тошдан қурилган ибодатхоналар фақатгина сиғиниш жойи, диний маросимлар ўтказиш жойи бўлиб қолмасдан, балки шу даврнинг илмий ва бадиий ҳазинаси йиғилган илмий муассаса ҳам ҳисобланган. Уларнинг деворларидаги расмлар, ҳайкаллар ва бошқа турли-туман тасвирлар Ҳиндистоннинг тошга ёзилган санъати тарихидир.

2. ХВ-ХВИИ асрлар Ҳиндистон санъати

Ҳиндистоннинг сиёсий ва маданий ҳаётида ХИИИ асрга келиб катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар Ҳиндистоннинг шимолига ислом динининг кириб келиши ва марказлашган мусулмон давлатининг пайдо бўла бошлаши билан боғлиқдир. Ислом дини билан бирга Ҳиндистонга янги маданий анъаналар ҳам кириб кела бошлайди. Шимолий Ҳиндистонда ХИИИ асрдан бошлаб Ўрта Шарқ мамлакатлари учун характерли бўлган, лекин Ҳиндистон учун янгилик ҳисобланган мачитлар, миноралар, мвзолейлар, мадрасалар ва мусулмон оламига хос бўлган бошқа меъморий иншоотлар кўплаб қурила бошланди. Бу ерда ҳашаматли саройларга, мустаҳкамланган кўрғонларга, катта бозорларга ва кенг кўчаларга эга бўлган янги шаҳарлар ҳам пайдо бўлди.

Ислом дини ҳайкалларга, маъбудаларга сиғинишга қарши каттиқ қураш олиб борганлиги сабабли диний бинолар ҳайкаллардан, қадимги Ҳиндистонга хос бўлган образлардан маҳрум бўлди. Ҳиндистоннинг мусулмонлар томонидан босиб олинган шимолий вилоятларида ислом динига хос бўлган эстетик тушунчалар ва бу ердаги қадимги динларга хос бўлган тушунчалар ўртасидаги тўқнашув Ҳиндистондаги меъморчилик асосларига, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъатининг ўзар уйғунлигига катта таъсир кўрсатди. Шимолий Ҳиндистонда пайдо бўлган мусулмон оламига хос иншоотлар кўпинча бузиб ташланган эски ибодатхоналар ўрнида ва уларга ишлатилган қурилиш материаллари – тошлардан фойдаланилган ҳолда барпо этилди. Ҳиндистонда бу даврда қурилган бинолар бошқа мусулмон оламидаги иншоотлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бу ердаги обидалар ислом дунёсига хос бўлган меъморий анъаналарни ва шу билан бирга, уларга ажойиб равишда уйғунлашиб кетган қадимги Ҳиндистонга хос бўлган меъморий услубларни ўзида акс эттирган. Бунга мисол қилиб Ҳиндистоннинг янги пайдо бўлган пойтахти Дехли шаҳрида қурилган улкан минора – Кутб-Минорни айтиб ўтишимиз мумкин. 1230 йилда қуриб тугалланган бу катта

миноранинг баландлиги 73 метрни, асосининг диаметри эса 16 метрни ташкил этади. Ҳиндистон тараққиётидаги, унинг санъати ривожига янги давр ХВИ-ХВИИ асрларга, яъни бу ерда улуғ ватандошимиз Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврларга тўғри келади. Ҳиндистондаги меъморчилик санъати айниқса Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида катта ютуқларни қўлга киритди. Бу даврда ҳашаматли саройлар, боғлар, мачит ва мавзолейлар билан безалган, шунингдек, мустаҳкамланган қўрғонларга эга бўлган янги шаҳарлар – Агра, Фатхпур-Сикри ва бошқалар пайдо бўлди. Унинг даврида қурилган бинолардан Деҳлидаги Ҳумоюн мақбарасини (1572) айтиб ўтиш мумкин. Бу ажойиб мақбара оқ мармардан қурилган.

Ҳиндистонда ХВИИ асрда қурилган меъморий иншоотлар ичида Муҳаммад Одилшоҳ мақбарасини (1656) ҳам эсга олиб ўтиш керак. Бу даврда қурилган энг ажойиб меъморий иншоот Шохжаҳон томонидан сеvimли хотини Мумтоз Маҳал хотираси учун қурилган Тож-Маҳал мақбарасидир. Агра шаҳрида қурилган бу мақбара бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда қурилган иншоотлар ичида энг гўзали бўлиб, мусулмон меъморчилиги санъатига қўшилган ажойиб ҳиссадир, Бобурийлар даврида қурилган кўпгина бинолар сингари бу мақбара ҳам оқ мармардан қурилган бўлиб, Ҳиндистоннинг ХВИИ аср меъморчилиги учун янгилик ҳисобланган кўпгина хусусиятларга эга.

Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда фақатгина меъморчилик санъатигина ривожланиб қолмасдан, балки санъатнинг бошқа турлари, хусусан, миниатюра санъати тасвирий санъат ва б. ҳам кучли ривожланди. Охириги бобурий ҳукмдор Аврангзеб подшолиги даврида Ҳиндистон меъморчилиги аста-секин инкирозга учрай бошлайди ва у билан боғлиқ бўлган санъат турлари ҳам ривожланишдан тўхтади. Ҳиндистоннинг жанубий қисмларидаги санъат турлари ҳақида гапирганда Ражастхан миниатюра мактабини ҳам эсга олиб ўтиш мумкин. Унинг асосий мавзулари индуизм худолари Шива ва Вишнага бағишланган бўлиб, шу билан бирга, халқ қахрамонлари ва афсонавий сиймолар ҳам бу санъатда ўз ифодасини топди. Улар ичида Кришнага бағишланган миниатюралар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлиги даврида “Бобурнома” ва бошқа жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилди. Бу эса ўз навбатида ҳаттотлик, миниатюра, рассомлик ва бошқа санъат турларининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ўрта асрларда айниқса миниатюра санъати кучли ривожланди. Тарихий, эпик дostonлар, шеърий девонлар миниатюралар билан безатилар ва шу туфайли ҳар қандай дунёвий руҳдаги китоблар, қўлёзмалар ҳаттотлар ва миниатюрочи рассомларнинг ижодий ҳамкорлигидаги маҳсули эди.

Ҳаттотликда китоб ёзишнинг, қоғоз танлашнинг, турли ранглар тайёрлашнинг, олтин ва кумушни суюқ ҳолга келтиришнинг аҳамияти катта бўлиб, уларнинг барчасининг ўз усуллари, йўллари ва сирлари бор эди.

Ҳар бир қўлёзма асар тери муқовага ўралган бўлиб, унинг муқоваси турли-туман нақшлар билан чиройли қилиб безалар, асар сюжетига мос равишда расмлар чизилар эди. Қўлёзмаларни тайёрловчи машҳур ҳаттотлар, рассомлар ўз мактабларини яратдилар. Масалан, XV асрдаги Ҳирот миниатюра мактаби бутун Шарқда машҳур бўлган.

Мусулмон санъати оламида бир нечта миниатюра мактаблари бўлиб, улар ичида Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон миниатюра мактаблари катта шуҳрат таратган эди. Талабалар ҳар бир бадий миниатюра мактабининг ўзига хос қирраларини, ютуқларини билиши лозим, чунки миниатюралар муҳим тарихий манба сифатида ҳамда ўша давр тасвирий санъати ҳақида маълумот берувчи манба сифатида муҳимдир.

Назорат саволлар ва топшириқ:

1. Хараппа шаҳри харобаларининг меъморчилиги ва санъати.
2. Мохенджо-даро харобасининг меъморчилиги.
3. Хараппа санъатининг асосий хусусиятлари.
4. Маурья давлатининг санъати.

5. Буддизм санъати ёдгорликлари.
6. Илк ўрта аср даври индуизм эҳромлари.
7. Илк ўрта аср даври. Ҳиндистоннинг тасивирий санъати.
8. Ҳиндистоннинг ислом даври меъморчилиги.
9. Бобурийлар даври меъморчилиги ва шаҳарсозлиги.
10. Бобурийлар даври миниатюра санъати.

Мустақил иш топшириқлари:

Бонград-Левин Г.М., Ильин Г.Ф. Индия в древности. М., 1985. китобни ишлаб чиқинг;

Буддизм даври санъати асосий хусусиятларини реферат тарзида ифодалаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

Галеркина О.И., Богданов Ф.Л. Искусство Индии в древности и средние века. М., 1963.

Прокофьев О. Искусство Индии. М., 1964.

Короцкая А.А. Архитектура Индии раннего средневековья. М., 1964.

Пугаченкова Г.А. Искусство Гандхары. М.: 1972.

Художественная культура Древней Индии. М., 1972

Бонград-Левин Г.М., Ильин Г.Ф. Индия в древности. М., 1985.

Тюляев С.И. Искусство Индии. III-е тыс. до н.э. – V в. н.э. М., 1988

Маъруза 8

ХИТОЙ САНЪАТИ

Режа:

1. Хитой цивилизациясининг илк босқичлари, неолит даврига оид Яньшао ва бошқа ўтrock деҳқончилик маданиятлари.
2. Шань-Инь даври маданияти ва санъати.
3. Цинь Ши Хуанди давлати, шаҳарсозлиги, меъморчилиги ва санъати.
4. Хань давлати ва санъати.
5. ИВ-ВИ асрларда Хитой санъати.
6. ВIII-ХIIII асрлар Хитой санъати.
7. ХИВ-ХVIII асрлар Хитой санъати.

Таянч сўз ва иборалар: Яньшао, Шань-Инь, Цинь Ши Хуанди, Чань-Ань, Вей сулоласи, Тан сулоласи, Сун сулоласи, Мин династияси, Цин сулоласи.

Дарсинг асосий мақсади: талабаларда узоқ Шарқ цивилизациясининг асосий хусусиятлари ҳақида ва унинг хронологик босқичлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Хитой санъатининг ўзига хос хусусиятлари, белгилари, ютуқлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш. Узоқ Шарқ санъатининг ўзига хос анъаналари ва рамзларини, узлуксиз тараққиётини тушунтириб бериш.

Асосий қисм:

Қадимги Хитой ўлкаси узоқ Шарқ минтақасининг цивилизацияси ўчоғи ҳисобланади. Шань-Инь, Чжоу, Цинь ва Хань давлатлари негизида қадимги Хитой цивилизацияси давлатчилиги, шаҳарсозлиги ва санъати шаклланади. Узоқ Шарқ цивилизациясига хос Хитой иероглифик ёзуви, яшаш тарзи маданиятнинг иқтисодий

асослари шаклланади. Археологик тадқиқотлардан шу кеча-ю кундузда кўплаб меъморчилик ёдгорликлари, мудофаа иншоотлари, шу жумладан буюк Хитой девори, бронзадан қуйилган бадиий буюмлар, қурол-яроқ, Хитой тангалари, чинни асбоблар, деворий нақшлар, ипакчилик санъати ва қоғоз, ипак асосида шаклланган тасвирий санъат намуналари кўплаб топилган. Хитой цивилизациясининг неолит ва бронза даврида шаклланган хусусиятлари ва асосий аломатлари бу минтақа цивилизациясининг бутун тараққиёти мобайнида ўз анъанавий қиёфасини сақлаб келиши эътиборга сазовордир.

Аммо лекин Хитой санъати ҳақида гап борар экан, унинг ёдгорликлари асосан илк ва ривожланган ўрта асрлар даврига тегишли.

Хитойнинг ўрта асрлардаги санъати худди Ҳиндистондагидек кўпгина ўзига хосликларига эга. Феодализм даврига 3-4 асрлар чегарасида қадам қўйган Хитойда ўрта асрларда ҳашаматли саройлар, боғлар ва ибодатхоналарга эга бўлган катта шаҳарлар пайдо бўлди, адабиёт, мусиқа, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик, тасвирий санъат ва ҳунармандчилик юксак даражада ривожланди. Хитой феодализи даврида кўпгина муҳим кашфиётлар ҳам қилинди, улар ичида чинни (фарфор) идишларнинг пайдо бўлганлигини ҳамда китоб босиш санъатининг ривожланганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Хитой санъатини шартли равишда 3 даврга бўлиш мумкин.

Илк давр – ИВ-ВИ асрлар.

Ўрта ёки ривожланган давр – ВИИ-ХИИИ асрлар.

Сўнгги давр – ХИВ-ХИХ асрлар ўрталари.

Хитой санъати ҳам бошқа феодализм давридагидек, бу ердаги динлар билан мустаҳкам боғланган эди. Бу ердаги асосий диний таълимотлар конфуцианизм ва даосизм ҳамда буддизм таълимотлари бўлиб, улардан ташқари, Хитойда кўпгина диний мактаблар ва секталар ҳам мавжуд эди.

1. ИВ-ВИ асрлар Хитой санъати

Бу даврда Хитой ҳудудида иккита мустақил давлат, шимолий Вэй ва пойтахти Цзянкан шаҳри бўлган жанубий Хитой давлатлари бўлиб, улар санъатининг тараққиётида кўпгина тафовутлар учраб турган. Шимолий Хитойда Буддизм дини кенг тарқалади ва бу ерда худди Афғонистон ва Ҳиндистондагидек қояларни ўйиб ибодатхоналар қуриш ривожланди. Бу даврда қурилган ибодатхоналар ичида Вэй давлати пойтахти Пинчэн шаҳри яқинидаги тоғларда қурилган Юнган ("Булутлардан баланд ибодатхона") ибодатхонаси (ИВ-ВИ асрлар), Лунмэнь ("Аждарҳо дарвозаси") ибодатхонасини, Цянфодун ("Мингта Будда ғори") ибодатхонасини, Гаиси вилоятидаги Майцзишан ("Бурдойли тепа") ибодатхонасини ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Бу улкан ибодатхоналарни қуришда Хитойлик усталар билан бирга, Ҳиндистон ва Марказий Осиёдан келган усталар, ҳунармандлар, рассомлар ҳам қатнашганлар.

Хитойнинг жанубида ҳам кўпгина санъат турлари, айниқса тасвирий санъат кучли ривожланди. Рассом Гу Кайчжи (344-406) асарлари бу даврдаги жанубий Хитой тасвирий санъати ҳақида яққол маълумот беради.

2. ХИИ-ХИИИ асрлар Хитой санъати

